

R 496

ГУЛИСТОН

7
1986

Экз. №4



Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўлан Дадажонов ғўза қатор оралари ишловини кўздан кечирмоқда.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

ГБ Ўзбекистон
Н

ИФТИХОР

Марғилон «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмаси тўқувчиси, Ўзбекистон Компартияси XXI съезди делегати, республика Ленин комсомоли мукофоти лауреати **Мукаррамхон КАРИМОВА** *ҳикоя қилади*

Бирлашмамиз коммунистлари ўз фаолиятларини ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, халқ истеъмоли моллари сифатини яхшилашга, иқтисодий кўрсаткичларни оширишга қаратганлар. Саккиз йилдан буён коллективимиз юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, бошқаришнинг ибратли комплекс системасини жорий этиш ҳамда Давлат сифат белгиси қўйилган маҳсулот ҳажмини ошириш юзасидан энг яхши корхона номини олиш учун ўтказилаётган республика кўрик-конкурсининг ғолиби бўлиб келмоқда. Коллективимиз илмий-тадқиқот институтлари ва машинасозлик заводларининг олимлари ҳамда конструкторлари билан ҳамкорликда технологияни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришга замонавий ускуналарни жорий этиш ва улардан оқилона фойдаланишнинг амалий чораларини кўрмоқда. Рационализаторлик ҳаракатида ишчилардан, инженер-техник ходимлардан 400 киши иштирок этаётир. Фан-техника ютуқларини ўз иш фаолиятига татбиқ этмайдиган ишчи бугун обрў-эътибор тополмайди. Замоннинг тезлиги ҳар бир ишчидан мунтазам изланишни талаб этмоқда. Ана шуни ҳис этиш туфайли бирлашмада товар маҳсулоти ишлаб чиқариш 1980 йилга нисбатан 23 процент ошди. Биринчи сорт маҳсулот тайёрлаш, «Янгилик» индекси билан маҳсулот ишлаб чиқариш ортиб бораяпти.

Бу ютуқларга коммунист ишчи сифатида ўзим қандай ҳисса қўшаётганимни ҳисобот тариқасида айтиб ўтаман. 1981 йил бошида ўн биринчи беш йилликда ўн уч йиллик топшириқни бажаришга сўз берган эдим. Ўтган йилнинг кузида бу ваъдамнинг устидан чиқдим. Назира Ҳусанова, Фазилат Камолбоева каби ҳамкасбларим эришган кўрсаткич ҳам меникидан кам бўлмади. Бирлашмада квартал ва йиллик топшириқлар ошириб бажарилмоқда. Бунда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Назира Ҳусанова билан Лутфия Ашуровани нг «Ҳар бир шогирд — мураббий эришган даражага» деб ўртага ташлаган шиорлари алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Ҳар бир тўқувчининг ишга 20 минут олдин келиши одат тусига кирган. Биз эса, ўз фабрикамизда ишга келишни 30 минут олдинга сурдик. Орадаги ўн минут давомида — сменадошимиз ишлаган вақтда дастгоҳлар соз-носозлигини билиб оламиз. Кейинги 20 минут вақтимиз уларни артиб-тозалашга сарфланади. Натижада дастгоҳлар бетўхтов ишлайди. Ўтган йили баҳорда Ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан «Узим ва ўша йигит учун» деган ташаббус билан чиққан эдим. Уни яна давом эттираяпман. Бу менинг иш фаолиятимда доимий бўлиб қолади. Беш йиллик давомида 340 минг метрдан зиёд нафис газламалар тўқиб топширдим.

Атласчиларимиз ўтган йили пландан ташқари 4 миллион 61 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Партия йиғилишида бу ютуқларга ҳаммадан кўп ипак пишитув фабрикаси, танда тайёрлаш фабрикасининг тайёрлов, пишитув,тўқимачилик фабрикасининг ипак пишитув цехи катта ҳисса қўшганлиги айтилди. Ана шу «катта ҳисса» деганда нега бизнинг фабрикамиз тилга олинмади. Планни хиёл ошириб қўйиб, «марра бизники» деб бемалол юрадиган вақтлар ўтиб кетганининг, энди натижаларга баҳо беришда қўшимча мажбуриятларнинг қандай бажарилиши ҳам инобатга олинишининг далили эмасми бу?! Партия ҳисобот йиғилишидан кейин фабрикада шу ҳақда гаплашиб олдик. Янги замонавий типда, барча қулайликларга эга бўлган фабрикамиз нега энг пешқадамлар қаторида бўлмаяпти? Муҳим ижтимоий тадбирлар амалга оширилаётган, шарт-шароит кутилганидан ҳам зиёда бўлса: 1620 ўринли болалар муассасалари, 300 кишига хизмат кўрсатадиган поликлиника ишлаяпти. Спорт заллари, маданият уйлари, бадиий ҳаваскорлик коллективлари, дам олиш зоналари, фабрикалардаги ошхона ва буфетлар хизматимизда... Тунги сменадаги ишчилар бепул овқатланадилар. Таъмир ишлари меҳнат шароитини кўп жиҳатдан яхшилади. Ҳар бир фабрикада хотин-қизларнинг гигиена ва ювиниш хоналари, медицина пунктлари бор. Цехлардаги ҳарорат мувофиқлаштириб турилади. Ой туғса ҳам, кун туғса ҳам ишчига бўлиб турган бир пайтда бизнинг 3-тўқимачилик фабрикамизда, қўшни бўёқчилик ва тароқчилик цехларида иш натижалари нега бошқа фабрикалардан кам? Устига-устак, маҳсулот сифатининг бузилиши нега такрорланади? Бу саволлар жавобсиз қолмади.

КПСС XXVII съезди талаб этганидай, ютуқларни танқидий баҳолаб, план ва топшириқларни икки ҳисса бажариш чоратадбирлари белгиланди. Бирлашма корхоналарида дастгоҳларнинг бекор туриб қолиши баъзан-баъзан бўлса-да, учраётгани, бу рақам беш йил давомида 573 минг дастгоҳ-соатни ташкил этаётгани аниқланди. Мана шунинг ўзи туфайли 1 миллион 420 минг сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилди. Бирлашмада ишчиларнинг бажарган иш нормалари бир-биридан жуда катта тафовутлар билан ажралиб туради. Кимлардир икки ҳисса ва ундан ҳам ошириб иш бажаради, кимлардир учма-уч ёки... Натижада планни бажара олмайдиганлар сони бирлашмадаги жами ишчиларнинг 12,5 фоизини ташкил этяпти. Бизни яна бир нарса ташвишлантиради. Нега илғор ишчиларнинг

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

№ 7 (437)
Июль
1986

Журнал 1925 йилдан чика бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

Эҳтиёт №4

© «Гулистон» № 7, 1986 й.

ёнида ишёқмас, бракчи ёки прогулчи ҳам меҳнат қилаётган бўлади-ю, лекин эътибордан четда туради. Ҳолбуки, бир-икки кишининг ютуғи билан бутун корхона муваффақиятини таъминлаб бўлмайди-ку! Маҳсулотни лахтакка чиқариш кескин камайган бўлса-да, аммо кўрилган чоралар ҳали етарли эмас. Ўтган йилнинг ўзида 21 минг метрдан ортиқ маҳсулот лахтакка айланганини ҳозирги шароитда кечириб бўладими?! Бирлашма маъмурияти томонидан ишдан жавоб сўраган ишчига рухсат этиш ҳоллари такрорланаяпти.

Ўтган йили ана шу сабаб билан 200 дан ортиқ киши-куни йўқотилди. Ана шуларни изга солишнинг ўзи планни йилига икки ҳиссадан ортиқ бажаришимизни таъминлайдиган резерв эмасми?!

Фақат олдинга интилиш!.. Ишчиларимизнинг, айниқса, коммунист ишчиларимизнинг ҳозирги меҳнат шиори ана шундай. Сўз ва иш бирлиги партия ҳаётининг мустаҳкам нормасидир. Коммунистлар шунчаки гапириб қўя қолмайдилар, ваъда берилдими, унинг уддасидан чиқиш учун астойдил курашадилар. Ўз атрофидагиларга ибрат кўрсатадилар. Ана шу шонли ишчилар қаторида бўлганим — бахтим. Ҳозир уч дастгоҳ ўрнига ўн дастгоҳни бошқариб, кунига 265—300 метрдан нафис газлама тўқиб, 1993 йил иш календарини ҳам ниҳоясига етказаяпман. Дунёнинг жуда кўп мамлакатларига етиб борган Марғилон атласида менинг ҳам улушим борлигидан севиниб кетаман. 1978 йилнинг октябрь ойида бирлашмамизда, хусусан, бизнинг фабрика цехларида бўлган Покистоннинг улуғ шоири, тинчлик учун курашчи Файз Аҳмад Файз:

— Сен дунёда энг бахтли қизсан, — деган эди мен тўқиётган атласларга қараб. — Кўзларингда бахт чақнаяпти. Дунё хотинқизларига мана шундай атлас керак. Сен тўқиётган атлас қандай чиройли...

— Атласимиз билан бутун дунё хотинқизларини ясантириб қўйиш учун курашаяпмиз, — деди унга фабрикамиз директори Саодатхон Мелибоева, — атласни йилдан-йилга кўпайтираяпмиз.

Ҳозир бизнинг атласни кийган хотинқизлар Европа, Осиё, Африка мамлакатларида кўплаб учрайди. Файз Аҳмад Файзнинг сўзлари мазмунини ўтган йили XII жаҳон студент-ёшлари фестивалида делегат сифатида қатнашганимда чет элликлар билан гаплашиб янада чуқурроқ ҳис этдим. Қолоқ ёки мустамлака мамлакатлар вакилларининг бу борадаги сўзларини эшитиш анча оғир! Ҳатто капиталистик мамлакатлардан бири — Бельгиядан келган аёл Руае Люсятт ўз аламини яширолмай:

— Ўз севимли иши билан шуғулланиш учун катта имкониятга эга бўлган, ўзига маъқул касбни танлай оладиган совет хотинқизларига ҳавасим келади, — деди. — Бельгия хотин-қизларининг касб танлаш ҳуқуқи жуда чеклаб қўйилган!

Мана, нима учун менинг кўзларим бахтдан чақнайди! Ана шу бахт мени янада астойдил ишлашга ундайди. Мен шунга қатъий ишондимки, ютуқлар техника янгиликларини жорий этиш, ишлаб чиқаришни самарадор қилиш, цех ва участкаларни автоматлаштириш ё механизмлаштириш, дастгоҳни озода тутишгагина боғлиқ эмас. Бу, биринчи галда, ишчининг онги ва масъулиятига, хом ашё, материал, энергия ва ҳар бир минут иш вақтига бўлган муносабатига боғлиқдир. В. И. Ленин ишчилар синфининг илғор отряди сифатида тузган, шонли курашлар йўлини босиб ўтган Коммунистик партия аъзоси бўлган ҳар бир ишчи ва у меҳнат қилаётган коллектив буни бутун моҳияти билан тушунишига ишонаман. КПСС XXVII съезди тарихий қарорларини қайта-қайта ўқиб, ишчи коммунист бўлганимиздан фахрланиш билан бирга унинг чексиз масъулиятини, қандай синфга мансублигимизни вужуд-вужудимиз билан ҳис этамиз.

И. СУЛАЙМОНОВ
ёзиб олди

УМР ЛАҲЗАЛАРИ

Йўлдош ва у бошлиқ бригада аъзоларини бу оқшом колхоз клубига таклиф қилишди.

— Нима гап? Биз қурувчиларнинг колхозчилар йиғилишига қандай алоқамиз бор?

— Янги уйларни эгаларига тантанали вазиятда топширишармиш.

— Ҳа-а-а...

Йўлдош ишдан сўнг ювиниб-тараниб клуб томон одимларкан, ўзини бироз ноқулай ҳис этарди. «Биз қурган бўлсак, нима қилибди, ҳамма каби ўз вазифамизни бажардик — кундалик ишимиз. Ишладик, маошни, мукофотни олдик. Шунга энди давр қаҳрамонларидек йиғилишда ўтиришимиз шартми?»

Зал одамлар билан гавжум. Раис мажлисни очди. Колхозда фойдаланишга топширилган бешта кооператив уйнинг калитларини эгаларига тантанали топшириш биринчи масала қилиб қўйилди.

Йўлдошни президиумга таклиф қилишди. Табиатан тортинчоқ йигитнинг ёноқларига гуп этиб қизиллик урди. У ноқулай аҳволга тушар, негадир ҳамқишлоқларидан уялар эди. Ҳа, бу ерда тўпланганлар унинг ҳамқишлоқлари эди. Балки, бу маросим бошқа районда, ҳатто бошқа колхозда бўлганида ҳам бирчалик ҳаяжонланмаган, тортинмаган бўлармиди...

Раис қурувчилар шаънига илиқ гапларни айтди. Бунёдкорлар бригадасининг бошлиғи Йўлдош Комилов «ўзларининг кадрлари» эканини алоҳида меҳр ва фахр билан таъкидлади. Уларга колхозчилар номидан миннатдорчилик билдирди. Кейин, беш хонали, ғиштин уйлардан бирининг калити илғор звено бошлиғи Халил акага топширилишини эълон қилди.

Суяги меҳнатда қотган, узоқ йиллар шу колхозда ҳалол тер тўкиб келаётган, тўрт фарзандниг отаси Халил ака залдаги одамлар орасидан саҳнага чиқиб бораркан, гулдурос қарсаклар янгради. У раиснинг қўлидан калитни олди-ю, мажлис ҳайҳатида ўтирган Йўлдошнинг олдига келди:

— Қани, ука, битта қучоқлай!..

Қарсаклар янада қаттиқроқ янграб кетди.

— Инсон дунёга келибдики, ниманидир яратиш, ижод қилиш фикри билан яшайди, — деди Халил ака. Кейин залга қараб: — Қурувчилар ҳам чин маънода яратувчилар. Биз — колхозчилар, моддий неъматлар яратамиз. Булар яшаш учун қанчалик зарур бўлса, сиз бунёдкорлар яратаётган уй-жой ҳам шунчалик керак. Одам қорни тўқ, бошпанаси бут бўлгандагина бошқа нарсалар ҳақида ўйлайди, унумли меҳнат қилади. Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл, дейди халқимиз. Йўлдош отасининг измини тутди. Бошқаларини билмайман-у, биргина колхозимизнинг ўзида қанча уйлар, қанча биноларни барпо қилди. У ҳам ота фарзанди, ҳам одам фарзанди бўлиб, олқиш олаяпти. Раҳмат, укам, раҳмат сизларга, азиз қурувчилар...

* * *

Навоий номли колхозда 15-мактаб биносини тиклашаётган эди. Топшириқ — жиддий, суръат — жадал. Қурувчилар қўли қўлига тегмай ишлашаяпти. Қурилиш баҳорда бошланди, сентябрга эса мактабни топшириш керак.

Йўлдош ғишт терувчиларга кўмаклашиб, ҳам уларнинг иши сифатини кўздан кечираётган эди.

— Ие, анави Комилми? — деди Эргаш ака қўлидаги ғиштни чопишдан тўхтаб ён томонга қараганича.

Йўлдош ҳам қаради. Ўн беш-йигирма қадам нарида булар томон жилмайиб келаётган йигитни дафъатан таниёлмади. У, ўз бригадасида бирмунча ишлаб, сўнг армияга кетган Комилни унутганича йўқ эди. Бироқ орадан ўтган икки йил Комилни анча ўзгартириб юборган эди: бўйига ҳам, энига ҳам ўсибди, бақувват йигит бўлибди. Ҳа, бу ўша Комил эди. Мактабни битириб қурилишга келдию дарров қовушиб кета қолмади. Ёзнинг жазирамасида, қишнинг аёзида очиқ ҳавода ишлаш аввали унга бироз оғир туюлди. Бироқ, вақт ўтган сайин, атрофдаги муҳит — ҳар бир кишининг ҳар қандай ишга иккиланмай қўл уриши, дўстона муносабат, қўнимсизликнинг мутлақо йўқлиги — Комилни ўз-ўзидан тарбиялади. Унга биров панд-насиҳат қилмади, қурувчилик касбини кўкка кўтариб мақтамади... Лекин Комил



Қурувчилар бригадасининг бошлиғи Йўлдош Комилов (чапдан биринчи) ҳамкасабалари — Эргаш Матқосимов, Худойберди Расулов, Абдулла Мелибоев, Ҳайитбой Султонов, Азиз Мирзараимов, Қаюм Шомуродов билан ўзаро суҳбатда.

В. Мосин фотоси

бригадани севиб қолди. Ундаги бу кечинмани ҳамкасблари, бригадир ҳам пайқаб улгурмасидан, армияга — хизмат бурчини ўташга кетди...

— Оббо сен-ей, — деди Эргаш ака Комилга завқ билан қараб, — армия тоза чиниқтирибди.

Қурувчилар Комилни қуршаб олишган эди. Эргаш Мирқосимов бригаданинг ветерани, қолаверса, Комилнинг устози бўлгани учун кўпроқ гапирарди.

— Бу ерда орттирган касбим армияда қўл келди, — деди Комил фахрланиб.

— Энди-чи, нима иш қилмоқчисан, ё ўқишга ҳаракатми?

— Ўқиш кечкида ҳам бўлаверади, — йигит бригадирга қаради, — агар жой бўлса, бригадангизга олсангиз, Йўлдош ака. Шуни илтимос қилиб келдим.

Йўлдош, негадир, бу гапни сира кутмаган эди. У, Комил армия баҳонасида ишдан бўшаганига хурсанд бўлиб кетди, қайтиб келмайди, деб ўйлаганди. Шунинг учун ҳозир вужудида ҳаяжон сезди. Чунки, Комилнинг ўз коллективига қайтиб келиш майли бригадирнинг, барча бригада аъзоларининг муваффақияти, обрў-эътибори эди...

* * *

Шу куни кечки пайт мусобақага якун ясалди. Трестдан вакиллар қатнашди. Йўлдош Комилов бошлиқ бригада биринчи, Ғани Абдуназаров етакчилигидаги бригада иккинчи ўринни олди. Ғолибларга мукофотлар берилди. Шахсий мусобақада юқори кўрсаткичларга эришган Эргаш Мирқосимов ва Олим Маҳкамовларга ҳам совғалар берилди.

Бироқ, Йўлдошни Ғани бошлиқ коллективнинг — мусобақадошларининг фахрли ўринни эгаллагани кўпроқ қувонтирди. Чунки Ғани унинг шогирди. 1970 йилда ёшгина йигит меҳнат фаолиятини шу бригадада бошлади. Йўлдошга шогирд тушди. Бўладиган бола бошидан маълум, деганларидек, дастлабки кунларданоқ ишга маҳкам ёпишди. Икки-уч йилда комплекс бригададаги мавжуд ҳамма касбларни ўзлаштириб олди. 1976 йилга келиб, янги бригада тузиш эҳтиёжи туғилиб қолди. У Йўлдош Комилов бошлиқ бригада негизида тузилди, унга Ғани Абдуназаров бригадир қилиб тайинланди.

Ўшанда колонна бошлиғи янги бригадир Ғанидан кўра кўпроқ Йўлдошни табриклади. Клубда юзлаб қурувчилар, ҳамкасбларининг олдида унинг қўлини қисди:

— Раҳмат, ука, бизга яхши қурувчи тайёрлаб бердинг. Ҳали қараб тур, Ғани сенинг бригаданг билан беллашадиган бўлади. Бу ёғига энди ҳушёр бўласан!

— Устозидан ўзмаган шогирд шогирд эмас, — деди Йўлдош бунга жавобан, — Агар беллашувда белимни буколмаса, шогирдим эмас!

Йўлдош бу гапни хўжакўрсинга эмас, дилдан чиқариб, ишонч билан айтганди.

Ғани Абдуназаров ишончни оқлади.

Кўчма механизмлашган колонна ихтиёрида олтита қурилиш бригадаси бор. Квартал мусобақа якунларига кўра деярли ҳамма вақт устоз ва шогирд етакчилигидаги бригадалар биринчи-иккинчи ўринни забт этишмоқда.

Бригаданинг илғор ишчиларидан Олим Маҳкамов бригадир бўлганида, Жўравой Қурбонов прораб вазифасига тайинланганида ҳам Йўлдош худди шундай қувонган эди. Қувонмай бўладими, ахир, улар қурилиш алифбесини шу ерда, унинг бригадасида ўрганишди. Улар шу бригадада қанот чиқариб, учирма бўлган қалдирғочлар...

* * *

— Отангиз қурувчи бўлганми? — деб сўраймиз Йўлдош Комиловдан. У аввал ҳайрон бўлади, кейин жилмайиб дейди:

— Йўқ, отам урган томорқанинг девори эртасига ағанаб тушиб, онамдан роса таъна эшитганлари эсимда. Девор одамнинг белидан келарди. Лекин, отам Комил ака меҳнаткаш, эътиборли колхозчи эди... Тошкент яқинидаги қишлоқда туғилдим, саккизинчи синфни тугатиб, 22-билим юртига ўқишга кирдим. Қурувчи бўлдим. Қишлоғимиздаги колхозлараро қурилиш ташкилотига ишга келдим. Мана ҳануз шу ерда — Тошкент область колхозлар қурилиши трестига қарашли 54-кўчма механизмлашган колоннада ишлаб келаяпман.

Йўлдош ака совға-саломлар билан уйга кириб борганида, хотини Малика опа энди ишдан келиб турган экан. У — район марказий поликлиникасида ҳамшира. Малика опа ҳам, фарзандлари Бахтиёр, Ихтиёр, Наргисалар ҳам байрамона тараддуддан ҳайрон бўлишди.

Кечқурун дастурхон тузалди. Онаси Гунафша холани одатдагидек тўрга ўтқазишди.


Ўзича шодлигидан чапак чалаётган Наргиса бидирлаб сўради:

— Ада, бугун туғилган кунингизми?

— Ҳа, шундай десам ҳам бўлади, қизим, — деди у ва ҳамон жумбоқни тушунмаётган хотини ҳамда онасига қараб давом этди, — бугун қурилишда иш бошлаганимга чорак аср бўлибди!

Коммунист Йўлдош Комилов ҳаётининг яна бир унутилмас лаҳзаси ана шундай мазмунли кечди.

Ҳабибулло ОЛИМЖОНОВ



«Тошкўпир» шоликорлик совхозининг илғор бригадири, КПСС XXVII съезди делегати Канимбека Мамбетуллаева.

Ш. Шарипов фотоси (ЎзТАГ)

ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

ДУРДОНАЛАР ҚАЙТИБ БЕРИЛДИ

Узоқ давом этган «сарсонликдан» сўнг қадимий ҳинд ҳайкалтарошлик санъатининг икки дурдонаси — Шива худосининг бронзадан ясалган ҳайкаллари Мадорасга қайтарилди. Ҳайкаллар бундан кўп йиллар муқаддам Жанубий Ҳиндистон эҳромларидан ўғирлаб кетилган эди. Савдогарларнинг бир неча бор қўлидан қўлига ўтган ва Вўмбайдан яширин суратда олиб чиқиб кетилган дурдоналар АҚШда: бири — калифорниялик миллионер Нортон Саймоннинг коллекциясида, иккинчиси — Даллас (Техас штати)даги санъат музейида пайдо бўлиб қолди. Ҳинд маъмурлари дурдоналардан хабар топдилар, анча-мунча музокаралардан сўнг ўғирланган ҳайкалларнинг эгалари уларни Ҳиндистонга қайтариб беришга мажбур бўлдилар.

ГАЙАНАДА «ПАГХВА» БАЙРАМИ

Ҳар йили мартнинг охирги куни Гайана ҳиндулари «пагхва» — ўзларининг энг қувончли байрамларини ўтказадилар. Брахман календари бўйича янги йилнинг бошланиши шу кунга тўғри келади. Гайана аҳолисининг 53 фоизини асли Ҳиндистондан келганлар ташкил этадилар. Байрам куни тонгданоқ барча шаҳар ва қишлоқларда одамлар ҳиндча куй ва қўшиқларнинг оҳангида турли-туман рақслар ижро этишади. Улар турли рангли зарарсиз бўёқларни юзларига суришади ва овқатларига қўшиб истеъмол қилишади. Еш гайаналиклар кўчаларда сайр қилишиб, одамларнинг устига гуллар сочишиб, баданларига балзам суришиб, янги йил билан қутлашади. Бутун атрофда қулоқни қоматга келтирадиган қийқириқ ва кулгулар байрамнинг яхши ўтаётганидан далолат беради.

ЎЗБЕК САНЪАТИ ЛЕНИННОМАСИ

Тилаб МАҲМУДОВ,
фалсафа фанлари доктори

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейинок совет рассомлари, хусусан ўзбек мўйқалам усталари ҳам жаҳоншумул бадиият намунаси — Ленинномага ҳисса қўшишга бел боғладилар. Рассомларимизнинг бу мавзудаги асарлари халқимизнинг улуғ доҳийга бўлган чексиз меҳр-муҳаббати рамзи сифатида майдонга келди. Шу ўринда улуғ доҳийнинг меҳнаткаш оммага бўлган муҳаббатига мисол бўладиган бир ҳужжатни келтирмоқчиман:

«Қўзибой Юнусов ва Қодиржон Ҳайдаров ўртоқларга.

Қадрли ўртоқлар!

Владимир Ильич сизнинг саломингиз ва совғангиз учун самимий ташаккур билдиришни ҳамда ишингизда муваффақият тилашни менга топширди. Ҳеч шубҳа йўққи, агар Ильич саломат бўлганида, у албатта сиз билан Туркистон ҳунармандларининг турмуш шароити ва ишлари ҳақида суҳбатлашган бўларди. Афсуски, бу суҳбатни у соғайиб кетгунча қолдиришга тўғри келади. Ильич яқин кунларда соғайиб кетишига ишончим комил.

Қадрли ўртоқлар, сизларга чин қалбимдан салом.

Мария УЛЬЯНОВА
20.10.23 йил».

Воқеа бундай бўлган эди: 1923 йили Москвада республикамиз халқ усталари асарларидан иборат кўргазма ташкил этилади. Унда ўз асарлари билан Қўзибой Юнусов ва Қодиржон Ҳайдаров ҳам иштирок этишади. Халқ санъати анъаналарига кўра, усталар одатда кўргазма чоғида ё чала қолган ёки атайин интиҳосига етказилмаган нарса ва буюмларини томошабинлар кўз олдида қўлдан чиқарадилар. Кўргазманинг Ўрта Осиё павильонида Қўзибой Юнусов ва Қодиржон Ҳайдаров ҳам саккиз қиррали хонтахта ва учта курсини чор-атрофни ўраб олган томошабинлар қуршовида ишлаб тугатадилар. Хонтахтага «Халқларнинг улуғ доҳийси ўртоқ Ленинга Фарғона меҳнаткашларидан», деган дил сўзлари битилган эди. 20 октябрь куни Қодиржон Ҳайдаров ва Қўзибой Юнусов Кремлда Мария Ильинична Ульяновадан юқоридаги хатни олишга муяссар бўладилар. Ҳозир хонтахта ва курсилар Горкидаги В. И. Ленин уй-музейида сақланмоқда.

Гарчи хонтахта ва курсилар В. И. Ленин сиймосини акс эттирмаган бўлса ҳам хонтахтадаги Ўроқ ва Болғанинг нақшли акси ва бу воқеанинг ўзи ўзбек санъати Ленинномасининг сарчашмаси эди.

Йиллар ўтиши билан рассомларимиз В. И. Ленин сиймосига такрор ва такрор мурожаат этадиган бўлиб қолдилар. Беқиёс маънавий юксаклик ва буюк мутафаккирлик, инсонпарварлик ва донишмандлик, меҳнатсеварлик ва поклик сингари чин инсоний фазилатлар В. И. Ленин сиймосида тараннум этиб келинди ва этилмоқда. «Санъатда В. И. Ленин сиймоси кўплаб такрорланса-да, унинг образи бир хил бўлиши мумкин эмас, — дейди Е. Габрилович. — Ҳар бир муаллиф, агар у чинакам санъаткор бўлса, В. И. Ленинниг беҳад бой ҳаёти ва қиёфасидан унга яқин, мушоҳада этилган, ҳис қилинган ва ардоқли туюлган томонларини олади».

Республикамиз рассомлари рангтасвирда, ҳайкалтарошликда, графика ва халқ амалий санъати намуналарида ўзбек санъатининг Ленинномасини яратиш бўйича астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ўзбекистоннинг қатор шаҳар ва районларида В. И. Ленин ҳайкали қад кўтарди, ипак гиламларда акс этган доҳий сиймоси уйларимиз тўрини, музейларни безаб турибди, чинни лаган ҳамда кўзачалардаги Ильич тасвири жаҳон халқларига тинчлик ва озодлик рамзи бўлиб, завқ бағишламоқда, саҳнамизда Ленин образи, достонларда Ленин ғоялари янграмоқда.

Совет рассомлари ярим асрдан ортиқ вақт мобайнида В. И. Ленин образи устида иш олиб борадилар. Лекин қайси рассом бу қутлуғ ишга қўл урмасин, улуғ доҳий образининг янгидан-янги қирраларини кашф эта боради. Пролетар шоири Н. Полетаев ҳақ эди:

Улуғ зотнинг суратин ҳали
Чизолмаган ҳеч ким мукаммал.
Уни чизар асрлар ҳали
Ва асрлар беражак сайқал.

Ўзбекистонда В. И. Ленин сиймоси 1918 йиллардан бошлаб кенг меҳнаткашлар оммасига етиб борди. Бу хайрли ишда биринчи галда график рассомлар жонбозлик кўрсатдилар. Газета ва журналлардан ташқари М. Вогман ва О. Татевосян литография йўли билан доҳий образини оммалаштирдилар. Бу асарлар Ленин мавзусининг рассомларимиз ижодидаги масъулиятли синови бўлиб қолди.

20-йилларда Тошкент, Самарқанд кўчаларию майдонларини безаган В. И. Ленин портретлари Ўзбекистон рассомлари қаламига мансуб эди. Улар орасида Ўзбекистон ССР халқ рассомлари Искандар Икромов, Лутфулла Абдуллаев сингари ўша вақтдаги ёш рассомларнинг асарлари ажралиб турарди.

В. И. Ленининг бюсти ва ҳайкалларини ишлаш 20-йиллардан бошланган. Ҳайкалтарош М. Манизер ва Е. Янсон-Манизер, Н. Резуненко, И. Головин сингари ишчи ва ташаббускорлар В. И. Ленин образини илк бор яратишга бел боғладилар. Ўзбекистонда дастлаб қад кўтарган, катта бадиийлик билан йўғрилган В. И. Ленин образларидан бири Хева — Нуриллабой саройи ҳовлисидаги С. Меркуров томонидан ишланган ҳайкалдир.

Бирин-кетин доҳиймизнинг монументал ҳайкаллари пайдо бўла бошлади. Жумладан, Тошкентнинг Эски Жўва, Қўқоннинг Коммунарлар майдонида ҳайкаллар ўрнатилди.

Доҳий вафотининг ўн йиллиги муносабати билан Тошкентдаги Қизил майдонга ўрнатилиши мўлжалланган ҳайкал 1936 йил



Я. ШАПИРО. Тошкент метрополитени В. И. Ленин номидаги майдон станцияси. В. Дубровский фотоси

15 ноябрда қад кўтарди. Ҳайкалтарош Б. Королев улуғ доҳийни шахсан кўргани ва нутқларини тинглагани учун унинг буюк сиймосига, характерига, нотиқлик табиатига хос жўшқинлик ва самимиятни ифодалашга катта масъулият билан ёндашган эди. 1956 йили бу ҳайкал Урганч шаҳрига кўчирилиб, унинг ўрнига М. Манизер ишлаган монумент ўрнатилди. Б. Королев ишлаган ҳайкал ўзининг юксак бадиий савияси билан, доҳий сиймосини реалистик ва ҳаққоний ифодалаши ҳамда атроф муҳитга узвий бирикиб кетиши билан ибратли эди. Республикамизда кейинчалик В. И. Ленинга бағишланган жуда кўп ҳайкаллар ўрнатилди. Лекин Б. Королев яратган чинакам монументалликка хос жозиба ва умумлашма улуғворлик ҳамон бадиий кашфиёт сифатида тан олинади.

Ўзбекистон ССР ва республика Компартияси ташкил топганининг 50 йиллиги муносабати билан пойтахтимиз Тошкентнинг Ленин номидаги майдонида Н. Томский ишлаган монумент вужудга келди. Бу монумент Шарқ халқларига озодлик ва бахт келтирган улуғ доҳий сиймосини улуғвор қиёфада акс эттиришдек ғоявий мазмуни билан алоҳида аҳамиятга эга. «В. И. Ленин, — деб ёзган эди Н. Томский, — бугунги кун ва узоқ келажак одами. У доимо биз билан абадий тирик. Ленин ҳайкалини яратаётганда кўпроқ келажак ҳақида, бўлажак авлодлар ишида Ленин қандай яшаши ҳақида ўйламоқ керак».

В. И. Ленин образини яратиш — чиндан ҳам мураккаб вазифа. Аввало ижод аҳли профессионал жиҳатдан балоғатга етиши ва бу мавзунинг нақадар масъулиятли эканини ҳис этиши зарурдир. Республикамиз ҳайкалтарошлари бу соҳада 30—40-йиллардан бошлаб дастлабки ижодий муваффақиятларни қўлга кирита бошладилар. А. Иванов Владимир Ильичнинг бир қатор бюстлари ва «Ленин Разливда» номли жанрли композициясини яратди. Д. Гришченконинг «Ленин болалар билан», «Ленин ва Қосимхўжаев», «Доҳий ҳузурида», «Йўл бошида» сингари асарлари ўзбек санъати Ленинномасига қўшилган улкан ҳисса бўлди. Гарчи бу ҳайкаллар бадиий жиҳатдан турли савияда бўлса ҳам, ҳайкалтарош Владимир Ильичнинг халқ тақдири ва дардига яқин инсон эканлигини кўрсатишга муяссар бўлди.

Ҳайкалтарошликда В. И. Ленин образи жанр ва мавзу жиҳатидан ранг-баранг тус ола бошлади. Бунга А. Раҳматуллаев ва Е. Томко томонидан ишланган «Ленин ва Крупская» ҳайкали, Ҳ. Ҳусниддинхўжаев, Л. Рябцев, В. Лунев, И. Клиницкий, Д. Рўзибоев ва бошқалар яратган ҳайкаллар, бюст ва жанрли композициялар мисол бўла олади.

Ўзбекистон ижодий союзларининг бирлашган пленумида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев ўзининг «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида адабиёт ва санъатни янада ривожлантириш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда уларнинг ролини ошириш юзасидан республика ижодий союзларининг вазифалари тўғрисида» қилган докладида қуйидагиларни алоҳида таъкидлади: «Халқнинг миллий ифтихор манбалари, баъзи ўртоқлар ўйлаганидек, фақат ўтмиш осоратиқаларидангина иборат эмаслигини алоҳида таъкидлашни истар эдик. Бу, энг аввало, меҳнаткашларнинг ижтимоий озодлик, Совет ҳокимияти учун, Ватан экономикаси ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш учун кураши билан боғлиқ ёдгорликлардир. Буларни хотирдан соқит қилиб, юксак маънавий маданиятга эришиш асло мумкин эмас.

Ҳолбуки, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, Маданият министрлиги ва унинг областлардаги ташкилотлари кўплаб ёдгорликларга етарли даражада эътибор бермаяптилар. Миллий бойликларимизни қўриқлаш юзасидан қонунларимиз бор. Уларга амал қилишни унутишга ҳаққимиз йўқ».

В. И. Ленин ҳайкалларини ўрнатиш ҳам ана шундай ўта масъулиятли ва сиёсий-ахлоқий, бадиий-эстетик аҳамиятга молик бўлган масаладир. В. И. Ленин образи билан боғлиқ бюст ва ҳайкаллар бадиий кенгашларда қизғин муҳокама қилиниши, халқ ва мутахассисларнинг холис фикр-мулоҳазаларининг ифодаси бўлиши таъкидланмоқда.

В. И. Ленин образини кенг меҳнаткашлар оммаси қалбига олиб киришда график рассомларимиз ҳам астойдил меҳнат қилмоқдалар. УзССР халқ рассоми Қутлуғ Башаров, УзССР халқ рассоми В. Кайдалов ва Г. Чиганов, К. Чепраков, Б. Жуков, Г. Ткачев ва бошқа қилқалам соҳиблари доҳий ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи серияли асарлар яратдилар. Қутлуғ Башаровнинг «Ҳокимият Советларга!» триптихида доҳийнинг революцион фаолияти, Б. Жуковнинг «Биз янги дунё қураяпмиз» асарида Ленининг революцион фаолияти ва ҳаётбахш ғояларининг амалдаги ифодаси акс эттирилган.

КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездига бағишланган Республика кўргазмасида график рассомлар, плакат усталарининг В. И. Ленинга бағишланган асарлари кенг ўрин олди. Бу полотноларга хос хусусият шундан иборатки, улуғ мутафаккир образи талқинида давр ва замондошларимиз эстетик эҳтиёжига мос келувчи ғояларни ифодалаш, коммунистик идеаллар тантанасини кўрсатиш тенденцияси кучайди.

В. И. Ленининг рангтасвирдаги образлари дастлаб А. Волков ва В. Уфимцев томонидан яратилди. Ўзбек санъати Ленинномасида А. Волковнинг хизматини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Рассом ўзининг бой ҳаётий ва ижодий тажрибасига суяниб, Советлар элининг жонли ва ёрқин томонларидан илҳомланиб, В. И. Ленин ҳаёти ва фаолияти билан яқиндан танишиб, қатор портретлар инкишоф этди. Бу асарлар республикамиз тасвирий санъати тарихида сезиларли из қолдирди.

В. И. Ленин образини яратишда рассомларимиз эстетик идеалининг ҳам ҳамоҳанглиги, ҳам ранг-баранглиги ўз ифодасини топмоқда. Барча рассомлар учун умумий бўлган томон шундаки, В. И. Ленин сиймоси коммунистик эстетик идеалнинг ёрқин намунаси сифатида гавдаланмоқда. Лекин ҳар бир санъаткор бу идеални ўз эстетик тушунчаси тарзида ҳам индивидуал намоён этишга ҳаракат қилмоқда. Агар бир рассом Владимир Ильич тафаккури ва маънавий бойлигини ифодаласа, иккинчиси ўз асари учун Ленин ҳаёти ва фаолиятининг айрим томонларини мавзу этиб танлайди, учинчиси эса Ленинни инсониятнинг гуманистик идеаллари рамзи сифатида тасвирловчи умумлашма образ яратади.

В. И. Ленин ҳаётининг турли даврларини акс эттирувчи полотнолар майдонга келди. В. Уфимцев В. И. Ленин ва Н. К. Крупскаянинг Сибирь сургуни даврини, С. Абдуллаев Владимир Ильичнинг Шушенск қишлоғида ўтказган даврини, В. Кайдалов туркум асарларида В. И. Ленинни шахмат столи қаршисида, кекса овчи билан суҳбат чоғида ва ниҳоят, Тўрахон Иброҳимова билан учрашувини тасвирлади. Кўриниб турибдики, ўзбек тасвирий санъати Лениннномаси мавзу ва сюжет жиҳатидан ҳам кенгайиб бормоқда. Рассомларимиз маҳорати ортган сари В. И. Ленин образини чуқур ва кенг идрок этиш имконияти ҳам кучайди. Бунга ЎзССР халқ рассоми Лутфулла Абдуллаев полотнолари ёрқин мисол бўла олади.

Лутфулла Абдуллаев графика ва рангтасвирда яратган асарлари туркумини «Ленин ва Ўзбекистон» деб атади. Қарийб ярим асрдан ортиқ вақт давомида у бу мавзуни ўз ижодининг бош йўналиши сифатида давом эттирмоқда. Натижада халқ орасида кенг тарқалган «В. И. Ленин Мирзачўл харитаси олдида» деган полотно майдонга келди. В. И. Ленин ва Мирзачўл мавзуси рассомнинг қалбига жуда яқин эди. «Дастлаб шу асарга қўл уришимнинг боиси бор, албатта, — деб эслайди Лутфулла Абдуллаев. — Мен буюк инқилобдан беш йил олдин Мирзачўлда туғилдим. Болалик чоғларим ўша ерда ўтди. Доҳий имзо чеккан тарихий декрет туфайли Мирзачўлда амалга оширилган ва қилинаётган улкан ишлар мени янги марралар сари руҳлантириб келмоқда. Мирзачўлнинг илгариги қиёфаси ҳамон кўз ўнгимда. Мирзачўл ерларида ҳатто гиёҳ ҳам учрамасди. Қадимги афсоналарда ёзилишича, Мирзачўлда бир қултум сув эвазига бир ҳовуч олтин берар эканлар».

Рассом В. И. Ленин образини яратар экан, Владимир Ильич ва Ўзбекистон билан боғлиқ бирор воқеага асосланиб иш кўради. «Владимир Ильич Ленинга совға» асари ҳам худди шундай ҳаётий эпизод асосида чизилган. «Бир куни, — деб ёзади В. И. Ленининг секретари Л. Фотиева, — Бухоро делегацияси чиқиб кетганидан кейин Владимир Ильич одатда тушки овқат учун кетадиган вақтда кабинетнинг мажлислар зали томонидан кирадиган эшиги ичкаридан берклаб қўйилганлиги маълум бўлди. Биз бошқа эшикни қўриқлаб турган ВЧК ходими берклаб қўйган бўлса керак, деб ўйладик. Владимир



Тўқувчи Фазилат Ёдгорова.

Р. Шагаев фотоси (ЎзТАГ)

Ильич топшириқлари бажарилмай қолишидан ташвишга тушиб, жон-жаҳдимиз билан эшикни тақиллата бошладик. Бир неча минутдан кейин эшикни кулимсираб турган Владимир Ильичнинг ўзи очди. У миллий бухори чопон кийиб олган эди. Владимир Ильич ўзига бухороликлар совға қилган бу чопонни кийиб кўраётган экан». Бундай тарихий факт Лутфулла Абдуллаев ижодий хаёлини жунбушга келтирмай иложи йўқ эди. Унинг «В. И. Ленининг Ўрта Осиё хотин-қизлари билан учрашуви» асари ҳам тарихий воқеаларни ижодий ўзлаштириш натижасидир.

Улуғ доҳий туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган кўргазмада рассомнинг «Бу Ленинми?», «Революция душманлари», «Туркистонлик делегатлар В. И. Ленин ҳузурида», «Оқ йўл» сингари график сериялари пайдо бўлдики, уларда Л. Абдуллаевнинг ўткир гражданлик позицияси, юксак маҳорати ва Владимир Ильичга бўлган меҳр-муҳаббати ўз ифодасини топди.

«Ленин биз билан» кўргазмасида СССР халқ рассоми, СССР Бадиий академияси мухбир аъзоси Раҳим Аҳмедов, ЎзССР халқ рассоми Н. Қўзибоев, М. Саидов, Б. Бурмакин, Т. Оганесов, В. Фадеев, Н. Пудовкин, Ғ. Абдураҳмонов сингари санъаткорлар фаол иштирок этиб, ҳар бири ўз бадиий тафаккури ва ижодий имкониятларига яраша В. И. Ленин образига бағишланган асарларини намойиш қилдилар.

ЎзССР халқ рассоми Неъмат Қўзибоев ижодида ҳам В. И. Ленин образи катта ўрин эгаллайди. «Ҳар кимнинг эътиқод қўйган кишиси бўлади, — дейди Н. Қўзибоев, — бирор одамни ўзингга ибрат деб биласан, унга эргашасан. Ҳар биримиз учун буюк намуна бўладиган улуғ инсон бор. У — Ленин! Ер куррасидаги барча яхши ниятли кишилар учун ғоят азиз ва мўътабар! Доҳийнинг революцион жасорати, фидокорлиги, Ватанга меҳр-муҳаббати ҳамиша биз учун ўрнакдир».

В. И. Ленин шахси ва фаолиятига меҳр-муҳаббат самараси сифатида Н. Қўзибоевнинг «Ленин ҳузурида», «Монумент ёнида», «Ленин Горкида» сингари қатор полотнолари майдонга келди. Неъмат Қўзибоев асарлари лирик туйғуларга бойлиги, В. И. Ленин сиймосида чинакам инсонийлик фазилатларининг поэтик қирраларини очиши билан ажралиб туради.

Неъмат Қўзибоев В. И. Ленин образи устида тинимсиз меҳнат қилмоқда. У В. И. Ленин ҳаётининг турли дамларига оид полотнолар яратишга муваффақ бўлмоқда. Масалан, рассомнинг бир асарида В. И. Ленин ўзбек халқи вакиллари билан суҳбатлашиб ўтирибди. Н. Қўзибоев В. И. Ленининг ишчилар, деҳқонлар ва зиёлилар билан бир неча бор суҳбатлашганини билган ҳолда реалистик асар яратган. Томошабин ҳам бу ҳолатга ишонади. Зеро, Бонч-Бруевич ўз хотираларида ёзади: «Владимир Ильич меҳнаткашлар билан учрашувларда ниҳоятда сипо ва самимий бўларди. Чамамда Владимир Ильич суҳбатдошининг руҳий кайфиятини жуда тез ва чуқур ҳис қилиб оларди». Неъмат Қўзибоев улуғ инсондаги ана шу фазилатни ифодалашга ҳаракат қилади.

«Ленин образини муфассал ярата олдик, дея олмаймиз, — дейди рассом. — Ленин ҳаёти бамисоли бир денгиз бўлса, бизнинг асарларимиз унинг бир томчисидир, холос. Мен мазкур асарларимни доҳий образини яратиш бобидаги биринчи қадамим деб ҳисоблайман. Ҳали бу борада ўйлаб юрган ниятларим жуда катта».


Раҳим Аҳмедовнинг «1924 йил. Январь» асари В. И. Ленин вафотига бағишланган. Бутун дунё ва инсониятни ларзага келтирган воқеани Раҳим Аҳмедов миллий тасвирий тилда ифода этади. Картинага қараб туриб, Ленин васиятлари ўлмаслигига, улуғ доҳий халқ ва элатлар қалбида абадий қолишига қаноат ҳосил қиламиз. Рассомларимиз В. И. Ленин образини яратишдек эзгу ишни ўзларининг истеъдодлари ва гражданлик бурчлари учун имтиҳон деб билмоқдалар. Ҳар бир навбатдаги кўргазмада В. И. Ленин ва унинг революцион фаолияти билан боғлиқ воқеалар, эпизодларга бағишланган полотнолар майдонга келмоқда. В. Фадеев ўзининг «Коммунистлар» триптихтида Ленин ва Коммунистик партия мавзусини анча чуқур тараннум этади. В. И. Ленин образини революцион курашсиз тасаввур этиб бўлмайди. У ҳар кун, ҳар дақиқада мамлакат ва халқ ҳаёти, истиқболи билан яшарди. Триптихнинг асосий мазмуни В. И. Ленин ва унинг сафдошлари Я. Свердлов ва Ф. Дзержинский каби Коммунистик партия арбобларининг инсоният тарихидаги янги қаҳрамонлар эканлигини бадиий инъикос этишдан иборат. Нутқ сўзлаётган В. И. Ленин ва унинг атрофидаги Свердлов, Дзержинский образларида пролетар гуманизми, коммунистик эътиқодни ифодаловчи революцион романтика ҳукмрон. Асар янги дунё бунёдкорлиги ва унинг чинакам қаҳрамонлари ҳақидаги достон каби жозибалидир.

Ўзбек тасвирий санъати Ленинномасини бойитишга ёш рассомлар Тешабой Пирматов, Миржаъфар Мирзараҳимов, Ҳайдар Санаев ҳам ҳисса қўшмоқдалар. Тешабой Пирматов «1945 йил, В. И. Ленин. Ғалаба» триптихтининг марказий қисмида барча ғалабаларимиз В. И. Ленин номи билан боғлиқ эканлигини монументал тарзда ифодалайди.

Санъат учун шундай мавзулар борки, улар вақт ва маконлар ўтган сари янгидан-янги ўз қирраларини кўрсатади-ю, аммо ҳеч қачон интиҳосига етмайди. Булар — Ватан, инсонпарварлик, В. И. Ленин, Коммунистик партия ва коммунистик идеаллардир.

Ўзбек рассомлари ҳам В. И. Ленин образини янада тўлароқ ва чуқур, ҳар томонлама акс эттиришни ўзларининг инсоний ва ижодий вазифалари, бурчлари деб биладилар. Чунки барча улуғ ишларимиз, келажак томон йўналган собитқадам режаларимиз Владимир Ильич Ленининг номи билан боғлиқдир. Ленин — барҳаёт. У зафарларга чорлаб, инсонийлик, камтарлик ва олижанобликнинг тимсоли бўлиб қолаверади.

ИЛҲОМ ДАҚИҚАЛАРИДА...



Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор Мирсодиқ Тожиев.



Ўзбекистон ССР халқ рассоми Лутфулла Абдуллаев.

В. Мосин фотолари

ИМПЕРИАЛИЗМ — ЧИРИЁТГАН КАПИТАЛИЗМ

В. И. ЛЕНИННИНГ «ИМПЕРИАЛИЗМ КАПИТАЛИЗМНИНГ ЮҚОРИ БОСҚИЧИ» АСАРИ ЁЗИЛГАНИГА 70 ЙИЛ БЎЛДИ

«Ёш, келажакка интилувчи социализм дунёсига ҳали ҳам кучли ва хатарли, аммо заволга юз тутган капитализм эксплуататорлик дунёси қарама-қарши турибди. **Капитализмнинг умумий кризиси чуқурлашиб бормоқда.** Унинг ҳукмронлик доираси муттасил торайиб бормоқда, тарихан ҳалокатга маҳкумлиги тобора равшан бўлиб қолмоқда», — деб таъкидланади КПСС XXVII съезди томонидан қабул қилинган КПССнинг янги таҳрирдаги Программасида. Партиямизнинг асосий ҳужжатида қайд этилган бу сўзлар империализм ҳақидаги ленинча хулосаларнинг тўғрилигини тасдиқламоқда.

В. И. Ленин 1916 йилнинг баҳорида ўзининг машҳур «Империализм капитализмнинг юқори босқичи» номли асарини ёзиб тугаллади. Доҳий империализмнинг тарихий ўрнини кўрсатиб бериш мақсадида бу жамиятнинг сиёсати ва иқтисодига оид жуда бой ҳужжатларни тўплади ва ушбу классик асарини яратди. Китобда К. Маркс «Капитал»и босилиб чиққандан кейинги ярим аср мобайнида капитализмнинг ривожланиши тадқиқ қилинди.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Англия, Франция, Германия, АҚШ, Россия ва Япония каби давлатларда капиталистик тараққиёт ўзининг империалистик тараққиёт босқичига қадам қўйди. Бу даврга келиб, ушбу мамлакатларнинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ҳаётида монополиялар (якка ҳукмронлик) асосий роль ўйнай бошлади. Саноатнинг марказлашуви картеллар, трестлар, корпорацияларнинг вужудга келиши жараёнини тезлаштирди.

1905 йилда Германияда 385 монополистик уюшма 12 минг корхонани, АҚШда эса 200 дан ортиқ уюшма корхоналарнинг тўртдан бир қисмидан кўпроғини ўз қўл остига бирлаштирган эди. В. И. Ленин таъбири билан айтганда, шу тариқа «Капитализм тараққиётидаги» энг янги фазанинг сўнгги натижаси бўлган монополия» (В. И. Ленин. ТАТ, 27-том, 367-бет)лар вужудга келди. Банк капитали саноат капитали билан қўшилиб, молия олигархияси (бир тўда капиталистларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳукмронлиги)ни ташкил этди.

Банклар оддий воситачилик ролидан барча капиталистларнинг жами пул капиталига, шунингдек, бир мамлакат доирасидан чиқиб, бир неча мамлакатдаги ишлаб чиқариш воситалари ва хом ашё манбаларининг кўп қисмига эгалик қиладиган ва ҳар нарсага қурби етадиган монополистларга айланди.

Империализм босқичида давлатлар четга товар чиқаришдан кўра, капитал чиқаришни афзал кўриб қолди. Масалан, биринчи жаҳон уруши арафасида Англия, Франция ва Германиянинг чет эллардаги капитали 175—200 миллиард франк бўлиб, процент ҳисобида ундан тушадиган даромаднинг ўзи йилига 8—10 миллиард франкка етар эди. Тегинхўрлик туфайли империалистик давлатлар жуда катта фойда кўра бошладилар.

Бир мамлакатдаги монополия уюшмалари ички бозорни бўлиб олгач, бошқа мамлакатлар уюшмалари билан жаҳон бозорини яратдилар. Улар ўртасида жаҳон миқёсида уюшмалар тузиш борасида келишувлар юзага келди. Бу ҳолатларни В. И. Ленин чуқур таҳлил этиб: «Энг янги капитализм замони бизга шуни кўрсатиб турибдики, дунёни иқтисодий жиҳатдан бўлиб олиш заминида капиталистларнинг иттифоқлари ўртасида маълум муносабатлар пайдо бўлади ҳамда шу билан бир қаторда... сиёсий иттифоқлар, давлатлар ўртасида дунёни территориал жиҳатдан ҳам бўлиб олиш, мустамлакалар учун кураш... заминида маълум бир муносабатлар пайдо бўлади», — деб таърифлайди (В. И. Ленин. ТАТ, 27-том, 427-бет).

Империализмнинг очқўзалиги, мустамлака соҳасидаги ўзаро рақобатлари — дунёни қайтадан бўлиб олиш учун 1914 йилда биринчи жаҳон урушининг бошланишига олиб келди.

Доҳий ўз асарида империализм ҳақида, унинг асосий белгилари ҳақида шундай хулоса чиқарди: «Империализм тараққиётнинг шундай босқичидаги капитализмдирки, бунда монополиялар билан молия капиталининг ҳукмронлиги вужудга келган, четга капитал чиқариш жуда катта аҳамият қозонган, халқаро трестлар томонидан дунёни бўлиш бошланган ва энг йирик капиталистик мамлакатлар томонидан бутун ер юзининг территорияси бўлиб олинган бўлади». (В. И. Ленин. ТАТ, 27-том, 442—443-бетлар).

Асарда империализмнинг асосий хусусиятлари — унинг ўлиб, чириб бораётган, тегинхўр капитализм эканлиги, империализм — социалистик революция арафаси эканлиги алоҳида таъкидланди. В. И. Ленин 1915—1916 йилларда ёзган «Европа Қўшма Штатлари шиори тўғрисида» ва «Пролетар революциясининг ҳарбий программаси» деган мақолаларида марксизмни ижодий ривожлантириш асосида ишлаб чиқилган социалистик революция назариясини янада бойитди.

Империализм даврида капитализмнинг турли давлатларда ғоят даражада нотекис ривожланиши, бундай шароитда социализмнинг дастлаб бир ёки бир неча мамлакатларда ғалаба қозониши мумкинлиги, революция ғалабаси учун энг аввало революцион вазиятнинг объектив ва субъектив томонлари етилиши шарт эканлиги империализмни чуқур ўрганиш ва унинг тарихий ўрнига тўғри баҳо бериш асосида яратилган ленинча хулосалардир.

Мамлакатимизда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси, социализмнинг тўла ва узил-кесил тантанаси, жаҳон социалистик системасининг ташкил топиши, миллий озодлик ҳаракатларининг тобора кенг тус олиши, империализмнинг ички ва ташқи зиддиятлар натижасида ич-ичидан емирилаётганлиги — В. И. Ленининг «Империализм капитализмнинг юқори босқичи» асаридаги хулосалар тўғрилигининг яққол ифодасидир.

Империализмнинг халқларга душманлик табиати бугунги кунда ҳам ўзгармай қолмоқда. Капитализмнинг янада ривожланиши унинг ичидаги барча қарама-қаршиликларни ва энг аввало меҳнат билан капитал ўртасидаги зиддиятларни янада кучайтирди.

70-йилларнинг ўрталарида ва 80-йилларнинг бошларида тез-тез рўй бера бошлаган иқтисодий кризислар ва ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан ғалдаги қайта қуришлар капитал учун қарши ҳужумга ўтиш имкониятини туғдириб, меҳнаткашларни ўз ютуқларининг анча-мунчасидан маҳрум этди. Турмуш даражасининг бир қатор кўрсаткичлари жиҳатидан меҳнаткашлар кўп йилларга орқага суриб ташланди. Ишсизлик, очлик ва бошпанасизлик урушдан кейинги бутун давр ичида энг юқори даражага етди.

Ҳозир ривожланган капиталистик мамлакатларда ишсизлар сони 35 миллион, дунё бўйича бошпанасиз яшаётганлар 200 миллион кишига етди. Айниқса бу мамлакатларда ёшлар орасида ишсизлик хавфли тус олмоқда.

Бугунги кунда капитал дунёсида коммунистик партиялар, касаба союзлари, барча тараққийпарвар кучлар таъқиб этилмоқда, ишчиларга қарши қонунлар жорий этилмоқда.

Империализмнинг ички зиддиятларидан ташқари империалистик давлатлар билан ривожланаётган мамлакатлар ва халқлар ўртасида зиддиятлар ҳам кучайиб бормоқда. Миллий озодлик ҳаракатларининг кучайиши ва бу ҳаракатларнинг ғалабаси туфайли империализм мустамлакачилик системаси емирилиб бормоқда.

Капитализм сиёсий найранг ишлатиш, ёлғон ваъдалар бериш ва сотиб олиш, ҳарбий дўқ-пўписалар, кўпинча эса озодликка чиққан мамлакатларнинг ички ишларига қўполлик билан аралашиш йўли билан ҳам иқтисодий қарамлик муносабатларини сақлаб қолишга интилмоқда.

Империализмнинг айби билан икки миллиарддан ортиқ аҳоли яшайдиган ривожланаётган давлатлар ёппасига қашшоқлик, саводсизлик, жаҳолат, очлик ва болаларнинг ҳаддан ташқари кўп нобуд бўлиши регионига айланди. Озодликка чиққан мамлакатларда 80-йилларнинг бошларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар даражаси ривожланган капиталистик мамлакатлардагига нисбатан 11 баравар камайганлиги, дунё бўйича ҳар бир минутда 18 боланинг очликдан ўлаётганлиги империализмнинг бугунги фожиали оқибатидир. Империализмнинг башараси унинг зўр бериб ўз экономикасини ҳарбийлаштираётгани ҳамда қуролланиш пойгасини авж олдираётганлигида ҳам кўринади. Ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига қилган Сиёсий докладида империализм «ХХ асрнинг энг жирканч ва хавфли аждаҳосига айланмоқда. Унинг зўр беришлари сабабли энг илғор фан-техникавий тафаккур оммавий қирғин қуролига айланмоқда», деди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда империалистик давлатларнинг территорияси қуроласлаҳа омборхонасига айланиб қолди. «Вашингтон пост» газетасининг маълумотларига кўра, ҳозирги кунда АҚШда бир врачга 1 минг 30 киши, ҳар 43 кишига эса биттадан солдат тўғри келмоқда.

АҚШ ўзининг агрессив ниятларини амалга ошириш учун дунёнинг ҳамма қитъаларида юзлаб харбий базалар вужудга келтирмоқда. Айни пайтда АҚШнинг дунёдаги 32 давлат территориясида жойлашган 1 минг 500 дан ортиқ ҳарбий объектлари тинчлик ишига рахна солиб турибди. АҚШ Афғонистон, Ҳиндистон, Никарагуа мамлакатларида қўпорувчилик ишларини олиб бориш учун Покистон, Гондурас каби давлатларнинг территориясидан сурбетларча фойдаланмоқда.

«Империализм, — деб таъкидланади КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида, — тарих

эгарида қолишга интилиб, ҳар қандай воситаларни ишга солмоқда. Аммо бундай сиёсат дунё учун қимматга тушмоқда... **Бутун планета миқёсида давлатлар ва халқларнинг биргаликдаги амалий бунёдкорона ҳаракатини** йўлга қўйишни тарихнинг бориши, ижтимоий тараққиёт жараёни тобора қатъий талаб қилмоқда. Талаб қилибгина қолмай, шу билан бирга бунинг учун зарур сиёсий, социал, моддий шарт-шароитларни яратиб ҳам бермоқда».

Социализм ижтимоий масалаларни ҳал этишнинг шу дамгача бўлганига қараганда принципиал коллективчилик асосда ҳал этиш мумкинлигини намойиш қилди, мамлакатни тараққиётнинг анча юксак марраларига олиб чиқди, меҳнат аҳлига рўшнолик берди.

Капитализмдан фарқли ўлароқ социализмда бутун ҳокимият халқ қўлида бўлиб, унинг асосий вазифаси халқ фаровонлигини, моддий ва маданий турмуш даражасини ўстиришдан иборатдир.

1950—1983 йиллар орасида Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо бўлган ҳамдўст социалистик давлатларнинг ривожланган капиталистик давлатларга нисбатан миллий даромади 2,5 баробар, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2 баробар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 2,5 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 5 баробар кўпайганлиги социалистик системанинг социал ва иқтисодий қудратини намойиш этиб турибди.

Социализм капитализмдан фарқли ўлароқ инсоният тарихида биринчи марта миллатлар тенгсизлигига барҳам берди, уларнинг ҳақиқий тенг ҳуқуқлилигини таъминлади. Халқларнинг қардошларча дўстлиги асосида равнақ топаётган бошқа республикалар қатори Ўзбекистон ССРнинг бугунги равнақи социалистик тараққиётнинг йўли ойдин эканлигини намойиш этмоқда.

Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди республикада ўн иккинчи беш йилликда халқ фаровонлигини янада юксалтириш борасида тинмай ғамхўрлик қилишдек муҳим вазифаларни белгилади. Бу вазифаларнинг бажарилиши республикамизнинг социал-иқтисодий ривожини таъминлабгина қолмасдан, унинг иттифоқ миқёсидаги ҳиссасини янада оширади.

«Партия шунга асосланадики, — дейилади КПССнинг янги таҳрирдаги Программасида, — ленинча миллий сиёсатни изчил амалга ошириш, халқлар дўстлигини бутун чоралар билан мустаҳкамлаб бориш — социализмни такомиллаштиришнинг таркибий қисми, кўп миллатли социалистик Ватанимизни янада равнақ топтиришнинг ижтимоий практикада синалган йўлидир».

В. И. Ленининг «Империализм капитализмнинг юқори босқичи» асари ёзилганидан буён 70 йил ўтди. Ана шу давр ичида ижтимоий ҳаётда катта ўзгаришлар рўй берди. Бироқ империализмнинг меҳнат аҳли манфаатларига зид жирканч характери янада чуқурлашди ва кескинлашди, унинг В. И. Ленин томонидан аниқ илмий таърифланган белги ва хусусиятлари аслича қолди. Мафкуравий мухолифларимиз бу жамиятни қанчалар кўкларга кўтариб мақтамасинлар, сиёсий портлашлар ва инқирозлар империализмнинг доимий йўлдошидир. Эртами, кечми, бу жамиятда меҳнаткаш халқ ўз тараққиёт йўлини тўғри танлаб олади. Шу маънода ҳам В. И. Ленининг ушбу асари империализм жамиятидаги коммунистик ва ишчи партияларга уларнинг революцион, ўзгартирувчилик фаолиятида қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Қўлдош ЭРГАШЕВ,
тарих фанлари кандидати

МАРДЛИК-МАНГУЛИК

ТЎПЧИ ҚАҲРАМОН

1943 йилнинг августида Абдулҳамид Жамолов ҳарбий хизматга чақирилди. Ўшанда у энди ўн саккиз ёшга қадам қўйганди. Дамкўл қишлоғи атрофидаги қишлоқлардан чақирилган юз эллик нафар йигит билан бирга у ҳам миномёт расчёти командирлари тайёрлаш мактабига тушди. Миномётларни қисмларга ажратиб кўтариб олиб, ҳар куни босиб ўтиладиган ўнлаб километр йўллар, машқ жанглари, «ҳужумлар» бўлажак кичик командирларни кун сайин, ҳафта сайин тоблаб, чиниқтириб борарди. Абдулҳамидларга таълим бераётган командирларнинг деярли ҳаммаси фронтдан, ўт-олов ичидан қайтган жанговар офицерлар бўлиб, бўлажак кичик командирларни ёвуз душман билан бўладиган омонсиз олишувларга пухта тайёрлаш, уларни сабот-матонатли, жасур ва топқир жангчилар қилиб етиштириш йўлида бутун куч-ғайратлари, шижоатлари ва орттирган тажрибаларини аямай ишга солаётганлари билиниб турарди.

1943 йил августида ўқиш тугади. Миномёт расчёти командири, кичик сержант Абдулҳамид Жамолов ўз мактабдошлари билан Запорожьега, ҳаракатдаги армия қисмларидан бири ихтиёрига юборилди.

Ўша куни Абдулҳамид Жамолов ҳамон яхши эслайди. Уларни унча катта бўлмаган ўрмон четидаги сайхонликка олиб келишди. Артиллерия дивизиони штаби шу ерда жойлашган экан. Шу пайт бирданига кутилмаган воқеа содир бўлди. Фарғонадан келган миномётчи йигитлардан йигирма кишининг фамилияси ўқилиб, уларни сафдан уч қадам олдга чиқишлари кераклиги айтилди.

— Сизлар танкка қарши отувчи артиллерияда хизмат қиласизлар! — кескин ва донадона қилиб гапирди ҳозиргина шу ерда пайдо бўлган майор.

— Бизлар миномётчимиз-ку, — эътироз оҳангида гапирди кимдир.

— Армияда буйруқ муҳокама қилинмайди, бажарилади, — артиллерия майорининг гаплари кескин ва қатъий эди.

Шундай қилиб, Абдулҳамид 82-гвардиячи ўққи дивизиянинг 86-танкка қарши отувчи-қирувчи артиллерия дивизионида хизматни бошлади.

Абдулҳамид ўзидан бир ярим-икки ёшлар чамаси каттароқ бўлган тўп командири Николай Гришков билан тезда эл бўлиб кетди. Расчётдагилар дастлабки жангларда ёқ кичик сержант А. Жамоловдаги фавқулодда жасурлик, шиддаткорлик, абжирлик каби хислатларни англаб олган эдилар. А. Жамолов шу давр ичида гитлерчиларнинг бир юк машинасини мажақлаб, битта пулемёт уясини яксон қилиш билан жанговар ҳисобни очган, дивизион командири майор Репиннинг ташаккурини олган эди.

Дивизия душманни қадамба-қадам таъқиб қилиб, илгарилаб борарди. Фашистлар Кривой-Рог яқинидаги Николаевка аҳоли пунктига маҳкам ёпишиб олиб, қисмларимизга қаттиқ қаршилик кўрсатди. Авиация ва артиллериянинг қаттиқ зарбаларидан кейингина унинг қаршилиги сусайди. Пиёдалар мададида Николаевкани штурм билан олдилар.

Душман изидан тушган қисмларимиз қишлоқни аллақачонлар ортда қолдириб, буғдойи ўрилган далалар ўртасидан ўтиб бормоқда эди. Бирдан: «Тўхта!» деган команда янгради.

Орадан сал фурсат ўтгач, буғдой далаларининг ўзида позиция эгаллаш ҳақида буйруқ келиб қолди. Расчётдаги йигитлар тўпга хандақ қазишга шитоб билан киришиб кетишди.

Орадан бирор соат ўтгач, Абдулҳамиднинг қулоғига гувиллаган овозлар эшитилди.

— Ана, «меҳмонлар» ҳам кепқолишди, — деди расчёт командири. У хотиржам ва сокин кўринарди.

Абдулҳамид бир ярим-икки километрча нарида, пастқамликдан бирин-кетин отилиб чиққан икки-уч танкни кўрди. Бир неча минут ичида улар кўпайиб, дала бўйлаб ёйилишди-да, шиддат билан бостириб келиша бошлади.

Абдулҳамид олдинда елиб келаётган «Тигр»нинг занжирини нишонда тутиб турар, қўллари титраётганини сездирмасликка уринар эди. Гришков унга тез-тез нигоҳ ташлаб, дадил бўл, дегандай бош иргаб қўярди.

Тўпидан ўқтин-ўқтин ўқ узиб, пулемётини тариллатиб келаётган танк билан ўртадаги масофа тобора қисқариб бораётганди. Катта сержант ҳамон жим, отишга команда бермасди. Абдулҳамиднинг юраги қинидан чиққудек питирларди. Унинг кўзи ҳам, хаёли ҳам танк занжирида. Ана улар яққол кўринмоқда, машъум шалдираши ҳам эшитилаётгандай...

— Ўт оч!

Тўп гумбурлади. Танк ғилдираклари остида тўзон кўтарилди. Шу сонияда «Тигр»



Уч даража «Шуҳрат» ордени нишондори А. Жамолов техникум талабалари Ойлар Ҳасанова, Зумрад Холхўжаева, Роҳила Йўлдошевага ўз хотираларидан сўзлаб бермоқда.

В. Мосин фотоси

талваса ичида ўрнида айлана бошлади.

— Ўқла! Мўлжалга ол! Биқинига, башнясига! — кетма-кет буйруқ берарди Гришков.

Тўп яна гумбурлади. Фашист машинаси жойида қимирламай қолди. Айни шу пайтда, тўпдан бир неча метр нарида гумбурлаб снаряд портлади. Абдулҳамид расчёт командири Гришков билан боя жанг олдидан келиб, шу ерда қолиб кетган сиёсий ходим — лейтенантнинг ҳам қулашганини кўрди.

Расчётда Илья Мясников билан унинг ўзигина омон қолганди. Жамолов командирликни ўз зиммасига олди. Бу пайт жанг майдонида фашистларнинг яна икки танки тақа-тақ тўхтаб, бурқсий бошлаган эди. Душманнинг бошқа машиналари олдинга интилишарди, тўпларни эзиб-янчиб қисмларимизни улоқтириб ташлашга ошиқишарди.

Иккинчи «Тигр» бостириб келишга журъат этолмади. У ҳатто ўзини ортга олиб, ишдан чиққан шериги панасига ўтгани кўриниб турарди. Мясников тўпни яна ўқлади. Аммо қулфни ёпар-ёпмас, тўпдан ўн-ўн беш метр олд тарафда снаряд портлади. Мясников муккасидан қулади. Абдулҳамид уни кўтариб олганда, жангчининг танасида тириклик аломатлари кўринмасди.

А. Жамолов шунда жанг майдонидан чиқиб кетишга уринаётган ўша «Тигр»ни яна икки снаряд билан «сийлаб», тамоман яксон қилди.

Ғоятда таҳликали вазият пайдо бўлган ўша онларда танклар ҳужуми бирдан тўхтаб, фашист машиналари ўқ уза-уза орқага қараб чекина бошлади. Маълум бўлишича, дивизионнинг бир неча зирҳтешар тўплари мададга юборилиб, батареянинг жонига оро кирган экан.

Абдулҳамид ўшанда жанг майдонида немисларнинг етти танки мажақланиб ётганини кўрди. Шулардан учтаси унинг расчёти ҳиссасига тўғри келарди. Аммо, фашист газандаларининг адабини бериб қўйган расчётдаги кўпгина азамат йигитлар абадий кўз юмган эдилар.

Танклар ҳужуми даф этилиб, орадан бироз вақт ўтгач, бу ерга батарея командири, капитан В. С. Виноградов келди. Абдулҳамид қаддини ғоз тутиб, честь беришга чоғланган эди, командир уни маҳкам қучоқлаб бағрига босди. Кейин тўпчининг кўзига меҳр билан қараб:

— Раҳмат сенга, кичик сержант Жамолов. Сени ўстирган халқингга, ота-онангга раҳмат, азамат! — дея унинг қўлларини маҳкам қисди капитан.

У батарея командиридан ҳукумат мукофотига тақдим этилгани ва расчёт командири қилиб тайинланганини шу суҳбат пайтида билди.

Фронт газетаси гвардиячи кичик сержант Абдулҳамид Жамолов жасорати ҳақида каттагина мақола босиб чиқарди. Орадан бир неча кун ўтгач, унинг кўкрагида учинчи даражали Шуҳрат ордени пайдо бўлди. Бу — Кривой-Рог яқинидаги жасорати учун берилган баҳо эди.

Абдулҳамиднинг рус, украин, тожик ва белорус йигитларидан иборат расчёти Польша пойтахти ва Люблинни гитлерчилар асоратидан озод қилишда алоҳида жасорат кўрсатди. Уларнинг тўпидан отилган снарядлар фрицларнинг беш танки, бир неча бронемашина ҳамда юк автомобилларини яксон қилиб, ўнга яқин пулемёт уялари ва дзотларининг кулини кўкка совурди.

Аммо, Подзнань қалъасини фашистлардан озод қилишдаги кескин жангларнинг бирида у оғир яраланди. Ўқ бўйнининг ўнг томонига теккан эди, хирург уни чап қўлтиғи остидан олиб ташлади. Катта жисмоний куч, ёшлик уни жарроҳ столидан бехавфу хатар олиб ўтиб, бир ойдан кейин яна сафга қайтарган эди. Дарвоқе, госпиталда ётган кунлари уни кўргани келган дўстлари Абдулҳамидга ҳушхабар айтишди: Подзнань қалъасини олишдаги жасорати учун у иккинчи даражали Шуҳрат ордени билан мукофотланган эди!

Абдулҳамид ака — Одердан биринчи бўлиб кечиб ўтган жангчилардан. У 1945 йилнинг мартида жаҳаннамга айланган бу дарёдан қандай кечиб ўтишганини шундай хотирлайди:

— Биз дарё ўртасига етай деб қолганимизда ногаҳон осмонни хунук гувиллаш тутиб кетди. Автоматдан осмонга ўқ уза бошладик. Теварак-атрофда бомбалар портларди, дарё жунбишга келиб, тўлқинлар сол устига сапчирди... Бир пайт осмондаги гувиллашлар янада авжга чиқиб, тепамизда самолётлар гир-гир айлана бошлади. Биз самолётлардан отилаётган ўқ овозларини аниқ эшитиб турардик. Билсак, бизни бомбардимон қилаётган фашист қузғунларига бизнинг қирувчиларимиз ҳужум қилиб, уларни тўзғитиб юбораётган экан. Ниҳоят, тўпимиз ғилдираклари ерга тегди. Аммо бомбардимон пайтида расчётдаги икки жангчидан айрилган эдик. Омон қолган Агеев ва Гунтик билан дарҳол жанговар позицияни эгалладик. Пиёдалар ўнг қирғоққа тушиши билан ҳужумга ташланишди. Биз қоронғи тун қаърида олов чақнатиб қўрғошин пуркаётган пулемёт уяларини нишонга олиб, жангчиларимизга мадад бериб турдик.

1945 йилнинг 26 апрели ҳам Абдулҳамид Жамоловнинг хотирасида бир умр қоладиган кун бўлди. Унинг расчёти ҳам Берлиннинг марказий кўчаларидан бирида жанг қилаётганди. Кимдир ўшанда:

— Рейхстаг анави кўндаланг турган кўп қаватли уйдан олти юз метрча нарида экан, яқинлашиб қолдик, йигитлар! — деди. Абдулҳамиднинг юраги ҳаприқиб кетди. Қаранг-а, одамзод бошига не-не мусибатлар солган, бегуноҳ кишилар қонини дарёдай оқизган бу машъум бинога қўл узатсанг етгудек масофа қолибди.

— Еру осмон тинмай гувилларди, — деб эслайди Абдулҳамид ака. — Борлиқни чанг-тўзон, тутун қоплаб олгандай... Самолётлар гала-гала қушлардай учади... Минг-минглаб қуроллардан сурункасига очилаётган ўт тўхтовсиз увиллашга ўхшаб кетади. Ҳа, фашизмнинг жон бериши қийин бўлаётганди.

Ўша йигирма олтинчи апрель куни расчёт командири, гвардиячи катта сержант А. Жамолов ўз тўпчилари Гунтик ва Агеевлар билан душманнинг уч танк, икки бронетранспортёрини мажақлаб ташлашди, пиёдаларимизни бош кўтартирмай қўйган икки пулемёт уясини яксон қилишди.

Ниҳоят, унинг тўпи ҳам Рейхстаг рўпарасига чиқди! Ўзбек йигити Рейхстаг деворида ғолиб жангчиларимизнинг минг-минглаб исм-фамилияларини кўрди. Ешгина бир лейтенантдан жимжилоқдай бўрни олиб, у ҳам: «Жамолов А. Фарғонаданман» деб ёзиб қўйди.

Худди ўша дақиқада қувончдан бақириб юборганини ўзи билмай қолди. Рўпарасида кичик командирлар тайёрлаш курсида бирга ўқиган қадрдонлари Ўктам Ҳотамов, Маъруф Абдуллаев, Турсунали Қосимовлар туришибди. Кўкракларида жанговар орден ва медаллар ялтирайди. Абдулҳамид Жамолов майдонни тўлдириб турган жангчиларга туртина-суртина дўстлари томон интилди.

Дўстлар қучоқлашиб кўришишди. Кўзларида севинч ёшлари йилтиради.

Ўктам Ҳотамов янада дарозлашган, кўзлари чақнаб турган Абдулҳамидга ҳавас билан тикилди. Кейин унинг кўкрагидаги Шуҳрат орденларини санади:

— Бир, икки, уч... Ўҳ-ҳў! Табриклайман. Мана, юртимиздан чиққан яна бир қаҳрамон! Кўриб қўйинглар, дўстлар!

Абдулҳамид Жамолов йигирма олтинчи апрелда ўз расчёти билан кўрсатган жасорати учун биринчи даражали Шуҳрат ордени билан мукофотланган эди.

Шуҳрат орденлари баҳодир тўпчининг Запорожьедан токи Берлингача, ўша Рейхстаггача қонга-қон, жонга-жон олиб, ҳар кун ўлим билан юзма-юз келиб, гитлерчиларнинг додини бериб, даҳшатли машиналарини гулхандай ёққанлиги учун берилганди. Шундай қилиб, қирувчи-тўпчи жангга кирган дастлабки кундан ғалабагача фашистларнинг 12 тўпи, 15 авто ва бронемашинаси, ўнга яқин пулемёт уяларини яксон қилиб ташлади, 150 дан зиёд гитлерчини ер тишлатди.

Шуҳрат орденининг тўла нишондори Абдулҳамид Жамолов юртига қайтиб, яна қадрдон кетмонини қўлга олди. Сувчилик, звенолик, бригадирлик қилди. Табиатан оғир-вазмин, камсуқум, оққўнгил бу киши ҳозир ҳам Фарғона районидаги «Фарғона» совхозида самарали меҳнат қилмоқда. Ўз фарзандлари камолидан мамнун қаҳрамоннинг атрофи тўла невара.

Яқинда биз Абдулҳамид ака Жамоловни райондаги ҳунар-техника билим юрти талабалари даврасида учратдик. У бўлажак мутахассисларга совет кишиларининг Улуғ Ватан урушидаги жасорати тўғрисида, ўз қуролдош дўстларининг мислсиз қаҳрамонликлари ҳақида тўлқинланиб гапириб берди.

Фарғона ка... **Охунжон ҲАКИМОВ**

ДАВРИМИЗ КЎЗГУСИ

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҚАРШИСИДАГИ ЎЙЛАР



БИЗНИНГ давримизда телевидениенинг оммавий ахборот ва пропаганда воситаси сифатидаги роли, масофа билмас қудрати, имконияти, вазифаси тобора юксалмоқда. Ўзбекистон телевидениеси айниқса кейинги йиллар турмушимизга маданий-маиший, илмий, оммавий тарбия воситаси сифатида ҳам сингишиб кетди. КПСС XXVII съезди қарорларида унинг партия иқтисодий стратегиясини, социал сиёсатини амалга оширишдаги, социалистик онгни шакллантиришдаги роли ошиб бораётганлиги алоҳида таъкидланиб: «...телевидение, радио, матбуот ошкоралигининг, жамоат контролининг қудратли воситаси» эканлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қарорлари республика социал-иқтисодий тараққиётини янада жадаллаштириш ва унинг мамлакат қудратини мустаҳкамлаш умумий ишига қўшаётган ҳиссасини кўпайтиришнинг қудратли омили бўлиб қолди, ҳар бир партия ташкилотида, ҳар бир меҳнат коллективида ишларнинг аҳволини кескин тузатиш, бутун ишимизнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш учун конкрет, амалий чора-тадбирларни белгилаб берди, идеологик, сиёсий-тарбиявий ишлар ижодий муносабатни, янги формаларни дадил излаб топишни, одат бўлиб қолган бир хилдаги қолиплардан қатъиян воз кечишни талаб қилишини уқтирди.

Ўзбекистон телевидениеси программасидан ҳам партия қарорларини ҳаётга тадбиқ этаётган кишиларимиз турмуш тарзи, дунёқараши, интилишларини ифода этаётган янги кўрсатувлар асосий ўрин ола бошлаганлиги меҳнаткашларни қувонтирмоқда.

«Амалий давра суҳбати» телевизион кўрсатуви Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қоралаган нохуш кўринишлар, ўзибўларчилик, ортиқча қоғозбозлик каби жойларда авж олган фаолиятсизликни аёвсиз фош этиши билан, уларга қарши актив курашчан руҳи билан тез эътиборга тушди. Бу кўрсатувнинг мақсади аниқ, мавзу миқёси кенг бўлиб, эфирга чиқа бошлаган кунданоқ, ўз мухлислари даврасини кенгайтирди.

Кўрсатувда ҳаммамизга таниш бўлган, дуч келганимизда ғашимизга тегадиган, ташвишлантирадиган ҳаётий муаммолар ҳақида қизғин баҳс юритилади. Энг муҳими, томошабинлар билан кўрсатув иштирокчилари орасидаги амалий мулоқот ошкоравий, ишчанлик тарзида ўтади.

Аммо бу кўрсатувнинг ҳали назарда тутилаётган даражада мукаммаллашмаганлигини ҳам эътироф этиш керак. Баъзан ўрганилаётган соҳа юзасидан кўрсатувга таклиф этилган масъул вакилларнинг аҳолидан тушаётган саволларга қониқарли жавоб бермаётганлигини кузатасиз. Баъзан эса уларнинг имконияти бўла туриб, вақтдан ютиш, масъулиятни ўзаларидан соқит қилиш мақсадида атайлаб мавзудан четга чиқиш ҳоллари томошабинлар кўз ўнгида содир бўлаяпти. Бу эса телевидение ижодий коллективи зиммасига янада ҳушёрроқ, талабчанроқ бўлиш масъулиятини юклайди.

Кейинги пайтларда, айниқса, «Нафосат», «Инсон ва қонун», «Инсон ва замин», «Врач маслаҳати», «Ахборот танқид қилади», шунингдек, болалар ва ўсмирларга мўлжалланган қатор оммабоп кўрсатувлар мавзусининг актуаллиги, рангбаранглиги билан томошабинлар назарига тушаяпти. Телетомошабинлар «Инсон ва қонун» кўрсатувининг эфирга чиқишини орзиқиб кутадиган бўлиб қолдилар. Бунга телестудия почтасига узлуксиз келиб турган мактублар ҳам гувоҳлик беради. Мухлислар мактуб йўллаб, кўрсатувнинг тарбиявий аҳамияти, ибрати катта бўлаётганлигини қайд этган ҳолда, ўзларининг фикр ва истаклари билан ҳам ўртоқлашмоқдалар. Айниқса, суд залларидан олиб бериладиган текинтомоқ, юлғич кимсаларнинг кирдикорларини фош қиладиган лавҳаларни кўриб, уларга нисбатан чексиз нафратларини билдирадилар. Оилавий муносабатларга бағишланган — маиший мавзудаги муаммолар ҳақида ҳам кўрсатувлар берилишини илтимос қиладилар.

ЎзССР Социал таъминот министрлиги ўтказган суҳбат ҳам жуда фойдали ва қизиқарли бўлмоқда.

Замонамиз кишисини тарбиялаш, уларни ижтимоий манфаатларга лоқайд қарамасликка ўргатиш, зиммаларига юклатилган вазифаларни виждонан, ҳафсала билан адо этишга кўниктириш бугунги кунда ўзлигини таниган ҳамманинг, барча пропаганда воситаларининг бурчидир. Ўзбекистон телевидениесининг «Нафосат» деб номланган хотин-қизлар телевизион кўрсатувини ҳам мавзу эътибори билан ана шу муҳим давр талаби қамраб олаётир. Бу кўрсатув турмушимизнинг барча соҳаларида хизмат қилаётган, ҳаётда ўз ўрнини топа олган, юксак маданият эгалари бўлган республикамиз хотин-қизлари фаолияти билан таништиради. Уларнинг оиладаги бурчи, жамоат орасида, меҳнат коллективларида ўзларини тутиши, коллективда ўзаро ҳурмат, ҳамкорлик, меҳр-оқибатни, дўстлик ва бирodарликни қарор топтириш, зиммаларидаги вазифаларга онгли муносабатда бўлиш, жамиятимизнинг фаол бунёдкорларига айланишга интилишлари каби инсоний фазилатлар ҳақида баҳс юритади. Эфирга чиқаётган кўрсатувларнинг ҳар жиҳатдан пухта ва мазмунли бўлишига эришиш телевидение ижодий коллективининг ягона мақсадидир.

Айниқса, қишлоқ хўжалиги, пахтачилигимиз ҳақидаги кўрсатувлар, академик М. Муҳаммаджонов суҳбатлари, пахтачилик мутахассислари иштирокидаги кўрсатувларнинг савияси юқори бўлди. Республикамиз қишлоқ хўжалиги олдида турган муаммоларни малакали мутахассислар, тажрибали пахтакорлар билан ҳамкорликда ўрганишга бағишланган бир қанча кўрсатувни ҳисобга олмаганда, баъзи ҳолларда узундан-узоқ илмий маслаҳат бериш билан чегараланилади. Бундай кўрсатувларни амалдаги илғор тажрибалар билан боғлаб тайёрлаш самаралироқ бўлиши мумкин. Гап оз, кўрсатув кўп бўлса. Албатта «Марҳабо, талантлар» сирасидаги кўрсатувлар ҳам керак, аммо вақти билан улкан санъаткорларимиз Ҳалима Носирова, Шукур Бурҳонов, Ўрол Тансиқбоев, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Қори Ёқубов, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Комил Ерматов, Уйғур, Наби Раҳимов, Сора Эшонтўраева, Зикир Муҳаммаджоновлар ижодига бағишланган кўрсатувлар ниҳоятда зарур.

Москва, Останкинодаги каби адабиёт, санъат ва фан арбоблари, Улуғ Ватан уруши ветеранлари билан ҳар ойда бир марта тематик учрашувлар ўтказиш ғоятда ўринли бўлар эди.

Телевидение орқали бериладиган концертлар савияси анча кўтарилган. Бироқ программалар ҳамиша ҳам ранг-баранглик касб этмаётганлиги ачинарлидир. Бир хил саҳна, бир хил усул, бир хил репертуарли санъаткорларнинг чиқишлари ҳақида ўйлаб кўриш керак. Бир шоир ёки хонанданинг кун аро, ҳафта аро телевидение кўрсатувларида ҳадеб иштирок қилаверишини маъқуллаб бўлмайди. Тўғри, республика телевидениесида «Назм ва наво», «Қўшиқ ёзувчи шоирлар», «Ўзбек куйларидан концерт», «Музика жавони», «Дебют», «Ёш ижрочилар концерти», «Тонгги тароналар» кўрсатувларида ўзбек классик ва халқ куйлари кенг тарғиб қилинмоқда. «Назм ва наво» кўрсатувининг Навоий, Муқимий, Фурқат лирикаси, «Қўшиқ ёзувчи шоирлар» кўрсатувининг С. Абдулла, Ҳабибий, Туроб Тўла ижодига бағишланган саҳифалари доимий равишда эфирга чиқарилаяпти. Бу — жуда яхши.

Шунингдек, телетомошабинлар эътиборига Мулла Тўйчи ҳофиз Тошмуҳамедов, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов каби сиймолар ҳақида ҳикоя қилувчи туркум кўрсатувларни ҳавола этиш ҳам мўлжалланмоқда. Аммо бой классик меросимиз олдида булар ҳали дарёдан томчи. Халқимиз орасида ўзларининг ҳуш овозлари билан барҳаёт бўлиб қолган уста санъаткорларимиз ҳақидаги лавҳалар, улар ижро этган куй-қўшиқлар қизиқарли тарзда

эфирга чиқарилса, кўнгилдаги иш бўларди. Юнус Ражабий, Ориф Алимахсумов, Эргаш Йўлдошев, Таваккал Қодиров, Шерали Жўраев, О. Отажонов, ака-ука Ваҳобовлар, Бобомурод Ҳамдамов ва Исмоил Жалилов, Ҳуррият Исроилова, Насиба Абдуллаева («Самарқанд» ансамбли), «Ялла» ансамбли, Дуторчи қизлар ансамбли ижро этган куй-қўшиқлар қулоққа чалиниб қолганда, ана шулар ҳақида ўйлайсан киши.

Излаган имкон топади, дейди халқимиз. Ўзбекистон телевидениеси экранида «Халқ оғзаки ижоди» кўрсатуви, шунингдек, «Омонёр», «Муножот», «Гулёр» каби бир қанча фольклор этнографик ансамбларининг пайдо бўлиши оммага манзур бўлганлиги сир эмас.

Ҳар бир кўрсатувда янги номлар — ёш бахшилар, дўмбирачи, қўбизчилар фаолияти томошабинлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Халқимизнинг етти яшаридан етмиш яшаригача — ҳамма бўш вақт бўлди, дегунча «ойнаи жаҳон» қаршисига йиғилади. Томошабинлар ундан янгилик, маънавий озуқа излайдилар. Телевидение зиммасига уларнинг эҳтиёжини қондиришдек ўта масъулиятли вазифа юкланганки, у бир вақтнинг ўзида ҳам адабиётнинг, ҳам санъатнинг тарбиявий таъсирини қамраб олади. Телевидение бошқа оммавий ахборот воситаларига нисбатан ўзининг ана шундай амалий таъсири билан ажралиб туради. Шундай экан, кўрсатувларни олиб борувчиларнинг, дикторларнинг эфирда пайдо бўлиши ҳар сафар бир имтиҳондир. Баъзан бошловчи дикторларимиз ўзбек сўзларини нотўғри талаффуз қилиши ошдан тош чиққандай томошабинни ранжитади. Талаффузнинг бузилиш ҳолларини классик адабий меросимиз ҳақидаги кўрсатувларда — шеър ва ғазалларни бадиий ўқишда учратиш мумкин. Ҳатто бир қизимиз Самарқанддаги Тиллакори тарихий ёдгорлигини бир неча бор «Тилла Қори» деб ўқиди. Бу, уят! Ўзбекистон телевидениесида маҳорати ўрганишга арзигулик дикторларимиз талайгина. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Ўктам Жобиров, Галина Мельникова, Насиба Қамбарова ҳамда Раъно Жўраева, Фарҳод Бобожоновларнинг бу соҳадаги тажрибаларини ижодий ўзлаштириш, ўзаро ҳамкорлик мактабини йўлга қўйиш ўринли бўларди. Улар маҳоратли дикторлардир. Ҳар гал Алишер Бадалов, Муслим Йўлдошев, Насиба Мақсудова, Абдумўмин Ўтбосаров, Мавлуда Сафарова каби ойнаи жаҳонимиз заҳматкашларининг ёқимли ва ширали овозда: «Ассалому алайкум, ўртоқлар!», деб хонадонимизда пайдо бўлиши ниҳоятда файлидир. Халқаро шарҳловчилар Л. Ҳотамова, Т. Қоратоев, Н. Муҳаммадиевлар олиб борадиган «Оламда нима гап» кўрсатуви ҳақида ҳам ижобий фикрлар билдириш ўринлидир. Қолаверса, телевидениемиз ижодкорлари Марказий телевидениенинг Нинель Шахова, Наталья Чернова, Виктор Бекетов, Игорь Кириллов, Аза Лихитченко, Фарид Сайфуль Мулюков, Валентин Зорин, РСФСРда хизмат кўрсатган артист Валентина Леонтьева каби илғор, тажрибали дикторлар ва шарҳловчилар маҳоратидан ўрнак олсалар, фойдадан холи бўлмасди.

Изланишлар ҳамиша ўз самарасини беради. Ўзбекистон телевидениесининг адабий драматик эшиттиришлар редакцияси фаолиятидаги кейинги изланишлар самарали бўлаяпти, десак ҳақ гап. Бу соҳада иш анча яхшиланди. Кўрсатувларда сифат ўзгаришлари сезилмоқда.

«Ойнаи жаҳон» орқали телетомошабинлар эътиборига ҳавола этилаётган адабий-драматик кўрсатувлар мавзу ва мазмун жиҳатидан мухлислар эътиборини торта бошлади. Телеминиатюра театри ижодкорларининг изланишлари янгича ифода касб этаётганлигига гувоҳмиз. Кейинги вақтда эфирга чиқарилган «Ер фарзанди», «Жонфигон», «Қабрдаги хазина», «Қудажонлар» каби телеминиатюра, телепостановка ва видеофильмлар ҳақида шундай фикрлар айтса бўлади. «Истеъдод», «Ёзувчи ва замон», «Бўстон» каби кўрсатувларнинг мазмуни янгиланганлиги, рангбаранг ифода усулларидан фойдаланилаётганлиги ана шу ижодий изланиш самараси бўлаяпти. Айниқса, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ижодкор ёшларга кўрсатаётган оталарча ғамхўрлиги ифодаси ўлароқ ташкил этилган «Умид» телевизион клуби фаолияти диққатга сазовордир.

Янги видеофильмларни кўпроқ бериш, таниқли адиблар асарлари асосида видеофильмлар яратиш телевидение ижодий коллективига муваффақият келтиради. Сўнгги бир йил давомида телетомошабинлар эътиборига ҳавола этилган телеспектакларда, видеофильмларда турмушимизда ҳар қадамда учраб турадиган реал воқеалар ҳақида ҳикоя қилинади. Уларнинг оқими томошабинларни маънавият оламига етаклайди, ҳамиша ҳақиқатнинг собитлигидан, тўғриликдан сабоқ беради. Энг муҳими, инсон маънавий олами пок бўлгандагина, виждон амрига бўй эггандагина бахтиёр яшашини, ҳаётда ўз ўрнини топиши мумкинлигини ўргатади. Томошабинларни ўз оламига, хатти-ҳаракатларига сарҳисоб назари билан қарашга ундайди.

Маълумки, область театрларида ҳам талай муаммолар мавжуд. Редакция ана шу театрлар коллективига кўмак бериш, уларнинг фаолияти билан оммани таништириш, жойлардаги истеъдодларни юзага чиқаришга асосий эътиборни қаратади. Санъат мухлислари шу пайтгача Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё область театрларида саҳналаштирилган спектакллар билан танишдилар.

Адабий драматик эшиттиришлар редакцияси ижодий коллективининг республикамиз область театрларидаги истеъдодли артистларни саҳналаштирилаётган телеспектакллар ва видеофильмларда иштирок этиш учун таклиф этиш тажрибасини ҳам қувватлаш керак. Чунки саҳнага янги истеъдодли актёрнинг чиқиши ҳамиша томошабин руҳини янгилаш билан бирга санъат оламини янги номлар билан бойитади. Ёш санъаткорлар ҳам осон йўл танламасликлари керак, машқ, маҳоратни ошириш устида қатиқ изланишлари керак.

Шууримизда пайдо бўлаётган ўзгаришлар силсиласи дақиқа сайин ишимизни, турмушимизни равшанроқ тасаввур қилдираяпти. Қизғин ишчанлик, ошкоравийлик, принципиал руҳда ўтган КПССнинг тарихий XXVII съезди ишлаб чиқаришнинг ҳамма жабҳаларида, атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга, туриш-турмушимиз, ўзлигимизга тўғри ва теран назар билан қарашга ўргатди. Бу руҳ эса кунлик меҳнатимиз сарҳисобидан хонадонларимиздаги тотувликка, завқ-шавққа кўчиб, эртанги кун режалари, оила атрофидаги ширин суҳбат мавзулари билан уйғунлашиб, тобора турмушимизга сингишиб бораяпти.

Ҳайвонот олами, коинот сирлари, океанлар, фанимиз — космонавтикамиз ютуқлари ҳақида Москва телевидениеси яхши кўрсатувлар бермоқда. Урганишимиз керак. Қамроқ гапириб, бошловчи сифатида ўзимизни камроқ рўпара қилиб, кўпроқ жониворлару табиатни кўрсатиш керак! Меъдага тегмаслик ҳам санъат. Давомли фильмларни кўпроқ бериш — мақсадга мувофиқдир.

...Ана, хонадонимизда яна фароғатли ҳордиқ дамлари бошланди. Қадрдон «ойнаи жаҳон» атрофида тўпланамиз. Дунё воқеалари, тинчлик мавзуси, фан-техника ютуқлари, меҳнат, қон-қардошлик мадҳи, истиқбол режалари, бир сўз билан айтганда, замондошларимизнинг янги аср бўсағасидаги ўй-ташвишлари, интилишлари, улкан бунёдкорлик фаолияти кўтаринки руҳ билан ана шу «ойнаи жаҳон» тасвирида назаримизда намоён бўлади. Бизни замон билан ҳамнафас, ҳамқадам бўлишга чорлайди.

Ўктам МИРЗАЁРОВ

Мактаб таълими — умумхалқ иши

ИСЛОҲОТ — ДАВР ТАЛАБИ

КПССнинг тарихий XXVII съезди қарорлари мактаб таълимини янада такомиллаштиришни, уни ислоҳ қилишни муваффақиятли амалга оширишда ҳам программ ҳужжатдир. Съездда тасдиқланган «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»да шундай дейилади: «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишда кўзда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши таъминлансин. Ўқувчиларни меҳнатга ўргатиш ва ўрта мактабнинг ҳар бир битирувчиси оммавий касблардан бирини эгаллаб олиши учун зарур шарт-шароитлар яратилсин. Ёшларни касбга йўналтириш иши такомиллаштирилсин».

Мактаб таълими — умумхалқ иши. Жамиятимизнинг ҳамма жабҳаси мактаб билан, ёш авлоднинг тарбияси ва унинг камолоти билан боғлиқдир. Мактаб ислоҳотининг асосий босқичлари 1990 йилгача амалга оширилиши керак. Шу нарсани таъкидлаш лозимки, ислоҳот талаблари асосидаги янги шароитда ҳал қилиниши лозим бўлган бир қатор муаммолар турибди. Шулардан бири — бу ижтимоий тараққиёт талабларига мувофиқ таълим бериш шаклларини жадал ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда таълимнинг мазмунини, унинг кўлами ва сифатини, шунингдек, ўқувчиларнинг индивидуал-ёш хусусиятларини белгилаб олишдир. Гап шундаки, тобора кўпайиб бораётган ахборотлар оқими мавжуд дарсликларда ўзининг тўлиқ ифодасини топмаётир. Айни вақтда бу дарсликларда иккинчи даражали характерга эга бўлган фактик материаллар мавжуд. Демак, энди дарсликларни мавжуд билим йиғиндилари билан механик равишда тўлдириш эмас, балки уларга асосий мазмун йўналишлари негизида таркибий ўзгаришлар киритиш, яъни ўқувчиларга ҳавола этилаётган ғояларга янги таълимий нуқтаи-назардан ёндашиш зарур. Бу муҳим ишга тажрибали педагогларни, методистларни жалб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқитувчи — ўқув-тарбиявий жараёнда асосий куч. Ўқитиш, тарбиялаш ишининг савияси биринчи навбатда, ўқитувчининг маҳоратига, унинг билимига боғлиқ. Шунинг учун ҳам педагогик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини КПСС XXVII съезди ҳужжатларида илгари сурилган конкрет тадбирлар асосида ташкил этиш лозим.

«Ўқув жараёнини жадаллаштириш» деганда бу тушунча замирида кенг муаммолар кўлами назарда тутилади. Жамиятимиз ҳаётига фан-техника тараққиётининг энг янги ютуқлари тобора кенг кириб келаётган бугунги шароитда унинг ҳозирги ривожланиш босқичида кун тартибига, таъбир жоиз бўлса, ўқитиш жараёнини автоматлаштириш муаммоси қўйилмоқда. Ўқув-ўқитув жараёнига техник воситалар кенг кириб келадиган пайтлар унча узоқ эмас. Модомики, эртанги

таълим истиқболи шундай экан, биз ҳозирдан ўқувчи ёшларни, педагогик коллективларни шунга тайёрлаб боришимиз лозим.

Мактаб таълимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларида ўқувчиларда меҳнат ва ихтисос кўникмаларини ҳосил қилиш масаласи алоҳида назарда тутилган. Бу борада республикамиз мактабларида ҳам бирмунча ишлар қилинаяпти. Лекин бу ишларни ташкил этишда, бошқа республикаларда бўлганидек, бизда ҳам малакали кадрларнинг йўқлиги, моддий шарт-шароитларнинг етарли эмаслиги, ўқитиш услубининг такомиллашмагани каби қатор қийинчиликларга дуч келинмоқда.

Ўқув-техника воситаларидан самарали фойдаланиш бугунги кунда ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Афсуски, бизда худди шундай малака етишмаганидан кўпинча ўқув-техника воситаларидан мактабларда кўнгилдагидек фойдаланилмаётир. Марказий ва Ўзбекистон телевидениеси орқали ўқув кўрсатувлари муттасил бериб борилаётгани ҳолда кўпгина мактабларда телевизор кераксиз нарсалардек чанг босиб ётибди. Телевизион техникадан ўқиш-ўқитиш жараёнларида самарали фойдаланаётган мактаблар ҳам бор, албатта. Лекин улар ҳали бармоқ билан санарли даражада оз. Масалан, Қува районидаги В. И. Ленин номли мактабда дарс жараёнларида телевизор воситаларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу ерда физика, химия, математика, ҳатто адабиёт фани ўқитувчилари фақат дарсликлар билан чекланиб қолмайдилар. Улар ҳар бир мавзуни ўқувчиларга тўлақонли тушунтириш ва сингдириш учун қўшимча адабиётлар ва тегишли кўргазмали ҳужжатлардан фойдаланмоқдалар. Мазкур мактабда ўқувчиларда меҳнат малакасини ҳосил қилиш борасида ҳам ибратли ишлар қилинаётир. Мактабнинг 8-синфларидан 77, 9-синфларидан 54, 10-синфларидан 61 нафар ўқувчи 4-мактабларараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида ҳунар ўрганмоқда.

Умуман, ҳозирги талаб, мактаб таълимини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишларида белгиланган вазифалар бугун ҳар бир фан ўқитувчисининг дарсликлар ва хрестоматия материаллари билан мутлақо чекланиб қолмаслигини тақозо этмоқда. Ҳар бир педагог, у қайси фандан дарс беришидан қатъий назар, ўз машғулоти давомида ўқувчини ҳаёт оламига олиб кириши, бугунги илмий-техника тараққиёти ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилишга интилиши лозим. Масалан, ботаника ва зоология фанлари ўқитувчилари ўз машғулотлари давомида «Қизил китоб»да кўзда тутилган қонун-қоидаларга суяниб иш кўришлари, ҳайвонот дунёсини, умуман, табиат бойлигини муҳофаза қилиш умумдавлат аҳамиятига эга бўлган ижтимоий масала эканлигини ҳис қила билишлари, ўқувчиларда диёримиздаги қўриқхоналар мисолида ҳайвонот дунёсига, умуман, табиатга муҳаббат туйғуларини тарбиялаб боришлари лозим. Физика ва математика сингари асосли фанларнинг ўқитувчилари эса, машғулотлар давомида ўқувчиларни совет фани ва техникасининг бугунги тараққиёти, космонавтикамизнинг имкониятлари билан таништириб борсалар, уларнинг тафаккур дунёсини бойитган, уларда ватанпарварлик туйғуларини тарбиялашга ҳисса қўшган бўладилар.

Бугунги шароитда ёшларни атеизм руҳида тарбиялаш муҳим ижтимоий масалалардан бўлиб турибди. Худди шу борада ҳам фан-техникамизнинг бугунги тараққиёти, унинг оламшумул ютуқлари атеистик тарғибот ва унинг самарали бўлиши учун муҳим омиллардир. Масалан, космонавтикамизнинг мислсиз ютуқларидан бири — «Вега—1», «Вега — 2» автоматик станциялар ёрдамида Венера сайёрасини ва Галлей кометаси («Думли юлдуз»)ни тадқиқ қилиш бўйича белгиланган йирик халқаро лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилиши инсон тафаккурининг бугунги қудратини оламга намойиш қилди. Фан-техникамизнинг бу улкан муваффақияти чинакам ўзига хос мўъжизадир. Космонавтикамизнинг бундай оламшумул ютуқлари аниқ фан ўқитувчилари учун ўқувчиларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялашда жуда қўл келадиган фактик материаллардир. Шу ўринда бир истакни билдирмоқчимиз. Ҳар бир ўрта мактабдаги физика кабинети ёки лабораторияси қошида космонавтика бурчаги ташкил этилса, у космонавтикада юз бераётган янгиликлар билан (суратлар, ҳужжатлар, статистик рақамлардан иборат маълумотлар билан) бойитиб борилса, айни муддао бўлур эди.

Энди мактаблардаги меҳнат дарслари хусусида. Очиқ эътироф этишимиз керакки, меҳнат таълими учун зарур бўлган моддий-ўқув базаларининг аҳволи ҳали яхши эмас. Республикадаги мавжуд 644 та мактабларараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларининг кўпчилиги моддий-техникавий ускуналаниш жиҳатидан ҳозирги талабларга жавоб бермайди. Бир қанча мактаблар эса жиҳозланган устахоналарга умуман эга эмас. Бу масала маҳаллий партия, совет ва маориф органлари ҳамда таянч база ҳисобланган корхоналар ва муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида тезроқ ҳал этилиши керак.

Дарҳақиқат, «Ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаш, умумий таълим, ҳунар мактабини ислоҳ қилиш муҳим вазифадир, — деб ҳаққоний таъкидланди ЎзКомпартия Марказий Комитетининг II пленумида. — Республика мактабларида устахоналар етишмаяпти. Ўтган йили 280 та мактабларараро ўқув устахоналари ташкил этиш мўлжалланган эди, аммо фақат 28 та шундай устахона очилди. Ҳунар-техника билим юртлари қишлоқ хўжалик машиналари, пайвандлаш техникаси, тикув машиналари билан кам таъминланган. Қолаверса, ҳунар-техника билим юртларининг структураси ҳам шундайки, уларни битириб чиққан кишиларнинг 46 проценти қишлоқда, атиги 19 проценти саноатда, 13 проценти қурилишда ишлаши мўлжалланган. Маориф министрлиги билан Ҳунар-техника таълими Давлат комитети жуда шошилинч чоралар кўришлари, партия комитетлари, совет органлари эса мактаб ислоҳотида кўзда тутилган барча тадбирларнинг сўзсиз бажарилиши учун корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларнинг раҳбарларига нисбатан талабчанликни кучайтиришлари лозим. Шу билан бир қаторда таълим олиш ва стажировкадан ўтиш учун ёшларни мамлакатнинг саноат марказларига кўпроқ юбориб туриш фойдали бўлади». *

Ҳа, ташкилий ишларимизда шундай камчиликлар бўлгани учун ҳам меҳнат дарслари кўпгина мактабларда паст савияда, аниқ мақсадсиз ўтказилаётир. Қишлоқ мактабларининг юқори синфларидаги ўқувчиларни меҳнат дарслари ҳисобига (ҳатто баҳор ойларида ҳам) қишлоқ хўжалик ишларида ёрдамчи куч сифатида фойдаланиш давом этаётир. Бир қатор шаҳар мактабларида эса, меҳнат машғулоти яхши йўлга қўйилмаган. Масалан, Тошкент шаҳар Киров районидаги 9-мактабнинг юқори синф ўқувчилари меҳнат дарслари ҳисобига ҳафтада бир кун тамакичилик фабрикасида юк ташиш билан шуғулланмоқдалар.

Мактаб таълимини ислоҳ қилишнинг асосий шартларидан бири — педагогик кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, ихтисослаштириш масалаларини ҳал қилиш борасида ҳам жуда сусткашлик қилинаётир. Бу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган зарур ташкилий тадбирлар орқага суриб келинаётир. Ўрта мактабларда ўқувчиларни ихтисосга йўналтириш қобилиятига эга бўлган ўқитувчилар мутлақо етишмайди, уларни тайёрлаш ишига ҳали ташкилий равишда киришилгани йўқ. Тўғри, педагогик кадрларни тайёрлаш борасида қисман яхши ишлар бўлаётир. Масалан, Андижон педагогика институти коллективи шаҳардаги 15- ва 46-мактабларда педагогик синфлар ташкил этиб, бу синфларга қобилиятли ёшларни жалб қилган ҳолда машғулотлар ўтказмоқдалар. Бундай фойдали ишни барча педагогика институтлари базасида ташкил этиш жуда мақсадга мувофиқдир. Шу хусусда яна бир мулоҳаза шуки, ихтисосли, ҳунар ўргатиш имкониятига эга бўлган педагогик кадрлар етишмаётган экан, техника институтларини тамомлаган инженер-техник кадрлардан ўриндошлик йўли билан бўлса ҳам педагогик мақсадларда фойдаланиш лозим.

Мактаб таълими қайта қурилаётган ҳозирги шароитда ўқув-ўқитув ишларини тубдан яхшилаш масаласи юқоридаги муаммоларнинг тезроқ ҳал этилишини ва шу йўл билан ҳар бир мактабда етарли моддий ва базавий шарт-шароитларнинг яратилишини тақозо этмоқда.

Эшбой ТУРДИҚУЛОВ,
педагогика фанлари доктори,
Бойхон НОРМАТОВ,
Салоҳиддин ФАИЗУЛЛАЕВ,
физика ўқитувчилари



«Саркардалар» маслаҳати. А. Жумаев фотоэтюди

ПАХТАКОРНИНГ ЎЙЛАРИ

Бу йилги қурғоқчилик пахтакорлар учун ҳам ортиқча ташвишлар туғдирди. Буни биз Усмон Юсупов районидаги Ульянов номли совхознинг пахтачилик бригадаси бошлиғи, КПСС XXVII съезди делегати, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Гулчеҳра Мўминова даласида бўлганимизда янада яққолроқ ҳис этдик.

Биз шийпонга етиб келганимизда унда ҳеч кимса йўқ эди. Шийпоннинг ёнида қизилранг «Жигули» турарди.

— Шу машина Гулчеҳраники, ўзи ҳам шу атрофда бўлса керак, — деди бизга йўл-йўлакай ҳамроҳ бўлган Қарши чўлини ўзлаштириш бош бошқармаси ишчилар таъминоти бўлими ходими Раҳмонқул Қушмуродов.

Атрофга кўз югуртдик. Катта картанинг этагида эласланиб бир аёл кўринди.

— Ўша Гулчеҳра, — дея Раҳмонқул қўл силтаб уни чақирди.

Юзлари офтобда анча қорайган, коржомасига чанг-тўзон ўтирган, 25—27 ёшлардаги қоматдор қиз вазмин қадам ташлаб биз томон юриб келди.

Биз бунгача гарчи Гулчеҳрани шахсан танимасак-да, уни сиртдан яхши билардик. Бу деҳқон қиз Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайланганидан бошлаб унинг номи кенг оммага танилди. Унинг Қашқадарё область партия ташкилотининг XVIII конференциясида сўзлаган нутқини ҳам область газетасида ўқигандик. Гулчеҳра ўша нутқида область қишлоқ хўжалигида, хусусан, пахтачиликда йўл қўйилган хатокамчиликларни, ғирромликларни ошкора танқид қилиб, конференция қатнашчиларини бу жиддий салбий ҳолатлар оқибатида область пахтакорлари шаънига тушган доғни ҳалол меҳнат, чинакам фидойилик билан ювишга даъват қилганди. Ўша конференцияда область коммунистлари Гулчеҳра Мўминовага катта ишонч билдириб, уни КПСС XXVII съездига делегат қилиб сайлаган эдилар.

— Чигитнинг олдинроқ экилганлари ернинг ўз намига кўкариб чиқди, кейингиларини кўкартириш учун эса сув қўяяпмиз, — дея Гулчеҳра ҳам қурғоқчилик оқибатларидан гап бошлади. — Сув қўйиб чигитни ундириш ортиқча ташвишлар туғдиради. Ер қатқалоқ бўлиб қолади, намга тўйган ердан ғўза билан бирга ёввойи ўтлар ҳам эрта бош кўтаради. Қатқалоқни юмшатиш, бегона ўтларни чопиқ қилиш ташвиши жуда заҳматли. Бунга кўп вақт ва меҳнат сарфланади. Бу эса пахта таннархининг ошишига олиб келади. Умуман, бу йил қурғоқчилик оқибатида юзага келган оғир шароит биз деҳқонлардан одатдагидан кўра фаол уюшқоқлик ва тадбиркорлик кўрсатишни талаб қилади. Сувни тежашимиз, ҳар бир томчисининг қадрига етишимиз лозим. Бу йилги сув тақчиллиги шуни тақозо этмоқда.

— Мана, сиз партиямизнинг XXVII съездига делегат бўлиб қатнашдингиз. Съезд чинакам ишчанлик ва ошкоралик руҳида ўтди. Ундан олган таассуротларингиз қандай? — савол билан суҳбатдошимизни яна гапга тортдик.

— Съездда жиддий гаплар бўлди. Унда республикамиз шаънига айтилган танқидлар бошқа делегатлар қаторида мени ҳам чуқур ўйга толдирди, — деди Гулчеҳра таъкид оҳангида гапириб. — Муҳим участкалар ишониб топширилган раҳбарлар ҳалол ишлаб, тўғри раҳбарлик қилганларида бундай ачинарли аҳволга тушмаган бўлардик. Масалан, бизнинг областимизни олинг. Деярлик ҳамма колхозлар ва совхозларнинг раҳбарларини алмаштиришга тўғри келди. Эскиларининг кўплари қилмишлари учун жазоландилар. Лекин ҳалиям ишнинг кетиши суст. Нега шундай? Топширилган вазифага лоқайдлик билан қараш, умумманфаатни эмас, ўз манфаатини устун қўйиш каби носоғлом кайфият кўпгина кишиларнинг психологиясига сингиб кетган. Инсон психологиясини қайта қуриш эса осонликча бўлмаётир. Чунки иллатлар бир неча йиллар давомида илдиз отган. Унга барҳам бериш учун кескин маъмурий ва таъсирли тарбиявий чораларни ленинча принципиаллик билан кўриш лозим. Афсуски, баъзи районлар ва ҳатто область партия ташкилотларида гоҳида етарли дадиллик, жиддий принципиаллик ҳамда ташкилий сафарбарлик руҳи етишмаяпти. Ваҳоланки, КПССнинг XXVII съездида ҳозирги шароитда ошкоралик ва жадаллик руҳини кучайтириш йўли билан ишда тезроқ бурилиш бошлаш лозимлиги алоҳида уқтирилди. Биз бу борада ҳали сусткашлик кўрсатаяпмиз.

— Партиямиз XXVII съезди қўйган талаблардан келиб чиқиб қараганда, ўзлаштирилаётган янги ерлар шароитида қандай муаммоларга дуч келаяпсизлар?

— Ишни тўғри ташкил қилиб, ғўза парваришини агротехника талаблари асосида амалга оширилса, янги ерларнинг ҳар гектаридан 25 центнердан 30 центнергача ва ундан ошириб ҳосил олиш мумкинлигини биз ўз тажрибамизда кўриб турибмиз, — деди гапига алоҳида урғу бериб Гулчеҳра. — Бригадамизда ўтган йили 71 гектар ернинг ҳар гектари ҳисобига 35,5 центнердан пахта олдик. Бу йилги мўлжалимиз ҳам шундан кам эмас. Лекин бизга боғлиқ бўлмаган катта муаммолар, кўпдан бери ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар турибди. Мен булар ҳақида область партия ташкилотининг шу йил бошида бўлиб ўтган XVIII конференциясида куйиниб гапирган эдим. Уларнинг баъзиларини ҳозир яна таъкидлашга тўғри келади. Областимиз шароитида мавжуд техника имкониятларидан фойдаланиш кўнгилдагидек эмас. Кейинги йилларда Қашқадарё области пахта тайёрлаш планини сурункасига бажаролмаётган экан, мана шу камчиликнинг жиддий касри бўлаяпти. Хўжаликларимизда машина теримига, ғўза баргини тўкдиришга ўз вақтида киришилмайди. Бу ишлар ҳар йили октябрь ойининг бошларигача чўзилиб кетаяпти. Хўжаликларда техника қарови ҳам кўнгилдагидек эмас. Кўпгина хўжаликлар ҳануз дурустроқ техника паркига эга эмаслар, мутасадди ўртоқлар бу ҳақда етарли жонкуярлик қилмаётирлар. Масалан, сўнгги мавсумда совхозимиздаги мавжуд 70 та терим машинасининг 50 тасидан фойдаланилди. Уларнинг ҳар бирида атиги 33 тоннадан пахта терилди.



Бошқа қўшни хўжаликларда ҳам аҳвол худди шундай. Энди уруғчилик масаласини олайлик. Қарши чўлида ўзлаштирилган янги ерлар асосан ипак пахта етиштиришга мўлжалланганига қарамасдан, биз ҳанузгача ипак пахтанинг шароитимиз учун райондашган навига эга эмасмиз. Ҳар йили бизларда экилаётган «АШ—25», «АШ—53» каби ипак пахта навлари тоза эмас, уруғининг калибровкаси (хилланиши) давлат стандарти талабига тўғри келмайди, худди ўша навларнинг уруғлари бир-бирига аралашиб кетган.

Нисбатан илгарироқ ўзлаштирилган ерларнинг мелиоратив ҳолати ҳақида ҳам ачинмасдан гапириб бўлмайди. Ҳисоб-китобларга кўра, Қарши чўлидан ўзлаштирилган янги ерлардан кейинги 15—20 йил давомида қарийб 30 минг гектари зах тортиб, яроқсиз ҳолатга келиб қолган. Ахир, масъулиятсизлик ҳам шунчаликка бориб етадими?! Бизда зовур оладиган, уларни тозалайдиган техника кучлари етарли-ку!.. Хуллас, областимизда пахтачиликни муттасил ривожлантириш, деҳқончилик маданиятини кўтариш учун бу хил муаммолар тезроқ ҳал этилиши лозим.

Гулчеҳра Мўминова ўз сўзининг охирида дала шароитида, янгидан ташкил этилаётган совхозларда аҳоли учун тегишли шарт-шароитлар яратиш, маданий-маиший хизмат турларини яхши уюштириш ҳақида етарли ғамхўрлик қилинмаётганлиги, бу соҳаларда ҳали жиддий камчиликлар мавжудлигини, олдинги баъзи раҳбарлар меҳнаткаш ҳақида қайғуришдан кўра, кўпроқ дабдабабозликка, катта-катта харажатлар ҳисобига кераксиз объектларни қуришга зўр берганликларини афсусланиб гапирди.

Биз даладан қайтиб, Усмон Юсупов районининг марказида бўлганимизда ўз бурчига садоқатли деҳқон қиздан ҳозиргина эшитган танқидий мулоҳазалар қанчалик тўғри эканлигига тўла ишонч ҳосил қилдик. Мана, марказдаги бозор биносига разм солинг. У пишиқ ғиштдан жуда баланд қилиб қурилган, тоқи ва пештоқлари нақшдор. Ҳовлисидаги усти ёпиқ пештахталари ҳам жимжимадор. Лекин бозорнинг ичида сотувчи ҳам, харид қилувчи ҳам йўқ, бўм-бўш. Ҳамроҳларимиздан: «Нега бундай?» деб сўрасак, улар: «Сотиладиган нарсанинг ўзи йўқ-да...», деб жавоб қилишди. Янги чўл райони учун ҳали зарур бинолар, керакли объектлар қолиб, бундай дабдабали бозорни қуришнинг нима кераги бор эди. Шу бозордан сал наридаги автозаправка биносининг ҳашамдорлигини айтмайсизми: нақшли кошинлар билан шундай безатилганки, уни узоқдан кўрган одам янгидан таъмирланган муҳим тарихий ёдгорлик деб ўйлайди. Бу жимжимадор иншоотларга зимдан кўз югуртириб, уларни қуриб-қурдиришда давлат маблағини совурган бели оғримас мутасаддилар «ўзларининг шахсий ҳовли-иморатларини қурдиришда қандай «новаторлик» кўрсатдилар экан?..» деб таажжубланиб қоласан киши.

«Сув қийинчиликларини енгайлик!» деган даъват билан республикамиз меҳнаткашларига мурожаат қилган Қашқадарё областининг Гулчеҳра Мўминовадек омилкор деҳқонлари бу йилги оғир шароитда ҳам пахтадан мўлжалдаги ҳосилни ундириш учун зўр уюшқоқлик билан фаол меҳнат қилаётганликларининг гувоҳи бўлдик. Уларнинг эзгу ишларига тилакдошмиз.

Шомурод СИДДИҚОВ

ТЕАТР

МАСЪУЛИЯТ МЕЗОНИ

«Театримиз, — деди суҳбатимизнинг бирида СССР халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов, — В. И. Ленин таваллудининг юз йиллиги муносабати билан М. Шатровнинг «Олтинчи июль» публицистик драмасини қўядиган бўлди. Шу санага бағишлаб К. Яшиннинг «Йўлчи юлдуз» пьесасини ҳам қайтадан саҳналаштиришга қарор қилинди. Шунда таниқли режиссёр Тошхўжа Хўжаев ҳар иккала спектаклда В. И. Ленин образини яратишни менга топширди. Тўғри, аввалига журъат қилолмадим, чўчидим...

Мана, ўшандан буён анча йиллар ўтди. Бу орада театримиз саҳнасида К. Яшиннинг «Инқилоб тонги», Н. Сафаров ва З. Саиднинг «Тарих тилга кирди» ва М. Шатровнинг «Албон майсазордаги кўк тулпорлар» драмалари пайдо бўлди. Уларда ҳам В. И. Ленин ролини мен ижро этдим... Атоқли драматург К. Яшин ўзининг «Йўлчи юлдуз» драмасини тубдан қайта ишлади. Натижада В. И. Ленин образининг воқеалардаги иштироки анча кенгайтирилди, янги қирралари очилди. Бу, спектаклнинг КПСС XXVII съезди кунлари муваффақиятли кўрсатилишида муҳим омил бўлди.

Саҳнада ўнлаб яратган образларим орасида энг улкани, энг қадрлиси ва энг мураккаби В. И. Ленин образи деб биламан. Гарчи узоқ йиллардан буён В. И. Ленин ролини ижро этиб келаётган бўлсам ҳам, ҳар гал саҳнага чиқишим олдида тўлқинланаман, бутун вужудимни қаяжон босади. Гўё бу муқаддас ролни ҳар гал биринчи марта ижро этаётгандек ҳис этаман ўзимни...»

Бундай масъулиятли ролни ижро этишда актёрнинг шундай ҳолатга тушиши табиий, албатта. Зеро, томошабин В. И. Ленин образи иштирокида ўтадиган спектаклда ўзига нотаниш эмас, аксинча, ғоят яқин ҳамда қадрли, ҳатто маънавий, инсоний ва ташқи дунёсининг ҳар бир чизиғи яхши таниш бўлган шахс — доҳий образи билан учрашади. Буни актёр чуқур ҳис этади. Томошабин кутганидек, образни бадиий қиёмига етказа оламанми, образга нисбатан унинг ишончини уйғота оламанми, деган хаёл ҳар гал унинг бутун вужудини қуршаб олади. Чунки, у В. И. Лениннинг жонли сиймоси томошабин тасаввурида доимо яшашини билади. Яна бир сабаби шуки, бу муқаддас образни яратиш ижрочидан мустаҳкам коммунистик эътиқодни, маънавий ва ахлоқий етукликни, юксак граждanликни, катта қалбни, бой ижодий тафаккурни, бутун борлиғи билан бериб изланишни тақозо этади.

В. И. Ленин образи — ҳақиқий масъулият мезони. Ана шу масъулиятни чуқур ҳис этган ва англаган актёргина саҳнада В. И. Ленин образини тўғри ва ҳаққоний ҳал этиши мумкин. Назаримизда З. Муҳаммаджонов ана шу мезонга амал қилган санъаткорлардандир.

СССР халқ артисти Олим Хўжаев Зикир Муҳаммаджоновнинг В. И. Ленин образини яратиш борасидаги ижрочилик маҳорати ҳақида фикр юритиб, қуйидагиларни ёзган эди.

«Ҳамза номидаги театрнинг сўнгги уч Ленинпома постановкасида янги ижрочи танланишининг ўзини принципиал аҳамиятга эга воқеа деб биламан. Муҳаммаджоновнинг бу ролга танланиши сабаби менга аён — у ижобий қаҳрамонлар образини гавдалантириш борасида катта тажрибага эга... Актёр доҳийнинг бир қатор муҳим хислатларини акс эттира олган. Тафаккурининг шижоатини ҳам, келажакни олдиндан кўра олиш қобилиятининг кучини ҳам, халқ билан якдиллигини ҳам, юморини ҳам ифодалай олган. У бу ролни ижро эта олиш ҳуқуқига эгалигини исботлади. Энди унга ижодий изланишни давом эттиришнигина истаймиз, холос».

Зикир Муҳаммаджонов устозининг тилагини бажо келтирди. Бу, айниқса, Ҳамза номидаги театрда қайта қўйилган «Йўлчи юлдуз» спектаклида яққол кўринди.

«Йўлчи юлдуз» драмаси асли бундан ўттиз йил муқаддам ёзилган. 1969 йилда асарга айрим жузъий ўзгаришлар киритилди. Бундан икки йил илгари пьеса умуман қайта ишланди. Илгари В. И. Ленин образи атиги бир кўринишда пайдо бўларди. Янги нусхада эса В. И. Ленин ва Ф. Э. Дзержинский образлари иштирокида катта пролог берилди. В. И. Ленин ва Туркистон вакиллари учрашуви кўринишн сақланди. Асарга В. И. Ленин сафдошларидан Ф. Э. Дзержинский, шунингдек, Туркистон комиссарларидан Шумилов, Фоменко, Финкельштейн, Белов сингари ҳақиқий ленинчи коммунистлар образлари киритилди. В. Д. Вотинцев образи аввалгидан анча чуқурлаштирилди, бадиий такомиллаштирилди. Бу образлар тимсолида В. И. Ленин сиймоси гавдаланиб туради.

Драмадаги бу ўзгаришлар З. Муҳаммаджоновга В. И. Ленин образи ижросини теранлаштириб, уни публицистик руҳда гавдалантиришга имкон берди.

Режиссёр Р. Ҳамидов В. И. Ленин образининг муваффақиятли талқинини кўзлаб, умуман спектаклни публицистик драма жанрида ҳал этди. Шунинг учун ҳам бутун диққат-эътиборни маиший деталлардан воз кечишга, саҳнада ўша тарихий даврга хос сиёсий-ижтимоий муҳитнинг ғоят мураккаблиги ва кескинлигини ҳаққоний акс эттиришга қаратди.

...Залга киришингиз билан эътиборингиз беихтиёр саҳнага тушади. Пешсаҳнанинг икки биқин деворига ўрнатилган экранда ўша даврдаги Тошкентнинг эски ва янги шаҳари кўчалари, икки ёнидаги айрим биноларини акс эттирувчи фотосуратлар кўринади. Худди шу хилдаги манзара ичкари саҳнанинг ён деворлари ва тўрида ҳам берилган. Экраннинг бирида революцион армиянинг саф тортиб юриши кўрсатилган. Инқилобий оҳанглар фонида аста-секин чироғ ўчади. Саҳна тўридаги манзара йўқолиб, ўрнида Кремль акси кўринади. Унинг фонида «1918 йил, январь» деб ёзилган... Телеграф аппарати тиқиллаши эшитилади... Саҳнанинг чап томонида В. И. Ленин кабинети. Стол, ёнида икки юмшоқ кресло. Стол четида телефон. Бошқа ортиқча буюмлар йўқ...

Бир оздан сўнг саҳнанинг ўнг томонидан В. И. Ленин ва Ф. Э. Дзержинский кетма-кет чиқадилар. Улар ғоят жиддий, асабий, ўйчан ва серташвиш кўринадилар. Ленин саҳна ўртасига келиб туради, бир нафас узоқларга тикилади. Гўё улар қандайдир кўнгилсиз, фожиали воқеалардан воқиф бўлиб, йўл-йўлакай фикрлашиб келаётгандай таассурот қолдирадилар. В. И. Ленин хаёл сурганича: «Туркистон халқларининг бошига оғир кун тушди, оғир кун...» дейди. Сўнг Боку комиссарлари фожиасини эслайди.

Икки қўлини орқага қўйиб, ҳамон жойида турганича хаёл суриб гапиради. Гўё Қорақум дашти, мардларча ўлим олдида тик турган Шаумян, Жапаридзе, Азизбеков, Фиолетовлар биринкетин кўз олдидан ўтаётгандек. Уларни эсларкан, вужуди борган сари газабга тўлади. Чуқур хўрсиниб, иш жойи томон тез қадам ташлайди... Столи ёнига келиб, унинг қиррасига муштини тираб тўхтайди. Лениннинг бесаранжомлиги ва асабий ҳолатидан сотқин эсер-меньшевикларнинг хиёнатига қарши зудлик билан қандайдир чора қидираётганини ҳис этади томошабин...

Суҳбат охирида В. И. Ленин Дзержинскийга яқин келиб, шу бугуноқ Халқ Комиссарлари Совети мажлисида Туркистон масаласини кўришни таклиф этади. Гарчи, В. И. Ленин ўзини осойишта, бир маромда тутса ҳам, ҳаракатларининг қатъийлиги, сўзларининг оташинлиги ички беоромлигидан, изтиробидан, шижоатидан далолат беради.

Пролог охирида В. И. Ленин Дзержинскийга: «...Руҳингизни туширманг, Совет ҳокимиятини сақлашга кучингиз борича ҳаракат қилинг...» дейди. Бу сўзлар актёр талқинида шундай маъно касб этадики, уларда тасалли эмас, В. И. Лениннинг келажакка, Совет ҳокимиятининг барқарорлигига қатъий ишончи ифодаланади.

Воқеалар оқими томошабинни яна В. И. Ленин ҳузурига олиб келади. Саҳна тўридаги экранда Кремль соати ўрнатилган миноранинг акси кўринади. Унинг фонида: «1918 йил, июнь» деб ёзилган. Пешсаҳна ён биқинларида ва саҳна ичкарисининг икки четидаги экранда Кремль обидаларини тасвирловчи фотосуратлар кўринади. Кремль соатининг ёқимли, жарангдор оҳанглари эшитилади...

В. И. Ленин тез юриб кабинетига кириб келади. Кайфияти ишчан. Диққат-эътибори столи устидаги қоғозларда. Уларни тез-тез кўздан кечира туриб, кириб келган котибага узатади, топшириқлар беради. Қўлидаги қоғоздан назарини бир дақиқа узиб, Туркистондан келган вакилларнинг ҳолини ундан синчиклаб суришtiради...

М. В. Фрунзе кириб келганда В. И. Ленин қўлидаги қоғозни ўрнига қўйиб, унга яқинлашади, креслони кўрсата туриб, ўтиришга таклиф қилади. Ўзи ҳам унга рўпара ўтириб олади ва у билан Туркистон ҳақида жиддий фикрлашади. Империалистлар ва уларга сотилган маҳаллий буржуазия ҳақида гап кетганда, гоҳ ўрнидан туради, гоҳ яна келиб ўтиради, гоҳ ҳаяжонланиб, гоҳ ғазабланиб, гоҳ тинчланиб гапиради... Туркистон халқларининг тақдири, уларнинг келажакдаги истиқболи унинг диққат марказида туради. Буни томошабин спектакль бошиданоқ ҳис этади.

Пьесада шундай мисралар бор: «Туркистон халқларининг озодлиги, мустақиллиги хавф остида... Туркистон Совет ҳокимияти учун нафас каби азиз... Туркистон фронти ҳозир энг оғир участкалардан бири бўлиб қолди... Бутун Россия Туркистонга ёрдам қўлини чўзади». З. Муҳаммаджоновнинг эътирофича, у шу сўзларни В. И. Ленин образи учун лейтмотив қилиб олган ва образни шу замин асосига қурган. Шунинг учун ҳам актёр ўз қаҳрамонининг диққат-эътиборини Туркистон масаласига қаратади. Образни талқин этишда у ана шу негиздан келиб чиқади, яъни тафаккурни ҳиссий идрокдан устун қўяди. Бу нарса В. И. Лениннинг М. В. Фрунзе зиммасига Туркистон фронти қўмондонлигини юклаган эпизоддаёқ кўзга ташланади. Доҳийнинг бу тадбири, вазият мантиқидан келиб чиққанини англайди томошабин. Бу саҳнада актёр В. И. Лениннинг сиёсатдонлиги ва ҳарбий стратегияни чуқур билганлигини ифодалайди.

М. В. Фрунзе розилик берганидан кейин В. И. Ленин ўз мамнунлигини яширмайди. Туркистонда қилинадиган ишларни Фрунзе билан келишиб олгач, унинг елкасини қучиб, ҳазил-мутойиба

аралаш: «...Э-ҳе, қанчадан-қанча вазифаларни ўташга тўғри келади. Михаил Васильевич, сизга оғирлик қилмасмикан», деб кулади. Шу ондаёқ ўрнидан туриб, иш жойи томон тез ўтади ва М. В. Фрунзе илтимосларини дарҳол қоғозга туширади. Яна аввалги жиддий, ишчанлик ҳолатига қайтади. Томошабин актёр ижросида доҳий тафаккурининг узлуксиз ишлашини, табиатининг метинлигини спектакль давомида кўриб боради. Бу ҳол Туркистон вакиллари учрашуви саҳнасида ҳам кўринади.

Темир, Жақип, Аваз ва Шожалил В. И. Ленин кабинетига кириб келишади, ийманиб атрофга кўз ташлашади. В. И. Ленин тез юриб кириб келади-да, ортиқча мулозаматга берилмай, ҳар бири билан илиқ ва самимий кўришиб чиқади, ортидан етиб келган М. В. Фрунзени уларга таништиради. «Қани, ишга ўтайлик», дегандек уларга кўз тикади... Меҳмонлар Ўрта Осиё халқларининг азалий удумига кўра В. И. Ленинга совға-саломларни топширадилар. Темур ушлаб турган тўнни кийиб: «Мана, Михаил Васильевич, мени ҳам бу туркистонлик ўртоқлар ўзлариники қилиб олишди», деб кулади. Нафис нақшлар солинган доирасимон столчага ҳам тез кўз югуртириб чиқади, гўзаллигини кўриб, таажжубланади... Режиссёр ва актёр маиший характерга эга бу эпизодни кўп ҳам чуқурлаштирмайдилар. Чунки бу саҳна спектаклнинг умумий публицистик руҳига унчалик ёпишмасди. Бироқ режиссёр уни спектаклнинг ижтимоий ғоясига бўйсундиришга интилган.

Жақип столчадаги ёзувни ўқиёлмаганидан хижолат тортиб, дами ичига тушиб кетганда, В. И. Ленининг кайфияти шу зумдаёқ ўзгаради: Жақипнинг елкасига қўлини меҳрибонона қўяди, келган дўстларига бирма-бир разм ташлайди. Туркистон халқларининг асрий маҳдудлик ва жаҳолат зулми остида яшаб келгани уни янада жиддий ўйлатиб қўяди. У Туркистонни душман қамалидан тезроқ озод қилишга шиддат билан киришади. Бу айниқса, Ф. Э. Дзержинский билан ўтадиган саҳналарда моҳирона акс эттирилган. В. И. Ленин Туркистон масаласида Ф. Э. Дзержинскийдан зудлик билан чора кўришни қаттиқ талаб қилади. Бу саҳналарда актёр доҳийнинг матонатини, ирода кучини ҳаққоний акс эттиради. В. И. Ленин айтдими, демак, бу иш албатта бажарилади, деган фикр актёр ижросида таъкидланади.

Кўриниш охирида В. И. Ленин туркистонлик вакилларни кузата туриб: «...Ота-бобонгиздан қолган муқаддас юртингизни бундан буён йиртқичларга қарам қилиб қўймангиз. Жирканч мустамлакачиликни чок-чокидан сўкиб ташлаб, ўз мамлакатингизга ўзингиз ҳоким бўлмоғингиз керак», деб мазлум Шарққа жар солинг...» дейди. Актёр талқинида В. И. Ленининг бу оташин сўзлари жуда жонли ифодаланади.

Спектакль эпилог билан тугайди. Бу саҳна рамзий ҳал этилган. Душман устидан ғолиб чиққан халқ Инқилоб майдонига йиғилади. Улар орасида саркарда М. В. Фрунзе ҳам бор. Томошабин назарида тантана митинги бўлаётгандек. Кутилмаганда халқ орасидан В. И. Ленин чиқиб келади. Ҳамма ҳаяжонда. У қўлини кўтарган ҳолда тўпланганларни олқишлайди. Пешаҳнага келиб туради ва революцион халқ фонида залга мурожаат қилади. Сўзининг охирида совет халқига Коммунизм сари олға юришни кўрсатаётгандек, қўлини олдинга чўзиб, ишонч билан олисларга тикилади. Гарчи бу саҳна бир қадар плакатнамо ҳал этилган бўлса ҳам, унда В. И. Ленин билан халқ ўртасидаги бирдамлик ифодаланган.

Қисқаси, «Йўлчи юлдуз» спектакли, унда З. Муҳаммаджонов ижросидаги В. И. Ленин образи томошабинларни улуғ доҳий ideаллари руҳида тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Фрунзе ЖЎРАЕВ,
санъатшунослик кандидати



Тошкентдаги Темирйўлчилар маданият саройи тикувчилик тўгарагида.

В. Мосин фотоси

Жуманиёз ЖАББОРОВ

ЎЙЛАРИМ

Ғалабамиз мазмунин муаррих ўрганур чоқ,
Фақатгина қуролдан изласа бош сабабни,
Е саркарда фикрига чақмоқ солган асабни
Бош мезон этиб олса, ҳақиқатдан кўп йироқ.

Мамлакат заминининг чексизлигин этиб қайд,
Ғалабамиз мазмунин ўрганса олим-устод,
Ёхуд оби ҳавомиз шиддатини қилиб ёд,
Бош мезон этиб олса, янглишгайдир ўша пайт.

Тўғри, бизнинг ёмғир ҳам ёғди мисли қўрғошин,
Қўмди мурдор фашистни қоримиз мисли кафан.
Урмондаги ҳар дарахт солдат бўлди дафъатан,
Ҳар гиёҳ нафрат бўлиб, ердан кўтарди бошин.

Бу шундайин сарҳадки, ёприлганда мудҳиш ёв
Ҳар чўпи, ҳар бир тоши бир қуролга айланган,
Ҳатто боди сабоси бўрон бўлиб шайланган,
Дарёю дашту боғи қўшин бўлган беаёв.

Бунинг бари муҳаққақ, баҳсга борми ҳаққим,
Ва лекин воқеотлар қат-қатига етган дам,
Кўз ўнгингда гуркираб қалқигай буюк одам,
Уз эрку ўз бахтини муқаддас билган халқим!

Бу шундай оилаким, бир мақсад, бир тақдир,
Битта муштга айланур келса синов-синоат.
Муаррих, сен бу ҳикматни қилур чоғи китобат,
Ҳар қаҳрамон қалбига кириб чиққил бирма-бир.

Минг йилларнинг орзуси унда яшар мукаммал,
У адолат байроғин маҳкам тутган бир қоя.
Неча-неча атомдан қудратли олий ғоя
Унинг қалб оламига солгай шуълаю амал.

Қирқ бир йилки, бу ҳикмат мағзин ўрганур жаҳон,
Яна қирқ минг йилдан сўнг ўрганур бани башар.
Ленинча бу Ғалаба асрлар оша яшар,
«Номаълум солдат» қабри — мангуликка имтиҳон.

Боғлар, водийлар узра эсаркан майин сабо —
Гўё йигирма миллион марҳум дилин талқини.
Осмон тўла юлдузлар — Салютимиз ёлқини,
Баҳор гулдираклари — минг тўплар берган садо!

ҚАЙНОНАЛАР АРЗИ ҲОЛИ

ҲАЗИЛ

— Келин олдик, айланай, бир пазанда, бир яхши,
Ҳусну ақлини айтинг, зеб шу-да келинчакка.
Ширин сўзу меҳрибон — оила кўрки, нақши,
Яна, денг, уста экан бол йўғрилган чак-чакка.

— Омадингиз бор, овсин, минг яшасин аввало,
Тезда кунингиз қолсин бир яхши беланчакка.
Биз ҳам келин туширдик... ҳамма томондан аъло,
Фақат битта қусури... уста чиқди чакакка.

ТУЮҚ

Кимки ўз шахсига қўяркан бино,
Ақли озор топиб, бўлур нобино.
Шуҳрат — соҳилдаги қум мисолидир,
Қумда қуриб бўлмас мустаҳкам бино.

БАРДОШ

Қирқ йил кутди ёрини аёл,
Қирқ бирни ҳам санамоқда йил.
«Келиб қолар...» қилади хаёл,
«Келади!» деб қатъий айтар дил.

Кутар эшик очилса ногоҳ,
Кутар йўлда қалқса зарра чанг.
Ҳар шарпадан ҳар лаҳза огоҳ,
Наҳот, ҳамон тугамади жанг?

Икки ўғли икки шаҳарда,
Неваралар бувига хумор.
Тоқати йўқ олис сафарга,
Кутар қишми, кузакми, баҳор...

Ўйлар: бирдан келиб қолса у,
Ўтиришга топмай қолар жой.
Ким қўлига қуяр муздай сув,
Ким узатар бир пиёла чой...

Гар бардошга қўйилса ҳайкал,
Абадият касб этса тоқат,
Шу имондир умрга сайқал,
Шу сиймодир мангу садоқат.

* * *

Ўйлар эдим сени ҳар лаҳза, доим,
Бугунинг, эртангни — келажагингни.
Лекин билмас эдим, юрагимга қойим
Очилиб, сочилиб келажагингни.

О, қандай қудратли, мўъжизакор Вақт,
Ёндим... яна нега гугурт чақмоғинг?
Бутун борлиғимни зириллатди бахт,
Қўлимда тутгандай баҳор чақмоғин.

* * *

Шаҳарликлар қайтди ҳашардан,
Автобуслар тўла, чувиллаб.
Бир ой кулги, қўшиқ, ғазалнинг
Қолди далаларда ғувиллаб.

Трамвайлар тиқилинч яна,
Яна ёшлик қучди шаҳарни.
Балки, қордан оппоқ далалар
Туш кўради... қўмсаб ҳашарни.


БИР КУН...

Мен осмонни ёздим, бериб зеб,
Юлдузларнинг чаманзори деб...
— Ҳаётдан узилган, — дедилар.

Севги кўрки — ҳижрону висол,
Деб яратдим минг лавҳа, мисол.
— Соф туйғу бузилган, — дедилар.

Достон қилдим меҳнатни, шонни,
Йўллар, йиллар берган эҳсонни.
— Ортиқча, чўзилган, — дедилар.

Лекин бир кун хаёлга толдим,
Ўзлигимни қўшиққа солдим.
— Юракдан тузилган, — дедилар.



Редакция почтасидан

ОТАХОНЛАР

Лангарлик Обиддин ота Исоқов билан Чаққон бобо Калоновларнинг номини Чироқчи район «Калкама» совхозидаги каттаю кичик фахр билан тилга олади. Етмиш ёшли бу отахонлар пиру бадавлат турмуш кечираётган бўлсалар-да, яратиш, оламни яшартиришга қодир орзу-истаклари уларни тинч қўймайди. Икки ўртоқ маслаҳатни бир жойга қўйиб, тўппа-тўғри боғдорчиликка ихтисослашган «Калкама» совхози маъмурияти сари йўл олишди. Мақсад ўзлари истиқомат қилиб турган қишлоқ шимолидаги анча йилдан бери қаровсиз ётган 30—40 гектарлик токзорни тиклашга рухсат олиш эди. Бу боғ-роғлар моллар туёғи остида топталаётгани, айрим бўлим бошлиқларининг бундай аҳволга эътибор бермаётганликларини раҳбарларга бир эслатиб қўйиш эди.

Ўша куни кўнгилларида бор гапни айтдилар. Бу боғларга аслида сара узумлар — кишмиш, ҳусайни, султони каби ноёб узум навлари экилган ва улар ҳозиргача озми-кўпми ҳосил бериб турибди. Бироқ сўнгги йилларда янги очилаётган ерларга ичкилик тайёрлашга мос навлар экилган эди. Отахонлар агар ток туплари алмаштирилса, айрим участкаларда улар пайванд қилинса, 5—10 йилда бутунлай янги токзорлар барпо этиш мумкин, деган мулоҳазани ўртага ташладилар. Совхоз маъмурияти бу таклифни қўллаб-қувватлади.

Отахонлар ўзлари ҳам боғда ишлашни зиммаларига олдилар. Шу баҳонада совхоз маъмурияти янги экинзорлар барпо этиш, ерга ишлов бериш, алмашлаб экишнинг бош планини қайтадан кўриб чиқди. Лангар қишлоғи марказидаги ўрта мактаб биноси ҳам нобоп ҳолатда эди. 8—10 километрлик қишлоқ йўлининг қишда лойи, ёзда чанги жонга теккан эди. Албатта, бу ҳолга ҳам бефарқ қараб бўлмасди. Шу ўринда айрим район ижроия комитетлари фаолиятига эътироз билдиришга ҳам тўғри келади. Юқоридаги каби ҳолларни анча-мунча қишлоқларимизда ҳар қадамда учратамиз. Аммо бу аҳволдан хабардор бўлган айрим район раҳбарлари номларига бир қулоч «ариза» ёзилмагунча ёки аризачилар ижроия комитетининг остонасини чуқур қилмагунларича иш битмайди.

Хуллас, юрагида ўти бор отахонларнинг сайъ-ҳаракатлари билан иш бошланиб, қишлоқ йўлларига асфальт ётқизилди. 320 ўринли икки қаватли мактаб биноси қуриб битказилди. Бу ободончилик ишлари район марказидан 50 километр узоқликда, тоғ ва адирлар орасида осонликча амалга ошгани йўқ, албатта. Йўлкўприклар қурилишида ҳам ана шу фидойи қариялар жонбозлигини кўрсангиз эди!..

— Биз солдат камарини ҳақиқий жанг майдонида белга боғлаганмиз. Токи ҳаётимизда баъзи камчиликлар бор экан, бемалол яшай олмаймиз, — дейишади улар.

Дарвоқе, солдат камари. Обиддин Исоқов дастлаб бу камарни 1941 йилда боғлади. Уруш бошланганда, у Чироқчи район комсомол комитетининг биринчи секретари вазифасида ишларди. Фронтга кўнгиллилар қаторида кетди. Витебск остоналарида уч марта оғир яраланди. Қизиғи шундаки, бу жангларда Чаққон Калонов ҳам у билан бирга эди. Улар Ленин орденли 13-гвардиячи ўқчи дивизиянинг жангчилари эдилар.

Обиддин Исоқов 1942 йил охирида каттиқ яradор бўлиб, қўлтиқтаёқда, оёқларида осколка парчалари билан уйига қайтди. Кўксида III даражали Шуҳрат ордени ярақлаб турарди. Қўлтиқтаёқ билан уруш йиллари ва урушдан кейинги йилларда боғдорчиликка ихтисослашган Жданов номли колхозда раис бўлиб ишлади, кейинроқ ўқитувчилик, бригадирлик қилди. Оила қурди, 11 фарзандниг отаси бўлди. Чаққон бобо Калонов эса, душманни Волга бўйларидан кувиб Берлингача борди. Бир неча марта яраланди. Яна сафга қайтди. Уруш тугагандан кейин кўксида гвардиячи нишони билан бирга Қизил Юлдуз ордени ва бир қанча медаллар билан она қишлоғига қайтди. Бир неча йиллар Чироқчи районидаги Калкама ва Лангар қишлоқ Советларида раис бўлиб ишлади.

Обиддин Исоқов — II группа уруш инвалиди. Уруш тугаганига 30 йил тўлган йили оёгидаги осколка парчасини олдирди.

Ҳозирги кунда ҳар икки отахоннинг 70 га яқин фарзандлари, невара-чевералари бор. Уларнинг кўпчилиги боболари изидан бориб, жамиятимизнинг актив бунёдкорлари сафида меҳнат қилишаяпти. Отахонларнинг эса ҳамон оёқни узатиб ётгилари келмайди. Қачон қараманг, эл-юрт ташвиши билан, эзгу ишлар билан банд улар.

Табаррук қариялар — ўз умр дарахтларининг мириштор боғбонларидирлар. Уларни меҳнат кучоғида кўрганлар: «Ҳорманг, юрагида ўти бор отахонлар!» деб қўяди албатта. Биз ҳам шундай деймиз...

Ғози РАҲМОНОВ,
Чироқчи район, Алишер Навоий номидаги ўрта мактаб директори

ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

САЙЁРАМИЗДА ЭНГ ЙИРИК ШАҲАР

2000 йилга бориб, сайёрамиздаги энг йирик шаҳар Мехико бўлиб қолади. Аҳоли яшайдиган манзилгоҳлар бўйича БМТ мутахассисларининг фикрига кўра, XXI асрнинг бошларида, Мексика пойтахтида 26,3 млллион аҳоли яшайдиган бўлади.


Аҳоли бўйича мутахассис бўлган экспертларнинг тахминлари асослидир. Мехикода аҳолининг йиллик ўртача ўсиши 3,5 процентни ташкил қилиб, маҳаллий ташкилотларнинг маълумотларига қараганда, унда 18 миллионга яқин аҳоли яшайди.

Янги аср бошида жаҳондаги иккинчи улкан шаҳар ҳам Лотин Америкаси территориясида бўлади. Мутахассисларнинг тахминига кўра, Бразилиянинг саноат маркази ҳисобланган Сан-Пауло шаҳри аҳолиси янги аср бошларида 24 миллионга етиши мумкин.

ДЕНГИЗ СУВИДАН УРАН

Киода Цусин агентлигининг хабар беришича, Японияда денгиз сувидан уран ажратиб олувчи тажриба қурилмаси яратилди. Бу қурилма ёрдамида йил давомида денгиз сувидан 10 килограммга яқин энг ноёб металлни ажратиб олиш мумкин.





Чорвоқ ГЭСи бошқарув пульти.

Ем-хашак ўрими...







Ёз гашти...



Анҳор бўйида.

Булоқ...



Тонг.

БУ СОНДАГИ РАНГЛИ ФОТОЛАР МУАЛЛИФИ,

ЎзССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ

ХОДИМИ МИРОН ПЕНСОН

замондошларимиз

Чўл тароватти

Икки тарафи адил қайрағочлар, навниҳол ўрик дарахтлари билан безанган йўлдан борар эканмиз, ўнг томондаги нов-ариқ ортида ям-яшил пахтазор, қийғос гулга кирган ғўзалар диққатимизни тортди. Яна бироз юрганимиздан кейин: «Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўлан Дадажонов бригадаси» деган ёзувли тахтачага кўзимиз тушди. Йўл четида автобус бекати тарзида ишланган майдончада тўхтадик. Майдончанинг ўртасидан ишланган зинапояга кўтарилган киши нов-ариқ устидан ўтиб, бригада шийпонига боради.

Шийпон атрофидаги манзара шунчалик бежирим, шу қадар тартиблики, ҳар қандай киши ўзини гўё бадастур ўзбек ҳовлисига кириб қолгандек ҳис этади. Йўлакнинг шундоқ ёнгинасида атиргуллар очилиб турибди, уларнинг оралиғида эса, қулф уриб ўсган оқ-қора сада райҳонлар атрофга бўй таратади. Хиёл нарироқда — олма, ўрик, шафтоли, беҳи ниҳоллари остида меваси қизарган помидор туплари, бодринг палаклари кўзга ташланади. Ундан ҳам юқорида — палаклар орасида дўппайиб-дўппайиб турган қовунлар, тарвузлар кўринади. Елпиниб ўтган шабада пишган ҳандалак ҳидини ботбот димоқларга уради.

— Қаранглар-а, бу жойларни чўл дейишга қандай тил боради? — деди ҳамроҳларимиздан бири ҳайратланиб. — Чўлистон эмас, гулистон-ку бу ерлар...

— Ҳамма гап шунда-да, — деди иккинчи ҳамроҳимиз қалби тўла ғурур билан. — Партиямиз билан халқимизнинг чўлни ўзлаштиришдан кутган мақсади ҳам шу-да...

Шу гаплар асносида шийпоннинг очиқ турган эшигидан Тўлан Дадажоновнинг ўзи чиқиб қолди. У ҳамишагидек очиқ чеҳра ва лабида хуш табассум билан келиб сўрашди. Маълум бўлишича, бригада аъзолари тушки дам олишдан сўнг ҳозиргина далага чиқиб кетишган экан. Тўланбойнинг ўзи эса, ошпаз йигит билан эртанги ишлар хусусида гаплашиб бўлиб, далага юрмоқчи бўлиб турган экан.

— Битта бригада бўлсак ҳам кичик хўжаликмиз-да, ўзимизга яраша ташвишимиз бор, — деди Тўлан Дадажонов ҳол-аҳвол сўрашиб бўлганимиздан кейин. — Далада ишлаб келган ишчиларга ҳар куни бир хил овқат бераверсангиз бўлмайди. Ҳафтада икки марта ош емасам, ўзим ҳам бир нимани йўқотиб қўйгандек бўламан... Фақат қовун-тарвузу мева-чева билан иш битмайди-да... Бунинг устига, радиоприёмнигимизнинг аллақанақа лампочкаси куйиб қолибди. «Ўша лампочкани олволгин-да, Дўстликка бориб, янгисидан келтиргин», дедим ошпаз йигитга... Яхшиси, юриб гаплашайлик, ғўзаларимизни бир кўрсатай сизларга. Елғон манзиратни ҳам билмай кетибди, деб ўйламанглар тағин, далани айлантириб бироз чарчатиб, чанқатиб олиб келсам, қовун-тарвузни ҳам иштаҳа билан ейсизлар...

Тўлан Дадажонов енгил ҳазил билан бизни далага бошлади. Нов-ариқ ёнидаги йўлакдан ёнма-ён кетар эканмиз, у бригадасидаги ишлар ҳақида сўзлаб борди:

— Бу йил сув масаласи анча қийин кечаяпти. Тўғриси, сув танқис бўлди. Кўплар баҳорда чигитни ҳам суғориш билан ундириб олишди. Лекин биз сув масаласида кўп қийналмадик. Мақтанаяпти, деб ўйламанглар тағин. Гап шундаки, қишда яхобни яхши берган эдик. Яхоб беришда ҳам гап кўп. Уватларни баланд олиб, кўпроқ сув тўргизилса, ер шунча яхши тўйинади, баҳорда ҳам нам сақлайди. Бир хил жойларда бир марта енгилгина сув бериладию, эгалари, яхоб бердик, деб юраверишади. Унақа яхоб беришдан фойда кам...

Тўлан Дадажонов бошлиқ бригаданинг ғўза пайкалларига етиб келдик. Ғўзалар чиндан ҳам бўлиқ, кўзни қувонтиради. Одамнинг бели баробар келадиган ям-яшил ғўза туплари қийғос гулга кирган. Пастки шохларда бир-иккитадан кўсаклар ҳам кўзга чалиниб қолади. Юқори шохда эса, янги-янги, катта-кичик шоналар. Эрта-индин уларнинг ҳам гулга айланиши тайин.

— Май ойининг бошларида бўлса керак. «Қишлоқ ҳақиқати» газетасида «Сув кам. Нима қилмоқ керак?» деган бош мақола чиқди. — Тўлан Дадажонов бояги — сув ҳақидаги гапини давом эттирди. — Мақола ҳақиқатан ўз вақтида чиқди. Ўшанда айтилган гапларга биз ҳам амал қилаяпмиз — бу йил сувни жуда тежаб-тергаб ишлатаяпмиз. Обиджон Орипов деган кекса сувчимиз бор. Тажрибали сувчи. У кишининг ёшлари ҳам элликка бориб қолди. Ана шу Обиджон ака Сотволди Дўсов, Турсунали Ашуров деган иккита шогирди билан ёз бўйи сувчилик қилиб келишаяпти. Бизда тунги суғориш ҳам бор, эгатларни оралатиб суғориш ҳам бор. Ишқилиб, бир томчи сувни ҳам зое кетказишмайди азаматлар. Мана шунинг натижаси, ғўзаларимизнинг аҳволини ўзларингиз кўриб турибсизлар...

Тўлан Дадажонов ҳамроҳлигида пахтазор оралаб юрибмиз. Ҳаво иссиқ, пахтазор ям-яшил денгизни эслатади. Бўлиқ ғўза туплари шарқ томондан — Ховос тарафдан эсаётган шамолда навбатма-навбат чайқалади. Ҳув нарида — ғўза тупларининг учида сап-сариқ зарғалдоқлар сайрайди, ниҳолларнинг шамолда чайқалишига ҳам парво қилмайди, «арғимчоқ» учганича сайрайверади. Пайкал устидан гала-гала дала чумчуқлари гуриллаб учиб ўтади. Шийпоннинг нариги ёнидаги бедапоядан бот-бот бедананинг битбилдиғи эшитилади. Бу атрофдаги ҳамма нарса деққоннинг меҳнаткаш қўлидан, саховатли дилидан юксак дидидан ҳикоя қилаётгандек туюлади кишига.

— Ғўза ниҳоллари ҳамма жойда текис унибди, — деди ҳамроҳларимиздан бири, худди шу Дўстлик районидаги хўжаликлардан бирининг директори. — Бирор жойда ҳам сийрак ниҳоллар учрамаяпти. Далангизга ҳавасим келаяпти. Ҳатто пайкалларнинг чеккалари ҳам...

— Жуда тўғри пайқабсиз, — дея жилмаяди қаҳрамон бригадир. — Чигит экиш маҳали тракторларнинг бурилиб қайтаверишидан пайкал чеккаларининг нами қочиб қолади. Чигит ерга тушса ҳам, ёмғир кам бўлса, униб чиқмайди. Шунинг учун пайкал чеккаларига қўлда эгат олиб чигит экамиз. Ўша чигитни сув билан ундириб оламиз. Чигит униб чиқмагунча ўзим ҳам тинмайман, аъзоларимни ҳам тиндирмайман. Чўлқувар деҳқон бўлгандан кейин шу номни оқлашимиз керак-да, ахир...

Гоҳ юриб, гоҳ тўхтаб суҳбатимизни давом эттирамиз...

— Эҳ-ҳе, қадимий чўлни чинакам экинзорга айлантириш учун озмунча меҳнат қилдикми, — дейди Тўлан Дадажонов. — Кечани кеча демай, кундузни кундуз демай ишладик. Мана энди қадимий чўл чиндаки экинзор ерларга айланди. Ҳатто айрим майдонларимиз ғўзадан «зерикиб», камроқ ҳосил беришга ҳам ўта бошлади. Шунинг учун алмашлаб экишни ҳам жорий этаяпмиз. Анови бедапоялар алмашлаб экишнинг шарофати билан пайдо бўлган.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўлан Дадажонов жуда тўғри таъкидлади. Чўлқуварларимиз қадимий саҳрони бундай чаманзор воҳага айлантириш учун озмунча меҳнат сарфлаганлари йўқ. Мана бугун улар Мирзачўлга ёпасига ҳужум бошлаганининг 30 йиллигини тантана қилар эканлар, азалий саҳронинг кўп асрлар давомидаги қадимий манзараси беихтиёр кўз олдимиздан ўтади.

...Мирзачўл... Қадимда, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган саҳро, деб ном олган замин... Миллион гектардан ортиқроқ майдонни эгаллаб ётган бу азалий чўл Сирдарё, Туркистон тизма тоғлари ва Қизилқум саҳроси оралиғида асрлар бўйи ҳансираб ётарди. Туркистон тизма тоғлари ёнбағридан йўлга чиққан киши сувсиз, гиёҳсиз, манзилсиз Мирзачўл орқали Сирдарёга етгунча 150 чақирим йўл юриши лозим эди. Бекобод атрофларидан Чордора пасттекислигига етгунча ҳам чексиз азобуқубат ҳамда ўлим хавфи билан деярли шунча йўл босиш керак бўларди.

Бир вақтлар атоқли географ олим Семёнов-Тяньшанский ўзининг «Туркистон ўлкаси» номли китобида шундай деб ёзган эди: «Мирзачўл ёз ойларида қуёш алангасида ёнаётган сарғиш-қўнғир текисликни эслатади... Май ойидаёқ гиёҳлар заъфарон тусга киради, ранглар хира тортади, қушлар учиб кетади, тошбақалар уяларига яширинади ва саҳро яна жонсиз, қуёшда жизғиналари чиқиб ётган кенгликка айланади. Уфқда эса чўғдек қизиган ҳаво ортида узоқлардаги қорли чўққилар аранг кўзга ташланади... Бу пайтларда туяларнинг у ер-бу ерда сочилиб ётган суяклари ва соявонгулли ўт-ўланларнинг шамолда судралаётган, суякка ўхшаган поялари кишининг руҳини эзадиган таассуротни тағин ҳам кучайтиради».

Бироқ бу саҳро фақат ташқи кўринишдагина жонсиз, нажотсиз эди. У ўз бағрида халқ фаровонлигининг бой имкониятларини тилсимдек яшириб ётарди. Эрта кўкламда ям-яшил бўлиб ўсадиган гиёҳлар, қип-қизил кўрпадек ястаниб ётадиган лолақизғалдоқлар бу заминнинг аслида ҳосилдорлигидан дарак берарди. Ёзда чўлнинг жонсиз ва қўрқинчли-ваҳимали саҳрога айланмаслиги учун бу ерга обиҳаёт келтириш лозим эди. Шу боисдан чўлга сув чиқариш учун қадим замонларда ҳам уринишлар бўлганлиги тарихдан маълум. Масалан, XVI аср охирларида Туятортар канали қазилиб, Зарафшондан сув чиқарилди ва аввалги суғориладиган майдонлар миқдори икки минг гектарга кўпайтирилди.

Ота-боболаримиз Мирзачўлни ўз измиларига солиш учун сўнгги юз йил давомида тинимсиз кураш олиб бордилар. Улар қишнинг изғирину бўронига, ёзнинг жазирама иссиғию гармсел шамолига, сувсизликка, саҳронинг шўрига қарши курашда ўзларининг иродаларини, ақл-заковатларини ишга солдилар. Аммо, чўл инсонларга осонликча бўйсуна қолмади. Ёз чилласида салкам эллик даражага етадиган иссиқ ҳароратга,

секундига қирқ метр тезликда эсадиган ҳамда сурункасига уч-тўрт кунлаб чанг-тўзон аралаш давом этадиган Ховос шамолидан ташқари безгак ва пашшахўрда касаллигига, чигиртка офатига ҳам қарши курашиш, хуллас, турли хил бало-қазоларга дош бериш лозим эди.

Улуғ Октябрь инқилоби юз берди. Халқлар доҳийси Владимир Ильич Ленин инқилобдан кейинги дастлабки ойлардаёқ қадимий Мирзачўлни ўзлаштириш ишларига зўр эътибор ва меҳр билан қаради. 1918 йил 17 майда Владимир Ильич «Туркистонда суғориш ишларига 50 миллион сўм ажратиш ва суғориш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги тарихий Декретга имзо чекди. Бу Декрет бутун Туркистон ўлкасидаги бепоён ер массивларини сув билан таъминлашни кўзда тутадиган тарихий программавий ҳужжат бўлиб қолди. Мазкур Декретга биноан: «...Мирзачўлда 500 минг десятина ерни суғориш ва Мирзачўлнинг рўпарасида Сирдарёнинг нариги қирғоғида жойлашган Далварзин чўлидаги 40 минг десятина ерни ичига олган ирригация системасини бош иншоотлар билан таъминлаш...» кўзда тутилган эди.

Бу қадимий чўлга улуғ Ленининг меҳр-эътибори тушиши бежиз эмас эди. Буюк доҳийнинг узоқни кўра биладиган нигоҳи бу заминнинг келажакда мўл-кўл пахта маконига, ноз-неъмат ва юқори ҳосил воҳасига, мард чўлқуварлару катта жасорат эгалари ошёнига айланишини олдиндан илғай олган эди. Чунки, мутахассис олимларнинг тадқиқотларига кўра, Мирзачўлда қуёш нури — иссиқликнинг мўл-кўллиги, ёзда ҳавонинг кам булутли бўлиши бу ернинг ўзига хос қулай иқлимини таъминлайди.

Чўлга оқар сувлар керак эди, каналлар қазиб, азалий саҳрога обиҳаёт оқизиш, экинлар экиш, яшилликни кўпайтириш — боғ-бўстонлар яратиш лозим эди. Улуғ Ленин имзолаган Декретга жавобан тузилган Туркистон Ирригация ишлари бошқармаси, кейинроқ Туркистон Сув хўжалиги идоралари Мирзачўлни сув билан таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар қилдилар: мавжуд каналлар кенгайтирилди, узайтирилди, янгидан каналлар очилди, Боёвут, Мирзачўл (ҳозирги Гулистон), Сирдарё, Пахтаорол зоналарида катта-катта майдонлар ўзлаштирилиб, йирик-йирик шаҳарчалар қад кўтарди.

Мирзачўл саҳросининг янада кенг миқёсда, ёппасига ўзлаштирилиши муаммоси ана шу тезкор асримизнинг эллигинчи йилларига келиб ўз ижрочиларини топди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети 1956 йил 6 август куни пахта етиштиришни кўпайтириш учун Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССРдаги қўриқ ерларни суғориш ва ўзлаштириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Ана шу масала юзасидан қабул қилинган қарор «пахта етиштиришни кўпайтириш учун жуда катта пахтачилик районини вужудга келтиришни ва шу билан бир вақтда Мирзачўлда ўзлаштирилган ерларда пахтанинг ҳосилдорлигини ошириш тадбирларини ўтказишни» кўзда тутган эди.

Тўлан Дадажонов сингари чўлқуварлар партиямизнинг иродаси ва халқимизнинг азму қарори билан бошланган ана шундай қутлуғ ишларда иштирок этиб, чўлқуварлик номини оқлаб меҳнат қилаётирлар.

ТЎЛАН ДАДАЖОНОВ билан суҳбатимиз шийпон ёнидаги ўрик остида — стол атрофида ҳам давом этади. У дастлабки чўлқувардан бири, ўз акаси Мамажон Дадажонов ҳақида, унинг ишчанлиги, жонкуярлиги ҳақида сўзлайди. Дастлаб — 1966 йил Мамажон Дадажонов ўзи ташаббус кўрсатиб, бир неча тенгқурлари билан чўлга отланади. Бир йилдан кейин укаси Тўлан ҳам ўзи туғилиб ўсган Адир қишлоғини тарк этиб, акасининг ёнига келади.

— Ўшанда йигирма етти ёшда эдим, — дейди Тўланбой. — Билагимизда куч, белимизда қувват ҳам бор экан-да. Ишлар ҳозиргидан кўра қийин эди. Шамол кучли бўларди, соялайдиган жойнинг тайини йўқ эди, ерлар янги эди. Ғўза суғорган пайтларимизда оёғимиз тойиб, ўпқонларга ҳам тушиб кетардик... Акамдан кўп нарса ўргандим. Бошқалар ҳам ўрганди.

Суҳбатимиз мавзуи пахта ҳосилдорлиги, ернинг аҳволига етиб келди.

— Бултур 115 гектар пахтамиз бор эди. Ҳар гектардан 35 ярим центнердан ҳосил топширдик. Планимиз 115 фоиз бажарилди. Бу йил гектарни сал ошердик — 120 гектар. Планимиз 30 ярим центнер. 40 центнердан бериш мажбуриятини олганмиз.

— Чўлда ҳосилдорлик яхши бўлган йиллари қанчадан пахта етиштириларди?

— Ҳар гектар ердан 48—50 центнердан пахта топширган пайтларимиз ҳам бўлган, — деб жавоб беради бригадир.

— Ҳосилдорлик бирданига шунча тушиб кетдими? — деб сўраймиз Дадажоновдан.

— Ҳосилдорлик бироз тушди, ерларимиз ҳадеб пахта экилавериб анча даққи бўлиб қолди, — дейди у. — Мана энди шу аҳволни тузатиш учун алмашлаб экишни жорий этяпмиз. Бизнинг майдонлар орасида 40 гектардан кўпроқ бедапоя бор. Ҳар йили 10—15 гектар ерни алмашлаб экиб турсак ҳам ёмон бўлмайди...

Тўлан Дадажонов ўйланиб қолади-да, сўнгра сўзини давом эттиради:

— Ҳосилдорликни бир пайтлар ўзимиз юқори чиқариб қўйган эдик. Аслида ҳар қанақа яхши ердан ҳам 40 центнердан ошириб ҳосил олиш қийин. Тўғрисини айтишимиз керак-да. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ҳам ҳамма нарсани тўғри айтишга ўргатаяптику. КПСС XXVII съездида ишнинг сифатига кўп аҳамият берилди. Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида иштирок этдим. Жуда яхши гаплар бўлди. Ўз ишимизни ўша гаплар асосида қайта қураяпмиз. Биз бу йил ишни звено системасига кўчирдик. Бригадамизда учта звено бор. Тракторчи-механизаторлардан уч киши — Эргашвой Алиев, Янгибой Самсаров ва менинг ўзим звено бошлиқлари ҳисобланамиз. Звено системасининг афзаллиги шундаки, ҳар бир звено ўз ерида юқори ҳосилдорлик учун курашади. Бу — саноат корхоналаридаги пудратга тўғри келади. Звенолар бир-бири билан мусобақадош бўлиб иш юритаверади.

Чўлнинг кечки шабадаси ғўза ва беда ҳидини, полиз ва райҳон ҳидини димоқларга уфуриб ўтди. Кундузги иссиқда ғўза пайкалларидан тракторларнинг элас-элас етиб келаётган овози энди баралла эшитила бошлади.

— Чўлда ҳали ҳам одамлар кам, — дея мулоҳазали, муҳокамали суҳбатини давом эттиради Тўлан Дадажонов. — Мана, бизда ҳам, 120 гектар ерда ҳаммаси бўлиб ўн икки киши ишлаймиз. Оз-да... Чўлга кадрлар керак, кадр бўлганда ҳам пахта илмини биладиган деҳқонлар керак... Мен ҳозир тракторчилардан уч йигитни шогирдларим сифатида тарбияляпман. Сафарали Жуманов, Рустам Акромов, Турсунали Ашуров. Келгусида уларнинг ҳар қайсиси камида битта бригадани эплаб кетаверади...

Чўл баҳодирининг сўзларини тинглар эканмиз, беихтиёр ўртоқ Михаил Сергеевич Горбачевнинг КПСС XXVII съездига қилган Сиёсий докладидаги ушбу сатрлар ёдга тушади: «Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигига фаол ишлашдан манфаатдор, юксак профессионал маҳоратга эга бўлган, новаторлик ғайрати жўш уриб турган кишилар ҳар қачонгидан ҳам зарурдир. Қишлоқ меҳнаткашларининг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш барча муваффақиятларимизнинг энг мустаҳкам гаровидир».

Оқилжон ҲУСАНОВ

Дўстлик райони

ҚЎШИҚ БЎЛИБ...

Қушлар куйлай бошлар, соласан қулоқ,
Жилмая бошлайди ҳорғин юзларинг.
Кел дея чорлайди боғдаги сўқмоқ,
Қўшиқ бўлиб жаранглайди сўзларинг.
Япроқлар тебранар оҳиста, майин,
Салом бериб шивирлайди чечаклар.
Сукунатмас, энди бу боғ қўйнида
Бошланиб кетади сирли эртаклар.

* * *

Не-не азобларга ташласанг ҳамки,
Чағир тошли йўлга бошласанг ҳамки,
Кўзимни гоҳида ёшласанг ҳамки,
Муҳаббат, бари бир борлигинг яхши.

Ўзимни сен билан бахтли сезаман,
Бойлигим ўзингсан, тахтли сезаман,
Ғамларни енгмоққа аҳдли сезаман,
Муҳаббат, қудратга ёрлигинг яхши.

Мен сени ардоқлаб суйиб ўтайин,
Қалбда қувончингни туйиб ўтайин,
Дардингдан майлига куйиб ўтайин,
Муҳаббат, барибир борлигинг яхши.

Венера ИБРОҲИМОВА

Жиззах



Марҳамат районидаги Комсомол 30 йиллиги совхозининг илғор сут соғувчиси Жамила Қозоқова.
(ЎзТАГ фотоси)

Дутор

ҲИКОЯ

Марва ЖАЛОЛИДДИНОВА

Ҳаммaнинг кўзи ток сўри тагидаги катта супада. Замира дуторини созлаб, аста черта бошлади.

— «Муножот» бўлсин, қизим! — луқма ташланди.

Замира бош ирғаб, «маъқул» ишорасини қилди-да, тонг шабадасидай майин, булоқ сувидай тиниқ, жарангдор овози билан «Муножот»ни куйлай бошлади. Ўтирганлар хаёлга ботишди.

— Қуйиб қўйгандай Мели-я!— деди мўйлабдор одам.

— Қош-кўзлари, жилмайишлари, ўтиришларигача отасининг ўзи, — қўшилди унинг фикрига ёнидагиси.

— Дутор отасидан мерос қолгани ростми, Назирахон?

— Ҳа, бу Мелибой акамларнинг дутори, — деди сочлари силлиқ таралиб, орқасига турмакланган нуроний аёл. — Яроқсиз бўлиб қолган эди, қайта тикладик... Бу жонли дутор ҳам, ширали овоз ҳам акамлардан жиянимга мерос қолгандай.

— Ашулани Мелибой айтсин эди-да, — деди кексалардан бири оғир хўрсиниб, — дуторниям сайратиб юборарди. Замирани кўрсам, отасини кўргандай бўламан.

Замиранинг бармоқлари тор устида югуради. Куй авжига чиқди. Жилваси, сайқали юракларни тамоман мафтун этди. Куй қалбнинг нозик торларини чертаётгандай аъзойи-баданни жимирлатар, қалб туйғусини мавжлантирар, унутилмас дамларни эсга солар эди.

Ҳозиргидай давра қуриб ўтирганда Назирахон битта одамга — сочлари оқ оралаган бўлса-да, рўй-рухсоридан чирой аримаган янгаси — Замиранинг онасига тик боққани юраги бетламайди. Умуман, янгасини ҳар кўрганида юраги орқасига тортиб кетади. Янгаси келин бўлиб тушганида Назира бўй етган қиз эди. Тўйда оёғи олти, қўли етти бўлиб, югуриб-елганлари, хушбичим, келишган, сулув янгасини кўриб севинганлари тасаввурида жонланади... Янгасининг ҳам, акасининг ҳам юз-кўзларидан бир олам қувонч ёғилар, бир-бирларини ўтқазгани жой топиша олмас эди. Афсуски, бахтиёрлик узоққа чўзилмади. Бирдан уруш бошланиб қолди. Ҳамма ёвга қарши отланди.

...Акаси урушга кетган кун бугунгидай кўз ўнгида Назиранинг. У дастлаб дутори билан хайрлашди. Юрак қўрини куйга тўкди. Оддий ёғоч нақ тилга киргандай эди. Акаси дутор чертар, ундан бир қадам ҳам ажралгиси келмаётган Назиранинг қалби дам жўшиб, дам сирли тўлқинланарди. Куйнинг қалбга жўр бўлиб, унга ҳамдам, ҳамнафас бўлиб кета олишига ўшанда амин бўлган Назира. Акаси чалаётган куй гўё: «Хайр, хайр, азизларим, яхши қолинглар!» деяётгандай бўларди. Янгасининг юзлари жоноқи қизил олмадек тиниқ, таранг пайти. У дутор чертиб ўтирган ёрига зимдан назар ташлар экан, кўзларида ғилт-ғилт ёш айланар, буни биров кўриб қолишидан чўчибми, негадир нигоҳини четга оларди. Юзлари, ловуллар, ҳаво етишмаётгандай нуқул энтикар эди.

Мели дуторини қўйиб, атрофдагиларга меҳр билан боқди. Жилмайди. Қаддини ростлаб, ҳамма билан бирма-бир хайрлаша бошлади.

— Хайр, ойижон! — деди у онасига узоқ термулиб. — Евнинг додини берамизу тезда қайтамиз. Яхши қолинглар.

Куни кеча урушга кетаётганида севгилиси Валижон ҳам Назирага худди шу гапларни айганди. Назиранинг йигитларга ҳаваси келди. Кўнглида ўзи ҳам тушуниб етолмаган ғалаён кўтарилди:

— Мен ҳам душманни қийратгани бораман, ойи! — деди у қатъий.

— Ниятинг холислигини биламан, қизим, — деди ойиси унинг елкасига қўлини қўйиб, — лекин... уруш қиз боланинг иши эмас...

— Ўрнимизни ким босади, синглим? — деди Мели. — Бу ерда ҳам иш кўп... Юмушларнинг оғирини сен қилишинг керак бўлади.

Назира маъюс тортди. Томоғига бир нима кўндаланг келгандай бўлди. Чуқур хўрсинди.

— Хотирингиз жам бўлсин, ака! — деди жиддий.

— Бу бўлак гап! — деди кўнгли таскин топган акаси синглисининг қўлига хазина тутқазгандай дуторини узатар экан. — Назира, дуторимни сенга топшираман.

— Эҳтиёт қиламан, ака! — ваъда берди Назира.

— Чалишни ўрган, сингил!.. — деди у Назирага.

Мели Назира билан хайрлашиб бўлиб, кичик синглиси Саврининг ёнига борди. Бурнига нуқиб: «Хайр, пучуқ!» деган эди Саври унинг бўйнига осилиб олиб: «Ака, кетманг»лаб бир йиғлаб берса бўладими. Мели унга нима дейишини, ўзини қандай тутишини билолмай довдираб қолди. Бир оздан кейин ўзига келиб:

— Йиғлама, фақат йиғлама!.. — деди уни даст кўтариб. — Кўзимга қара-чи!.. Ҳа, ана. Ўзинг яхши қизсан-ку!.. Йиғламасанг, ойимларга қулоқ солсанг, янгангнинг айтганини қилсанг, Назира опангга гап қайтармасанг, тезда қайтиб келаман. Тушундингми!

— Тушундим, — деди Саври юзидаги ёшларини енги билан артиб.

Акаси оила аъзолари билан хайрлашаётиб, ҳар бирига нималарнидир тайинлади. Аммо янгаси билан хайрлашганда чурқ этмади. Нозик-ниҳолгина бармоқларини кафтлари орасига олди холос... Негадир унга тик боқолмасди... Янгасининг қалин киприкларини биллур томчилар ювa бошлади.

Акаси кетди. Уй ҳувиллаб қолди... Ҳамманинг кўзи почта йўлида. Қулоқлар симёғочга осиғлиқ қора карнайда. Ҳафталар, ойлар, кунлар ўтди. «...Тезда қайтамиз!» деб кетганлар ҳамон кўринишмасди. Бу орада янгаси она, Назира амма бўлди. Чақалоқнинг исмини Замира деб қўйишди. Барча оналар каби янгаси Замирани ерга ҳам, осмонга ҳам ишонмай гард юқтирмай ўстира бошлади.

Ҳеч ким кўрмаганда янгасининг дуторни силаб, ардоқлаганлари... Акасидан келган хатга неча бор қайтадан кўз югуртирганлари, авайлаб юзларига суртганлари... Замирага ўқиб берганлари... Замиранинг қўл-оёқларини қоғозга чизиб, хатда адасига юборганлари...' барини сезарди Назира.

Орадан даҳшатли тўрт йил ўтди. Баҳор ниҳоятда серёмғир бўлди. Ҳаммаёқ лой. Пахса деворлар ивиган. Ҳамманинг уйидан ҳам чакка ўтади. Тоғора, пақир, жамики идиш чакка остида. Уйдагилар совуқдан, очликдан дийдирашади. Шамчироқни қўйгани қуруқ жой йўқ. Қимматчилик, қаҳатчилик...

Емғирли кунларнинг бири. Назира шу кунни бир умр хотирлайди. Ўша куни онаси бир бўлак нонни бешга бўлаётиб ташқарига кўз солди-да, дили хуфтон бўлиб:

— Осмоннинг таги тешилдими нима бало? — деб юборди. Нонга суқ билан термулиб турган оила аъзоларининг бари ташқарига кўз серпиди.

— Мана бу Сизга, болам! — узатди она нонни келинига.

— Олдин ўзингизга, ойи! — эътироз билдирди янгаси ҳар сафаргидай.

— Мени қўяверинглар, айланай! Сизлар есангиз мен тўқман, — деди онаси.

Янгаси онанинг улушини бир чеккага олиб қўйди.

— Кам бўлманг, болам. Бўлмасам, мана бу Сизга.

— Олдин кичкиналарга бераколайлик, ойи! — деди янгаси, Замиранинг уларга мўлтиллаб қараб турганига ишора қилиб...

— Емон ўргатманг, ўргилай келин!.. Кичкиналар кутишни, ҳурматни ўрганишсин... Кейинчалик ўзлари ҳам ҳурмат кўришади. Ҳаммага бор, фақат навбати билан.

Нон кимга тегса кўзлари бехосдан ўша томонга кетиб қолаётган жиянига раҳми келган Назира ҳеч ким кўрмаганида улушини унга тутди. Замира ўша заҳотиёқ нонни оғзига солди. Синглиси нонни еб ҳам бўлмаган эдики,



Н. Иброҳимов чизган расм.

Муҳиддин ЖАББОР

У СИЗГА ЎХШАРДИ

Афғонистон ватанпарвар партизан қизига бағишлайман

Душман қаршисида кулиб турар қиз —
Ўлимдан қўрқмайди, қўрқмайди зинҳор!
На қийноқ, на азоб чўктиролмас тиз —
У мард қиз, эл қизи, жангчи қасоскор.

Оқар чаккасидан томчи-томчи қон,
Танаси қоп-қора лойга беланган.
Тергов қийноғига бардош берган жон —
Қийналган ва яна ундек эланган...

Душман қизни қийнар ва берар сўроқ:
— Айт, бизга қарши курашганлар ким?
Саволи жавобсиз қолади ҳар чоқ,
Чунки қиз чурқ этмай турар эди жим...

Жасур қиз ўлимга юз тутди мағрур,
Айтмади жаллодга дўстлари отин.
Мурданинг юзига қуёш сочди нур,
У шон-ла безади мангу ҳаётин.

Ўн саккиз баҳорни кўрган эди у,
Қалбида бир умр баҳор кезарди.
Юрт деса, кўзидан қочарди уйқу,
Шунда у ўзини бардам сезарди.

Шундай орзу билан қиз кўнгли ҳар он,
Тўлқин — ҳаяжонга тўлиб тошарди.
Энди-чи, оташин қалбда тўхтаб қон —
У Ватан тупроғин қучиб ётарди.

Жаллодлар! У ўлди, нафаси сўнди,
Дея сен ўйлама, у мангу тирик.
Афғоннинг бошига бир калхат қўнди,
Десалар қабрида туражакдир тик!

Жасур ўлка — афғон боғлари аро —
Метиндек у қизнинг тобланган жисми...
Афғоннинг тунидек кўзлари қора,
Баҳодир шу қизнинг нимадир исми?

Билмасдим, ва лекин, афғон қизлари,
Қош-кўзи, лаблари, сочининг фарқи —
Эслатиб турарди худди сизларни.
Ҳеч қандай йўқ эди сизлардан фарқи!
У сизга ўхшарди...



А. БАГРАМЯН. Афғонистонлик жасур ватанпарвар, «Инқилоб ҳимоячиси» кўнгилли хотин-қизлар отряди командири Феруза портрети.

қўққисдан мўъжиза рўй берди. Деворга осиғлиқ турган дутор «жонланди». У садо чиқарди. Хонадагилар ҳанг-манг бўлиб, дуторга тикилишди.

— Капалагим учиб кетди-я! — деди чўчиб кетган онаси ёқасига туфлаб.

— Менинг ҳам юрагим «шиғ» этиб кетди, — деди янгаси дуторидан кўзини узмай.

— Ойи, қўрқманг, анави катта капалак дуторнинг ипига урилиб кетди, — деди Саври.

Емғир шивалаб, томчилар такиллаб, юракни ўртаб турганида дарвозага биров келди. Назира унга пешвоз чиқди. Келган почтачи эди. У оиланинг эски таниши. Ҳар сафар ҳол-аҳвол сўраб, пича гаплашиб турадиган одам бу гал нимагадир Назиранинг юзига қарай олмади. Кўлига бир парча қоғоз тутқаздию ўпкаси тўлиб, орқа-ўнгига қарамай, тез-тез юриб кетди... У шум хабар келтирган эди. Мели ҳалок бўлибди. Яқиндагина Валижондан қора хат келганида Назира уввос солиб йиглаган эди. Ҳозир йиғига ҳам ҳоли келмади. Даҳшатли қоғоз Назиранинг қўлини куйдириб, дилини чўққа айлантираётгандай бўлди... Онасининг ҳоли не кечади? Янгаси нима қилади? Замира туғилибдики: «Шу туришингни аданглар кўрсалармиди, қизалоғим!» деб эркалайди қизини.

Назира яширса ҳам шум хабар оилага зудлик билан тарқалди. Онаси йиғлайвериб, телба бўлиб қолаёзди. Сўлғин юзлари сарғайиб, ёноқлари ич-ичига ботиб кетган янгаси ун чиқармас, қотиб қолганга ўхшарди... Емғирга, чакка томчиларига жўр бўлаётгандай кўзларидан дув-дув ёш оқарди холос.

Назиранинг кўзи бехосдан деворга тушган эди, сесканиб кетди. Шаклини йўқотиб, бўкиб, қийшайиб, қаппайиб кетган дутор айрилиқ ғуссасига дош беролмаётганидан тебранаётгандай эди. Унинг вужудини даҳшат босди. Наҳотки, дуторнинг жони бўлса?.. Назира ғалати бўлиб кетди. Қулоқлари битди, кўзлари тинди. Акасининг: «Дуторни сенга топшираман, эҳтиёт қил!..» дегани қулоғининг тагида жаранглагандай бўлди. Акаси бечора ўшандаёқ кўнгли сезгандай гапирибди да... Унинг боши айланди, кўзлари юмилди; акасининг дутор чалаётгани кўз олдига келди. Мелининг бармоқлари тор устида гоҳ тез, гоҳ оҳиста тебранади... Изтиробли куй янграйди... Ҳаммаёқда жон олиб, жон бераётган йигитлар... оналар фарёди, қайлиқлар оҳию, фарзандлар нолиши, тинимсиз оқаётган кўз ёшлар...

Назира кўзини аранг очганида дутор яна тилга киргандай эди. Ипи узилиб, қозиғи ивиган дутор кулфатга чидай олмай қимирлаб, тушиб кетай деб турарди. Сувоғи кўчиб, ўпирилаётган деворлар айрилиққа чидай олмай наъра тортаётгандай эди. Боши говлаб кетди Назиранинг. Назарида ҳамма нарса алғов-далғов бўлиб, ларзага келгандай туюлди. Ўшанда у Саврининг жон ҳолатда:

— Вой, ойи, Назира опамларни кўринг! — деганини ғира-шира эслайди. У ёғига нима бўлганини хотирлай олмайди. Ҳушидан кетибди. Уни ҳам оламдан ўтдига чиқариб, тоза қўрқишибди...

Дуторнинг жони борлигини ўз кўзи билан кўрган, дили борлигига ўзи амин бўлган Назира куй тинглаб, шунча нарсани эслабди.

Замира берилиб куйлайди. Куйи қалбнинг нозик торларини чертаётгандай аъзойи-баданни жимирлатар, дилни туғёнга солиб жўштирар, қалб туйғусини мавжлантирар, вужудни зирқиратиб, унутилмас дамларни эсга солар эди. Тинглаётганларнинг баъзилари кўзларини юмиб олишган, куйга жўр бўлиб, саллона-саллона тебранишади. Жиққа ҳўл дастрўмоллар билан юз-кўзларини тинимсиз артишади.

Катта-кичик куй оғушида. Ҳамма Замирага тикилган. Назира опанинг мияси бирдан ойдинлашиб, чеҳраси ёришиб кетгандай бўлди. Атрофга ғурур билан боқди. Ахир бу... дутор навоси билан акаси хотирасининг абадийлашгани-ку! Жияни чалаётган ҳазин куй ота дийдорига зор-интизор ўсган етимлар ғуссаси, гулдай умрини бева ўтказган келинчаклар алами, ёши ўтиб ҳам муҳаббатига содиқ қолган, ўртанган юраклар армонидай тараларди...

-Тимсоҳ нега йиғлаайди?-



— деб сўради телевизорда «Ҳайвонот олами»ни томоша қилаётган Қўчқорвой бобосидан. Қаранг, дунёдаги жамики жониворларни гапиртирган масалчи шоир шуни билмас экан. Бобо эртасига неварасини ҳайвонот боғига олиб борди. Боғда ҳаёт қайнарди. Камалакдай ранг-баранг канарейкалар минг оҳангда сайрамоқда, тоғдор тўти жаҳлини чиқарган болаларга «нордон» жавоб қайтараяпти. Бобо рўмолчаси билан бурнини бекитиб, неварасига қорни қапишиб қолган жониворни кўрсатади: «буғу». Бадбўй ҳид анқиб тургани учун улар Пржевальский оти ёнида узоқ туролмай, нари кетишди. Ана, пештоқига «фил» деб ёзилган кўрада саҳро хўжайини — туя ўркачига қўниб олган қушларга парво қилмай, сақич чайнаб ётибди.

— Ия, — дейди кўзлари олайиб Қўчқорвой, — бунинг нимаси фил, ўзимизнинг оддий туя-ку!

Томошабинлардан бири: «Фил алоҳида хонада сақланади», дейди билағонлик қилиб. Унг томондаги тор қафасда ҳайвонлар подшоси арслон оёқ-қўлларини чўзиб, хаёл сураяпти. «Наъра тортганимда еру кўк ларзага келарди, мени кўришни ҳамма орзу қиларди. Бу боғда инсон билан мулоқотда бўламан, болалар мени кўриб севинади, деб ният қилардим. Уйлаганларим сароб бўлиб чиқди, қаровсизликдан шу аҳволга тушиб қолдим». Тумшуғини оёғига қўйиб, ҳаракатсиз ётган тулки алам билан тишини ғижирлатади: «Ҳайвонлар ичида энг айёри эдим, мени ўттиз икки ҳунари бор, дейишарди. Шунча

Ташвишли сигнал

айёрлигимга қарамай, товуқнинг катагидай тор қафасда пусиб ётибман. Мендай ҳийлакорни мана шу кўйга солган устамонларга қойилман-е». «Сен-ку ерда ўрмалаб, сичқон, каламуш билан тирикчилик қилар эдинг, — дея дилидан ўтказарди қўндоқда шумшайиб ўтирган бургут тулкига кўз қирини ташлаб. — Мен осмону фалакда чарх уриб юрадиган мағрур қуш эдим, мана, ҳозир қанотимни ёзсам қафасга тегади, бирор кимса ҳолинг нима кечди, деб хабар олмайди, ҳай, аттанг!». Айиқ полвоннинг ҳолига маймунлар йиғлайди. Филдай чўнг ҳимолай айиғи ўрадай қафасда эркин ҳаракат қилолмайди. Бояқиш маймоқ полвон шунинг учун ҳам надомат билан бош чайқар экан-да! Дарвоқе, ўзининг шўх ўйинлари билан болаларни хурсанд қиладиган севимли оқ айиқ қани? Нега унинг қафасида сичқонлар сайр қилиб юрибди? Ҳовузга шўнғиб бир-бири билан кураш тушадиган шўх айиқчалар қаёқда? Узоқдан телеминорадек кўзга ташланадиган жирафа нега кўринмайди? Томошабинларни ҳайратга соладиган аждар-илон қанот боғлаб учиб кетганми? Доим кўз ёши қилиб ётадиган тимсоҳдан нега дарак йўқ? Аввалги фил ўлган эмиш, деган миш-мишлар юрибди. Ўша паҳлавон қаерга кетди, ахир, фил сичқон эмаски бирор тешикка уриб кетса!

Ҳайвонот боғи директори Б. Д. Шульц бу ўринли саволларга бепарво жавоб қилади:

— Аждар-илонни бошқа ёққа жўнатдик, оқ айиқни мен кўрган эмасман. Тимсоҳ эса сил касали бўлиб ўлди.

Масалчи шоир боғдаги ҳайвонларни кўз олдига келтириб: «Бундай шароитда ҳар қандай жонивор ҳам ўлиши мумкин», деб қўйди. Ҳа, бу ердаги ҳайвонларнинг аҳволи ачинарли. Ҳозиргача қушлар ҳамда туёқли ҳайвонлар яшайдиган бўлим ремонт қилинган, холос. Кўп қафас ва қўралар бузиб ташланган, баъзилари бўмбўш, ҳувиллаб ётибди. Боғнинг Солор аригига туташ жойи зилзилада вайрон бўлган ҳовлини эслатади. Қуриб қолган дарахтлар ағанаб ётибди, ғишт парчалари, қум, цемент уюмлари, темир-терсак томошабинларнинг кайфиятини бузади.

Маълумки, Ўзбекистонда ёз ниҳоятда иссиқ келади. Қуёш олов пуркаб турган жазирама пайтларда қафасдаги жониворларнинг турар жойи тез-тез ювиб турилмаса, ҳидланиб кетиши мумкин. Афсуски, бу ерда шланка тутган, курак ушлаган бирор кимсани учратмайсиз. Асфальт хумдондек қизиб кетган, қафасларда пашшалар гужғон ўйнайди. Тепаси қуёш нуридан тўсилмаган қўралардаги жониворларнинг чивинларни ҳайдашга мажоли келмайди. Тор, ноқулай қафасга қамаб қўйилган ҳайвонлар эркин ҳаракат қилишдан маҳрум, улар ҳамма нарсага лоқайд, думидан тортсангиз ҳам парво қилмайди.

Ҳайвонот боғидан мақсад нима ўзи? Ҳайвонот боғи йўқолиб кетиш хавфи остида турган ноёб ҳайвонларни асраб қоладиган, сайёрамиздаги ранг-баранг ҳайвонот олами ҳақида бизга тасаввур берадиган, табиат муҳофазаси ғояларини тарғиб қиладиган маскандир. Шаҳар шовқин-суронидан чарчаган кишилар бу ерда мириқиб дам оладилар, ҳордиқ чиқазадилар. Афсуски, Тошкентдай аҳолиси кўп бўлган шаҳардаги ягона ҳайвонот боғи ўз зиммасидаги вазифани уддалай олмаяпти. Боғнинг ташкил қилинганига бу йил 62 йил тўлди. Унинг бор-йўқ майдони атиги 3,8 гектар ерни ташкил қилади. (Москвада янги ҳайвонот боғи учун 200 гектар ер ажратилган!) Майдон торлиги, биноларнинг эскириб, нурайдиган ҳолатга келиши, керакли маблағ билан таъминланмаганлиги ҳамда шаҳар маъмуриятининг бефарқ қараши натижасида кўҳна ҳайвонот боғи ана шундай аҳволга тушиб қолган. Дўппидай тор боғ майдонининг бир қисмини яқин-яқингача Ўрта Осиё ирригация илмий текшириш институтининг филиали эгаллаб ётди. Хайрият, у инсофга келиб, яқинда кўчиб кетди. Боғдаги ҳайвонларга ҳар йили 106 тонна пичан тайёрланади. Усти ёпиқ бостирма бўлмагани учун уларнинг ризқ-рўзи ёғин-сочинда қолиб, нес-нобуд бўлаётир. Ҳайвонот боғи маъмурияти ремонт ишларини ўз кучи ва ўз маблағи билан олиб бораётгани учун суръат тошбақа тезлигидан ошмаётир. Боққа узоқ-ёвуқдан болалари билан маданий ҳордиқ чиқариш учун келган кишилар бу ерда шароит йўқлигидан ранжиб кетаётирлар. Минглаб томошабинлар келадиган бу сайлгоҳда ўттиз-қирқ кишига мўлжалланган сосискахона, мороженое сотадиган павильон, тирхона ҳамда болалар аттракционидан бошқа ҳеч вақо йўқ. Квас, морс, қатиқ сингари сувсин босадиган ичимликларни чироқ ёқиб тополмайсиз. Ўтириб дам оладиган усти ёпиқ скамейкалар умуман йўқ. Боққа келувчи қари-қартанглар учун ихчамгина чойхона очиш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайди.

Биз юқорида ҳайвонот боғи майдонининг ниҳоятда торлигини таъкидлаб ўтган эдик. Бу йил шаҳар ижроия комитети кўп минг



Б о л а: — Аттанг, билганимда бир челак сув олиб келарканман-а...



— Ажабо, бу туяқушми, ёмғирда қолган товуқми?

сонли меҳнаткашларнинг илтимосини инобатга олиб, шаҳардаги энг катта, хушҳаво, сершув, сердарахт боғлардан бирини ҳайвонот боғига қўшиб юбориш ҳақида қарор қабул қилди. Аммо Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг бу ҳақда қарори чиқмагани учун ишлар ҳамон жойидан қўзғолмай турибди.

Ҳайвонот боғида 204 хизматчи ишлаши керак бўлса-да, атиги 122 киши меҳнат қилади. Уларнинг аксариятини ёши ўтиб қолган кампирлар ташкил қилади. «Маоши 90 сўм бўлгани учун ёшлар келмаяпти», дейди ҳайвонот боғининг директори Борис Давидович Шульц. И. В. Музаченко унга муовинлик қилади. Партия ташкилотининг секретари С. Е. Парамонов, касаба союзига Р. Г. Фатхутдинов раислик қилади. Директорнинг ишга тайинланганига бир йил бўлди. Ветеринария доктори, профессор. Илгариги директор «молиявий тартибни бузгани учун» партия сафидан ўчирилиб, ишдан олинган эди.

— Мушкул аҳволдан чиқиш учун нималар қилиш керак? — деб сўрайди масалчи шоир. Директор бармоқларини юмиб, санайди:

— Ўзингиз биласиз, маданият министрлиги ўз қарамоғида бўлган театрлар, музейлар, истироҳат боғлари, музика мактаблари ҳамда кутубхоналарга ажратилган пулдан бир тийин ҳам ортиқча акча беролмайди. Ҳайвонот боғини гуллатиш учун бу эзгу ишга кенг жамоатчиликни жалб этиш керак. Маълумки, ҳашар йўли билан шаҳарлар, стадионлар қурилган, каналлар, ариқлар қазилган, боғлар, гулзорлар барпо этилган. Бундай савоб ишларга бағри кенг, танти халқимиз ҳамиша камарбаста бўлиб келган. Завод маъмурияти ҳайвонот боғи ремонти учун қурилиш материаллари ажратсин, ўрмон хўжалиги дарахт ўтказсин, боғбонлар гул эксин. Ўз жамғарма пулига мактаб, боғча, шифохона қурдираётган олижаноб кишилар камми бизда!

Маъқул, директорнинг ҳашар ҳақидаги фикрига биз ҳам қўшиламиз. Аммо бу нарса боғ маъмуриятини ўз бўйнидаги масъулиятдан соқит қилмайди, албатта. Ҳайвонот боғи аҳволини яхшилаш учун ички имкониятлардан фойдаланиш, «Олма пиш, оғзимга туш» деб, кутиб ўтирмасдан, енг шимариб, астойдил меҳнат қилиш керак.

Биз юқорида ҳайвонот боғи — табиатнинг бир бўлаги, деган эдик. Ана шу табиатни муҳофаза қилиш, унинг ранг-баранг оламини кўз қорачиғидек асраб, келгуси авлодга етказиш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Эслатма: журналимизнинг олдинги сонларида ҳайвонот боғининг аҳволи, уни яхшилаш тадбирлари ҳақида танқидий мақола босилган эди. Афсуски, редакциямизга ҳайвонот боғи маъмурияти томонидан кўрилган чора ҳақида ижобий жавоб келмади.

А. ИСОМИДДИНОВ,
«Гулистон» журналининг махсус мухбири

БОҒЛАР ЗАВОЛ ТОПМАСИН

Ўтган йилнинг ёз кунларидан бирида бозор ораладик.

— Узум неча пул?

— Икки ярим сўм!

— Шафтоли-чи?

— Келаверинг, мулла ака, сув текин — икки сўмдан!

— Олма?

— Бир ярим...

Нақ пишиқчиликда, бободеҳқонлар юртида, тағин шаҳар эмас, қишлоқдаги бозорда бўлаётган савдо бу!

Ҳамроҳларим нималарни ўйлагани гумон, аммо ўшанда мен бир пайтлар ўзининг адоқсиз боғлари, миришкор боғбонлари билан бутун Фарғона водийсига донг таратган қишлоғимизни ўйладим.

Санг қишлоқлик табаррук деҳқон Нишон ота Маткаримовнинг сўзлари қулоғим остида эшитилгандай бўлди.

— Бир пайтлар тушунмовчилик бўлганми ё бошқа сабабданми, ортиқча боғлар бузилиб, ўрнига бошқа экинлар экилсин, деган топшириқлар бўлгани рост, — деганди отахон, — ўшанда, мен сизга айтсам, бўтам, қишлоғимиз раҳбарлари бу топшириқни жуда қотириб «ўринлатиш»ди. Не-не боғлар бузилиб кетди. Мана энди... Боғсиз қишлоқ қишлоқми?

Дунёда ҳеч бир нарса беоқибат қолган эмас, ҳеч бир иш изсиз йўқолган ҳам эмас. Бугун боғ, боғбон, мева, мевачилик муаммолари кун тартибига чиқаётганлиги ҳам, бу муҳим масала кўпчиликни ўйлантираётганлиги, ташвишга солаётганлиги ҳам шундан.

Сиз Нишон отанинг сўзларига эътибор бердингизми? «Ортиқча экин-тикинлар бузилиб, ўрнига пахта экилсин» дейилган, «Боғлар бузилсин» дейилмаган. Юртдан кўра кўпроқ ўзини ўйлайдиган, ўз манфаати, шону шуҳрати йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган баъзи кимсалар ўша буйруқдан фойдаланиб қолишган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми бундай шуҳратпарастларни аёвсиз танқид қилганлиги ҳам бежиз эмас. Ҳали ҳам орамизда бундай «синаб-синалмаган» раҳбарлар учраб турибди.

...«Ленинград» колхозига Пўлатжон Жумаев деган ёш, басавлат йигит раис бўлиб келди. Одамлар ундан кўп нарса кутишган эди. Пўлатжон нима қилди? Ишни дарахт кесишдан, боғ бузишдан бошлади. Айниқса, колхознинг тепа қисмидаги ўн сотихча келадиган Мираҳматжон бува деган кишига қарашли мўъжазагина боғни бузишга буйруқ берганда, ҳеч ким тоқат қилиб туролмади. Чунки уруш — очарчилик йиллари қанчаданқанча оч-яланғоч одамни шу боғ боққан эди. Ўзининг сархил мевалари билан фронтда жон олиб, жон бераётган солдатларни шу боғ суюнтирган, сийлаган эди. Яна бу ўрикзорни Мираҳматжон бувanинг отаси ҳали канал ўтмаган йилларда дарёдан мешда сув ташиб, минг бир машаққат билан парвариш қилганлигини сўзлаб юришарди...

Аммо янги раис ана шу боғни бузишга буйруқ берди.

Охири Жумаевнинг ҳузурига Мираҳматжон бувanинг ўзи борди:

— Раис болам, мени бу ерга боғнинг даромади етаклаб келгани йўқ, агар сиз шундай ўйласангиз, ҳозироқ у боғдан чиқиб кетишим мумкин. Фақат: «Шундай боғ яксон бўлмасин, дейман. Майли мен чиқиб кетай, шу боғнинг ўртасига чиройли бир бино қуринглар, колхозчилар ёзнинг иссиқ кунларида салқинлаб, мевасидан тотиб экканга, раҳмат, деса, шунинг ўзи менга кифоя. Боғ бузилмаса бўлди! — илтижо қилди у яна.

Темир экан раиснинг юраги.

— Насиҳатингизни бошқа жойда қилинг, — дея ўдағайлаб берди у, — бузамиз дедимми, бузамиз!

Боғ бузилди. Мираҳматжон бувanинг қадди букилди. Раис кўпчиликнинг назаридан қолди. Бошқа қинғир-қилвир ишлари ҳам очилиб кетди-ю ишдан олинди. Сангда ундан эсдалик бўлиб, «боғбузар раис» деган «ўчмас» ном қолди. Яхшидан боғ қолади, ёмондан доғ, деганлари шу бўлади!

Қари билганни пари билмас. Яна кўпни кўрган кексалар гурунгига қулоқ тутайлик. Ўша колхознинг собиқ раиси, меҳнат ветерани Анорбой ота Маҳкамов ҳикоя қилади:

— Урушдан бурунги йиллар, оқ шийпоннинг ёнидаги пайкалда шундоққина йўл ёқасидаги теримчилар ишини кузатиб турардим. Шу пайт йўлдан қуюқ чанг кўтарилиб, бир енгил машина мен томон келаверди. Юрагим шув этди: «Оббо», дедим. Уватларда, йўл бўйида ундабунда пахталар тўкилиб ётарди.

Машина келиб тўхтади. Ундан райком секретари Мамажон Раҳимов билан дуркун гавдали, коломинка костюм-шим кийган киши тушди. Танидим. Бу — Усмон Юсупов эди. Илдам бориб сўрашдим. Мамажон Раҳимов Марказком секретарига мени таништирган бўлди. Пахталар тўкилиб ётибди, ҳозир гапнинг тагида қоламан-да, деб турибман. Усмон ака кутилмаганда:

— Неча гектар боғингиз бор, раис? — деб сўраб қолди.

— Ўн беш гектар.

— Бу озлик қилади. Боғларни кўпайтиринг, биродар, яна ўн беш гектар қўшинг.

Усмон ака бироз ишимиз билан танишгач, жўнаб кетди. Шошганимдан: «Хўп, хайр!» дейишга ҳам улгуролмай қолдим. Орадан кўп ўтмай Яккатолда ҳашар йўли билан боғ барпо қилдик. Жуда ажойиб боғ бўлганди. Афсус, кейинчалик бузиб юборишди...

Бир туп дарахтни вояга етказиш учун бутун бир йигит умри керак, дейди халқимиз. Яна кўчат экиб боғ қилмаган — боғнинг қадрини билмас, деган гаплар ҳам бор.

Анорбой оталар барпо этган боғ ҳам худди ўша умрида бир туп дарахт экмаган, кўчат етиштириш нима, унинг машаққати нималигини билмаган, боғбон меҳнатини назарига илмаган нодону нотавон кимсалар томонидан яксон қилинди.

Биз боғбон халқмиз. Бирни кессанг, ўнни эк, дейилади халқ мақолида. «Зарурат» юзасидан не-не боғларни бузиб, қуритиб юборган, «тадбиркор» раҳбарлар ўша пайтда жойини топиб, ҳар кесган дарахтлари ҳисобига кўп эмас, бир ёки икки тупдан кўчат ўтқазиб қўйишганда ҳам ҳозир шовуллаган, навқирон боғлар барпо бўларди.

Ўтган йили Куйганёрда бўлдик. Бу ердан осмонга ўрлаб ётган Андижон адирлари шундоққина кўриниб туради. Аввалларида бу адирлар қўнғир тусда, қовжираб ётарди. Энди ям-яшил. Андижонликлар ўша адирлар тепасига насос орқали сув чиқариб, ажойиб боғлар барпо қилишибди. Ҳа, афсонага ўхшайди, аммо ҳақиқат! Нақ осмонда олмазорлар, бодомзору ёнғоқзорлар, узумзорлар барпо бўлибди. «Известия» ва Тешабой Мирзаев номли боғдорчиликка ихтисослашган совхозлар ташкил этилибди.

Балки Сангда боғ яратишга ҳеч бир имкон йўқдир? Кўнгилнинг бир четидан ўтган бу саволга жавоб топай дедиму ҳудди шу ерда қаламни қўйиб, қишлоқ айландим... Ва баралла айтиш мумкинки, боғбон ерлар бисёр экан. Сирдарё бўйидаги жарликлар ўзлаштирилибди-ю, аммо бу ерлар айрим кимсаларнинг поязорига, экинзорига айланибди. Тўғри, поязор ўртасида унда-бунда тут кўчатлари ўтқазиб қўйишибди. Аслида бу тутлар текин даромад, ортиқча даромад шайдолари учун бир ниқоб. Поязорлар эгаларини суриштирдим. Шуниси қизиққи, уларнинг аксарияти мутлақо колхозга дахли йўқ кимсалар бўлиб чиқишди.

Агар «Ленинград» колхози ва М. Тошматов номли қишлоқ Совети раҳбарлари, депутатлар, кенг жамоатчилик бу масалага кўнгил кўзи билан қараб, эрта баҳорда бир озгина ташаббус кўрсатиб юборишса эди, бу ерларда ажойиб боғлар барпо бўларди. Ана шунда бу ерлар айрим кимсаларга эмас, бутун бир юртга хизмат қиларди.

Чуст — Поп магистрал йўли ёқасидаги ерлар-чи? Чустликлар бу ерда, йўлнинг икки ёқа-

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ — СОҒЛИҚ ГАРОВИ

КПССнинг янги таҳрирдаги Программасида: «Совет кишиларининг соғлиғини мустаҳкамлаш, уларнинг актив умрини узайтириш жуда муҳим ишдир», дейилган. Меҳнаткашларнинг соғлиғи ва сиҳат-саломатлигини тиклаш учун партия ва ҳукуматимиз катта ишларни амалга ошираётирлар. Бу ишда айниқса жисмоний тарбия ва спортга катта эътибор берилаётир. Бизнинг мамлакатимизда кишининг ёши, касби ва жинсидан қатъий назар жисмоний тарбия билан шуғулланиш ва оммавий мусобақаларда қатнашиш учун барча имкониятлар мавжуд. Мамлакатимиздаги 650 минг спорт ишоотида бир вақтнинг ўзида 30 миллион киши шуғулланиши мумкин. Ким жисмоний тарбия воситасида чиниқишни истаса, сув ҳавзалари, стадионлар ва спорт заллари улар учун доимо очиқ. Ҳозирги пайтда соғломлаштириш секцияларида, жисмоний тарбия ва спорт комплексларида 90 миллион киши ўзи истаган спорт тури билан шуғулланади. Айниқса бу ҳаракатда, мактаб ўқувчилари, студентлар, билим юртлари талабалари энг активдирлар. Ишчи ва хизматчиларнинг бу оммавий ҳаракатга кенг жалб этилиши натижасида ҳозирги кунда, 600 мингга яқин меҳнат коллективи «Бутун бригада билан — стадионга!» шиори остида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланмоқда.

Жуда кўп ташкилотлар ўзларининг соғломлаштириш базаларига эга. Меҳнаткашлар бу ерда соғлиқларини тиклашлари, ишдан сўнг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари мумкин. Бундай амалий иш ва тажрибалар жисмоний тарбия ва спортнинг ишлаб чиқаришга таъсири ниҳоятда катта эканлигини кўрсатди. Жисмоний тарбия билан шуғулланган ишчиларнинг турли касалликларга чалиниши кескин камайди, ҳушёрлиги ошди, тетик руҳ билан ишлашлари ишлаб чиқариш планига ижобий таъсир кўрсатди.

Бизнинг мамлакатимиз жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини тайёрлаш бўйича дунёда энг юқори ўринда туради. Мамлакатимизнинг 227 та олий ва ўрта ўқув даргоҳларида жисмоний тарбия ва спорт кадрлари тайёрланади. Жисмоний тарбия ва спортнинг аҳволини, даражасини СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг кўплаб институтлари, СССР Медицина фанлари Академияси ва иттифоқдош республикаларнинг Фанлар академиялари илмий таҳлил қиладилар.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида ҳам жисмоний тарбия ва спортнинг узоқ даврга мўлжалланган программаси аниқ кўрсатиб берилди. Ўн иккинчи беш йилликда ҳам жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлашувига катта эътибор берилади. Жисмоний тарбия ва спорт ишлари кенгайтирилади ҳамда уни истиқомат жойларида, ишлаш ва ўқиш даргоҳларида ташкил этиш яхшиланади. Спорт ташкилотларининг моддий базаси ҳам мустаҳкамланади.

ТАЪЗИМ

Олимжон ХОЛДОР

Шеърий қисса

Саид Мансурович Иноқов 1944 йилнинг 23 февралида Шауляй шаҳрини озод этишда қаттиқ жароҳатланди. Эндигина йигирма баҳорни кўрган ва ўнг қўлидан ажралган бу йигит ҳарбий госпиталда нималарни ўйламади...

Запасдаги полковник
Л. О. Микульский
эсдаликларидан

I

Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда бомба портлар,
Аммо туриб дер командир: — Олға, мардлар!
Мардлар шундай ташланадир ва ўт очар,
Олишувлар бошланадир, душман қочар.
Енар ўрмон, ёнар дарё, ёнар қирғоқ,
Енар шаҳар, ёнар қишлоқ, ёнар ҳар ёқ.
Ватан меҳри ғалабага доим ундар,
Юрт тупроғи тўтиёдир, тоши — гавҳар.
Оналарнинг орзулари ушалсин, деб,
Келинларнинг йўлига гул тўшалсин деб,
Етимликни билмасин деб, болажонлар,
Азаматлар жанггоҳларда тўкар қонлар.
Ешлик боғин чечаклари сўлмасин деб,
Диёр ва ёр ҳаргиз тутқун бўлмасин деб,
Жангга кирди жасур мардлар, кўкси қалқон.
Ҳа, уларнинг ҳар биттаси битта достон.

II

Ўтмиш бўлган у кунларни тилга олдим,
Бир жангчининг қисматини шеърга солдим:
Бизнинг йигит тамом беҳуш, ётар беун,
Госпиталга қачон келган, билмас қай кун?!
Бомбалардан «воронка»лар бўлмиш пайдо,
Шуни эслар жангчи йигит, воҳ, ажабо!..
Кечалари алаҳсираб, додлар фақат,
Кўзи тиниб, йиқилганин ёдлар фақат.
Ҳарорати қирқдан ортиқ вужуди чўғ,
У ўзига келгач кўрди: ўнг қўли йўқ...

III

— Энди кимга керагим бор, айтинг, маним,
Қасос тўла кўксим олов, ёнар таним.
Нима бўлур орзуларим, муҳаббатим?!

сидаги тошлоқда бепоён узумзорлар яратишибди. Шунинг ўзи ҳам Поп райони ва «Ленинград» колхози раҳбарлари учун сабоқ эмасми?

Ана шу фикрларимни, ташвишларимни қишлоғимизнинг табаррук кексаларига айтдим.

— Бе... — дейишди улар, — Сен боғ яратишни айтасан-а, бўтам, шу «Ленинград» колхозида ўн, ўн беш боғдан «уруғликка» қолган иккитагина боғимиз бор. Шулар қаровсиз ётибди-ю янги боққа йўл бўлсин!

Боғлар қаровсиз! Бу боғлар колхоз, район раҳбарларининг эсига юқоридан мева тайёрлаш планини талаб қилишгандагина тушади. Ана шунда мактаб ўқувчилари ёрдамга келишади. Бор мева узиб олиниб, етмаганини аҳолидан сотиб олинади-да, план амал-тақал қилиб бажарилади. План юз, ёруғ юз. Тамом-вассалом!

Боғлар қаровсиз! Уриклар бандидан узилиб тушган, олмалар қуртлаган, анорни совуқ урган... Назаримизда, бугунги қишлоқ аҳлининг шахсий томорқасига, боғига ҳам мутахассис ёрдами, мутахассис назари керак. Боғбон фан-техника ютуқларига, дўстона кўмакка эҳтиёж сезиб турибди. Боғбонда бўлса, халқда бўлади. Бу ҳақда область, район агросаноат бирлашмаларидаги мутасадди ўртоқлар ўйлаб кўришса чакки бўлмасди...

Сўзимиз аввалида айтганимиздек, бозорда меванинг нархи баланд. Ваҳоланки, марказдан, шаҳардан олис-яқин қишлоқларимизда, хўжаликларнинг боғларида, томорқаларида шафтолилар пишиб, тагига тушиб ётибди. Онахонларимиз эса уларни нима қилишларини билмай қоқи қилиб қўйишаяпти. Баъзилар эса мол-ҳолига озуқа қилиб бераяпти.

Бозорга олиб боришга вақти йўқ, вақт топса, транспорт йўқ, имкон йўқ...

Нима қилмоқ керак?

Бу саволга тайёрлов ташкилотлари жавоб берганлари маъқул. Нима учун мумкин эмас: эрта саҳарда битта юк машинасида ҳар бир хонадон дарвозаси ёнига тўрт-бешта қути қўйиб кетилса, бироздан сўнг олма, ўрик, шафтодига тўла қутиларни хонадон эгалари билан ҳисоб-китобни тўғрилагандан сўнг, тўғри: «Она ер саховати» деб номланувчи дўконларга эндигина узилган ҳолатида олиб борилса... Бўлмайдими? Бўлади. Бунинг учун столдан туриш, озгина ҳаракат қилиш керак.

Боғи борнинг бахти бор, дейишади. Боғбон халқ — бахтиёр халқ. Боғларимиз — бойлигимиз. Шундай экан, боғларни кўпайтиришимиз, мавжуд боғларнинг қаровини, парваришини ўрнига қўйишимиз керак. Ана шундагина юртимизнинг номи янада довруқли, дастурхонимиз баракали бўлади.

Ортиқали НОМОЗОВ

Наманган

Севгилимнинг олдида мен ким бўлдим, ким?!
Қандай қилиб қайтиб боргум она юртга.
Ўлим келса бўлмасмиди мендай мардга.
Энди қандоқ қурол тутиб олишаман,
Фашист билан қай қўл ила солишаман, —
Деб ўкиниб, ғазабланиб ёнар эди,
Жангчи ўзин шу тоб ношуд санар эди.
Ором бермас мажруҳ тунлар, кунлар ўтди,
Ва, ниҳоят, маъшум дамлар келиб етди.
Номусини устун қўйиб ҳар нарсадан,
У ўзини отмоқ бўлар деразадан.
Шу кунларга қолишимни билмадим деб,
Ҳали юртга муносиб иш қилмадим деб,
Жангчи ўзин ўлдирмоққа чоғлар доим,
Ўз ёғида ўз-ўзини доғлар доим...
— Яшамоқни қизиғи йўқ менинг учун,
Кимга керак мендай одам, айтинг, бу кун?!
Доктор чол дер: — Номард бўлма, жангчи йигит,
Атрофингга бир қара-да, сўзим эшит:
Икки кўзу икки оёқ, икки қўлдан —
Айрилган ҳам сен танлаган ўша йўлдан —
Кетмоқликни ор деб билар, ор деб билар,
Иродасиз одамлардан ҳамма кулар.
Шу бўлдими ёзган хатлар аҳду паймон...
Тўйингда ҳам ўйнайжакмиз ҳали, ўғлон.
Билгил, қанча ёрқин дамлар сени кутар,
Бундай бўлмас мард йигитлар, бошинг кўтар!

IV

Сувлар оқиб, ортда қолди ўша дамлар,
Тингланг қиссам давомини, эй, одамлар:
Ҳар тонг ишга кетарканман қайнар ҳаёт,
Андижоним кундан кунга ёзар қанот.
Шаҳримнинг ҳар кўчасига шеър битаман,
Собиқ жангчи қўлларига гул тутаман...
Қадам ташлар йигитлардек жангчи дадил,
Тинчлик учун дебочадир ўтган қирқ йил.
Ўша одам бормас ҳар хил йиғинларга,
Истамайдир қайтмоқликни у кунларга.
Ҳам ёқтирмас кўтар-кўтар, мақташларни,
Ўтган йўлга ҳар қадамда тўхташларни.
Орзу қилар доим тинчлик замон бўлсин,
Шу ер, шу эл — она Ватан омон бўлсин!

V

Биллур оқшом. Ҳамма бунда яқин-йироқ.
Бобосининг кучоғида қизча шу чоқ —
Упиб унинг юз-кўзидан ва сийпалаб,
Кўкрагига бошин қўйиб дер эркалаб:
— Бобожоним, ўнг қўлингиз қайда қолди?
Жавоб излаб жангчи бобо ўйга толди.
— Буни, қизим, сўрамагил асло мендан,
Ҳеч нарсани яширмасман, қизим, сендан.
Ҳали ёшсан, катта бўлгач билгин, болам.
Мен кўрганни бу дунёда ҳеч бир одам
Кўришини истамайман, ширин қизим, —
Деди бобо, сўнгра бирдан жим қолди, жим...
Ўша уруш қўлларнимас, дилларни ҳам
Мажруҳ этган, буни билар ҳар бир одам.
Вайроналар битди, аммо битган эмас —
Юракларнинг жароҳати, сўрмагил, бас!..
У сўзламас жанггоҳларнинг суронидан,
Ўк жаласи бомбаларнинг бўронидан.
Тарих бўлиб қолаётир ўтган дамлар,
Бу кунларни авайлангиз, эй, одамлар!..
Мен бир жангчи дафтарини варақладим,
Уруш солган ғурбатларни билмайди ким?!

VI

Ҳар тонг собиқ жангчи билан дуч келаман,
Унинг шону шуҳратини мен биламан.
Орденлари кўкрагини безаб турар,
Бизлар билан у бир сафда ишлаб юрар.
Давримиздек у одамлар жуда азиз,
Дўстим, кўрсанг сен бесалом ўтма ҳаргиз...
Қирқинчи бор Май шамоли эсар майин,
Улар жуда оз қолмоқда, ҳа, йил сайин.

Қиссам битди, шудир менинг сўнгги сўзим:
Собиқ жангчи ўртоқларга минг бор таъзим!
Таъзим!

Андижон, 1985 йил

ВУЛҚОНЛАР ХУРУЖИ

Табиатнинг даҳшатли жараёнларидан бири вулқонлардир. Яқиндагина Колумбияда (Жанубий Америка) жойлашган Невада-дель-Риус вулқони «қутуриб» хуруж қилгани кўз олдимиздан кетмайди. Матбуотнинг хабар беришича, унинг отилишининг биринчи фазасидаёқ 22 минг 300 дан ортиқ киши ҳалок бўлди, 25 мингдан ортиқ киши жароҳатланди. Вулқон яқинида жойлашган Армеро шаҳри бутунлай харобага айланди. Унинг атрофидаги 180 квадрат километрли территория табиий офат райони, деб эълон қилинди. Бу территорияда бир миллиондан ортиқ аҳоли яшайди. Чунки мазкур территориядаги вулқон дастидан деярли ҳамма йўллар, кўприклар бузилиб, шу район ташқи дунёдан бутунлай ажралиб қолди. Шу сабабли ўша кунлари бу жойлар билан фақат вертолет ва самолётлар ёрдамида алоқа қилиниб турилди.

Невада-дель-Риус вулқони кечқурун соат ўнларда ҳаракатга келиб, тоғ жинсларининг парчалари ва қайноқ кул улкан устун шаклида осмонга 8000 метр баландликкача кўтарила бошлади. Вулқоннинг отилиши оқибатида унинг тепасида ва ёнбағирларида жойлашган музликлар ва кўп йиллик қорлар эриб, вулқон тўфони билан қўшилиб атрофга қайноқ лой бўлиб сурила бошлади. Унинг йўлида жойлашган Армеро шаҳри қайноқ лой қатламлари остида қолиб кетди. Қайноқ лой оқимининг тезлиги эса жуда юқори эди. Чунки вулқоннинг баландлиги денгиз сатҳидан 5 минг 400 метр юқорида бўлган. Бу табиий даҳшатдан ўша атрофдаги Либано, Онда, Амбалема ва бошқа шаҳарларда вайронгарчиликлар юз берди. Фалокатдан тасодифий сақланиб қолган бир кишининг ҳикоя қилишича, шаҳарда чироқ ўчиб қолган, уни фақат вулқон шуъласи ёритиб турган, қайноқ лой одамларни ўз қаърига торта бошлаган, атрофидаги ҳатто энг яқин кишиларга ҳам ёрдам беролмаган. Унинг ўзи эса жон талвасада бир дарахт тепасига чиқиб олишга улгурган ва икки оёғини синдирган.

Колумбия ҳукумати 6 метрли лой қатламлари остида қолиб кетган Армеро шаҳрини тиклашдан воз кечишга мажбур бўлди ва шаҳар харобаларини гўристонга айлантиришга қарор қилди. Чунки ҳалок бўлган кишиларнинг кўпчилигининг таналари лой қатламлари остида қолиб кетиб топилмади. Оқава лой қатламлари вақт ўтган сари қаттиқлашиб, қидирув ишларини қийинлаштирган. Лекин қидирув ишлари тўхтатилмаган. Қидирув ишлари натижасида 10 мингдан ортиқ киши қутқарилган.

Умуман, бу вулқоннинг отилишидан 227 минг киши зарар кўрди. Вулқон 1 миллиард доллардан кўп зиён келтирди.

Хўш, вулқонлар отилиши натижасида бундай фалокатлар илгарилари ҳам бўлганми? Албатта, бўлган. Табиатда учраб турадиган хавфли бу жараён инсониятга жуда қадим замонлардан бери маълум. Вулқонларнинг отилишини одамлар ибтидоий тузумдан бери кузатиб келадилар. Бироқ, қадимги одамлар вулқонлар сирини тушуниб етмаганлар. Вулқонлар отилиб турадиган ўлкаларда яшовчи кишилар табиатдаги бу жараённи илоҳий кучга боғлаб келганлар. Қадимги римликлар отилиб чиқаётган вулқонларни кўриб-кузатиб, уни олов худоси Вулкано (бу Ўрта денгиздаги бир оролнинг номи) номи билан атаганлар. «Вулканус» сўзи лотинча бўлиб, олов худоси деган маънони беради. Вулқонларнинг ҳаракат қилиш сири номаълум бўлган даврларда улар ҳақида турли афсоналар тарқалган. Япониядаги Фудзияма «ёнар тоғи» илоҳийлаштирилган ва ҳозиргача баъзи японлар унга сиғинишади.

Вулқонлар Ер қаърида бўладиган турли физикавий-кимёвий жараёнлар маҳсулидир. Мана шу жараёнлар оқибатида Ер шарининг маълум районларида ташқарига тектоник ёриқлар (каналлар) орқали лава, иссиқ газ, сув буғлари ва бошқа ҳосилмалар чиқади. Бунинг таъсирида Ер юзида кўпинча конуссимон баландликлар ҳосил бўлади. Вулқон ҳосилмаларининг асосини лавалар ташкил қилади. Лава — бу ёниб турган суюқ массадир. Ер қаъридан вулқон маҳсулотлари ер устига ўша тирқиш каналлар орқали чиқади. Бундай каналлар оғзи кратер (грекча товоқ, чуқур қозон маъносини билдиради) деб аталади. Лаваларнинг ҳарорати кратерлардан оқиб чиқиш вақтида 1000 градус ва ҳатто ундан ҳам юқори бўлади. Баъзи вулқонлардан, масалан, Везувийдан ҳарорати 1150-1180 градус иссиқликдаги лавалар ҳам отилиб чиқади. Лаваларнинг ҳарорати юқори бўлганлиги сабабли улар ўзидан ҳамма вақт ёруғлик чиқаради. Лава ер юзасига чиққандан сўнг

унинг устки қатлами тез қотади. Шунинг учун ҳам унинг ички қисмларида юқори ҳарорат узоқ вақт сақланади. Кузатишлар вулқон отилгандан сўнг бир йил ўтганда ҳам қотган лавалар оқимининг ичида 20 метр чуқурликда ҳарорат 200-300 градус эканлигини кўрсатди. Бу нарса лавалар оқимининг қалинлигига боғлиқ, албатта.

Вулқон отилишдан кейиноқ кратер атрофида йиғилиб, астасекин қота бошлайди ва конус шаклга киради. Вулқон конусининг катталиги турлича бўлади. Кўпинча уларнинг баландлиги бир неча минг метрдан ортиқ бўлиб, тоғ кўринишини олади. Вулқон кратерининг катта-кичиклиги ҳам ҳар хил бўлади. Бироқ, бу вулқоннинг катта-кичиклигига боғлиқ эмас. Масалан, Везувий ва Ключевская сопка вулқонларини олсак, Везувийнинг баландлиги 1300-1400 метр, кратерининг диаметри эса 568 метр. Ключевская сопканинг баландлиги 4861 метр, кратерининг диаметри 675 метр.

Вулқон ҳосилмалари ичида фақат лава ҳамда парчаланган қаттиқ тоғ жинсларигина улар атрофида тўпланиб, конуссимон кўринишлар ҳосил қилади ёки бўлмаса улар атрофдаги пастликларга оқиб тушади. Масалан, Везувий вулқонининг 1794 йилги отилишида лава оқимлари 5700 метр масофагача оқиб борган. Гавай оролларидаги баъзи вулқонларнинг лаваси то 70 километргача етади. Бироқ, вулқон кулларини шамоллар узоқ жойларга олиб кетиши мумкин. Масалан, Ўрта денгиздаги Сицилия оролида отилиб турувчи Этна вулқонининг кули Шимолий Африкагача етганлиги, Исландия оролидаги Гекла вулқонининг кули эса Шотландияга ва Стокгольм шаҳрига тушганлиги кузатилган.

Вулқон жараёнлари фақат Ер юзасида эмас, балки денгиз ва океанлар тубида ҳам юз беради. Денгиз ва океан тубларида қуруқликка нисбатан ҳам кўпроқ вулқон ҳаракатлари бўлиб туради. Денгиз ва океанларда олиб борилган текширишларда уларнинг турларида кўпдан-кўп вулқон конуслари борлиги аниқланган. Кўпинча улар тубида пайдо бўлган вулқонлар сув юзасигача кўтарилмайди, уларнинг баъзи кучлилари сув юзасида ҳар хил йўналишдаги кучли тўлқинларни ҳосил қилади. Бундай воқеа 1852 йилда Атлантика океанида яққол кузатилган. Баъзи вақтларда сув ости вулқонларининг тутуни сув юзасида кузатилади. Бундай ҳодиса 1806 йилда Тинч океандаги Самоа оролларининг шарқий қисмида юз берган. Агар сув остидаги вулқонлар жуда кучли бўлса, улар океан ва денгизларда вулқон оролларини ҳосил қилади. Масалан, шундай жараён оқибатида 1796 йилда Алеут архипелаги таркибига кирувчи Иоанна Богослова ороли, 1866 йилда эса Эгей денгизида шундай вулқон ороли ҳосил бўлган. Курил архипелагидаги кўпчилик ороллар ҳам шу хил жараёнда вужудга келган.

Вулқонлар Ер юзида бир текис тарқалган эмас. Улар планетамиздаги ҳамма материкларда ҳамда океанларда жойлашган оролларда мавжуддир. Маълум вулқонларнинг 80 проценти Тинч океани ҳавзасида жойлашган. Бу ерда вулқонлар Алеут оролларидан то Патагониягача, Камчаткадан Осиё ва Австралия соҳилларига яқин жойлашган оролар орқали Антарктика қирғоғигача чўзилган. Бу зона Тинч океан вулқон ҳалқаси деб аталади. Бу зонада тарихий давр ичида 20 мингдан ортиқ вулқон отилишлари бўлганлиги маълум. Яна бир катта вулқонлар тарқалган зона Марказий Америкадан бошланиб, Антиль оролларини ўз ичига олади, сўнгра Ўрта денгиз ва Зонд оролларигача чўзилади.

Совет Иттифоқи территориясида ҳаракатдаги вулқонлар Камчатка ярим оролида ҳамда Курил оролларида тарқалган. Камчаткада ҳаммаси бўлиб 28 та ҳаракатдаги ва 150 тага яқин сўнган вулқонлар бор. Курил оролларида эса 39 та вулқон мавжуд.

Шу нарса характерлики, Ер шаридаги деярли ҳамма вулқонлар океан ва денгизларга яқин ерларда жойлашган.

Бизнинг мамлакатимизда вулқонларнинг ҳолати ўрганилиб, назорат қилиб борилади, имкони борича вулқон фалокатларининг олдини олиш тадбирлари кўрилади.

Мурод МАМАТҚУЛОВ,
география фанлари доктори,
профессор

ОВҚАТЛАНИШ РЕЖИМИ

Кишиларнинг саломатлиги, меҳнатга лаёқати истеъмол қилаётган озиқ-овқатига, унинг турига ва қай йўсинда овқатланиш режимига ҳам боғлиқ.

Инсон организмидаги тўқималар, кишининг ёшига, жисмига ва касбига қараб зарур бўлган витаминларни, углевод, ёғ ва минерал моддаларни талаб қилади. Бу моддаларнинг етишмаслиги ёки меъёридан ошиб кетиши ҳам киши организмига салбий таъсир кўрсатади. Овқатланиш режимига риоя қилмаслик инсон организмида моддалар алмашинуви жараёнини сусайтиради, баъзи аъзоларнинг касалланишига олиб келади.


Масалан, Д витаминининг доимий етишмаслиги рахитга сабаб бўлса, А витаминининг камлиги эса организмни ўсишдан орқада қолдиради ва кўриш қобилиятини бузади. Истеъмол қилинаётган овқатда муттасил темир моддасининг етишмаслиги эса скелетнинг тузилишига таъсир қилади. Тўйиб овқатланмаслик натижасида оқсил моддасининг етишмаслигидан ҳозирги пайтда кам тараққий этган мамлакатларда минглаб болалар нобуд бўлмоқда.

Киши меъёридан ортиқ овқат истеъмол қилиб, организмни зўриқтириб қўймаслиги керак. Бундай ҳолатда ҳам турли-туман нохушликлар келиб чиқиши мумкин. Киши ўзининг ёшига, сарфлаган қувватига қараб овқатланиши лозим. Кўп овқат истеъмол қилиб, кам ҳаракат қилиш эса қонда холестерин миқдорининг кўпайишига сабаб бўлади, натижада қон-томир касаллиги, яъни атеросклеротик жараён (қон томирлари ички деворининг тораййиши) кучаяди. Бундай ҳолларда хафақонлик, қандли диабет каби касалликлар юзага келади. Киши организмидаги ортиқча оқсил эса юрак атрофининг ёғ босишига олиб келади. Шунинг учун доимо қатъий режим асосида ва озиқлик сифатига қараб, ҳар ким ўз меъёрини билган ҳолда овқатланиши маъқул. Айниқса, болаларнинг овқатланиш режимини қатъий тартибга солиш ва уларнинг бу режимга риоя қилишини оилада кузатиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимизда кишиларнинг саломатлиги ҳақида ғамхўрлик қилиниб, режим билан овқатланиш кенг тарғиб қилинмоқда. Фақат 1984—1985 йилларнинг ўзидагина шу масалага доир газета ва журналларда 300 дан ортиқ илмий ва оммабоп мақолалар эълон қилинди. «Тўғри овқатланиш» туркумида 50 та турли хил суратли плакатлар нашр қилинди. Иттифоқдош республикаларда режимли овқатланиш тўғрисида 60 мартадан кўпроқ телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар уюштирилди. Оммавий нусхада овқатланиш режими ҳақида 70 дан ортиқ брошюра ва эслатмалар нашр этилди.

Оммага кенг пропаганда қилинган овқатланиш режимини СССР Фанлар академиясининг Озиқ-овқат илмий-тадқиқот институти ўрганиб борди ва тадқиқ қилди. Институт мутахассислари кишиларнинг ёши, гавдаси ва иш турига қараб овқатланишни табақалаштириш, меъёр белгилаш масалалари билан изчил шуғулланмоқдалар. Мутахассислар киши организми учун зарур углеводнинг бир тури бўлган ҳужайраларнинг («парҳез толалар») янгилари ҳақида маълумотлар ҳам бериб бормоқда. Ҳужайралар холестеринни, шунингдек, ортиқча ва баъзи заҳарли моддаларни ўзига сингдириб организмдан ҳайдайди, қон босимини яхшилайди. Ҳужайралар сут маҳсулотларида ва полиз маҳсулотлари таркибида кўп бўлади.

Мутахассисларнинг маслаҳатларига тўғри амал қилган кишининг соғлиги мустаҳкам, меҳнатга лаёқати яхши бўлади.



Тошкент область Пскент районидаги Охунбобоев номли колхознинг чорва комплексида Турматовлар сулоласи ибрат кўрсатиб меҳнат қилмоқда. Суратда: Саломат Турматова (ўнгдан иккинчи) фарзандлари — Бухол, Маърифат, Бахтиёр билан.

Н. Муҳаммаджонов фотоси

МУРҒАК ҚАЛБГА ЙЎЛ ТОПИБ

ПАРТИЯ ва ҳукуматимиз болалар адабиёти, театри ҳамда кинематографиясини ривожлантиришга ҳам катта аҳамият бериб келмоқдалар. Бу муҳим вазифа асосини жамиятимиз келажаги бўлган ёш авлодни муносиб тарбиялаш, уларни коммунизмнинг илғор қурувчилари этиб камолга етказишдек эзгу мақсад ташкил қилади.

КПСС Марказий Комитети 1981 йили «Болалар ва ўсмирлар учун кинофильмлар ишлаб чиқариш ва кўрсатишни яхшилаш тўғрисида» деб чиқарган қарор бу соҳада янги уфқлар очиб берди. Қарорда кинематографчиларимиз олдига муҳим вазифалар қўйилди. Болалар учун яратилаётган асарларга жиддий ёндошиб, мамлакатимиз ёш гражданларининг ғоявий-сиёсий жиҳатдан камол топиши, ҳар томонлама ривожланишига актив таъсир ўтказиш, уларда социалистик Ватанга муҳаббат, Коммунистик партия ишига садоқат, социализм душманларига, реакция ва агрессия кучларига муросасизликдан иборат туйғуларни вояга етказиш зарурлиги таъкидланади.

Бу тарихий қарор бутун совет, жумладан, ўзбек болалар киносининг ривожланишига ҳам самарали таъсир кўрсатмоқда. Кейинги йилларда «Ўзбекфильм» студиясида яратилган бир қатор асарлар шулар жумласидандир. «Эртага чиқасанми?» (режиссёр Қ. Камолова), «Комила» (режиссёр М. Оғамирзаев), «Тоғлар чорлайди», «Ленинградликлар — жигарбандларим» (режиссёр Д. Салимов), «Ўзганинг беш баҳоси» (режиссёр Г. Бзаров), «Эртанги кун дарслари» (режиссёр А. Акбарҳўжаев) фильмларини эслаб ўтиш мумкин.

Ҳозирги болалар киноси ёркин замонавий руҳи билан ажралиб туради. Унинг энг яхши намуналари худди шундай деб айтишга асос беради. Бир қанча асарларда катталар билан болаларнинг ўзаро муносабати, мактаб, пионер ва ўқувчилар ҳаёти бадиий ҳақконий очиб берилмоқда.

Улуғ рус ёзувчиси Лев Толстой: «Энг арзимас икир-чикирлар ҳам характернинг шаклланишига кўмаклашади», деган эди. Болалар кинематографияси соҳасида ижод этаётган режиссёр Қамара Камолова ўз фильмларида кўпроқ болалар характерининг шаклланиш жараёнини ифодалашга интилмоқда. Бу режиссёр «Аччиқ данак», «Комила», «Неварамиз милицияда ишлайди» каби фильмлари билан ёш томошабинларнинг меҳрини қозонди. Чунки айни фильмларда ҳаёт ҳодисалари ва тарбиявий масалалар болалар ва ўсмирлар руҳига мувофиқ равишда ишонарли ва таъсирли ифодаланган.

Януш Корчак: «Болалар катталардан энг аввало ҳаётий тажрибага эга бўлмаганликлари билан ажралиб турадилар», деб ёзган эди. «Аччиқ данак» бадиий фильми ана шу ҳаётий тажрибага эришиш нақадар қийинлиги, мурғак қалб гоҳида қандай мураккаб нарсаларни ҳис қилиши, болалар характерининг шаклланиши ҳақида ҳикоя қилади. Фильм қаҳрамонлари: серҳаракат, сезгир ва қувноқ қиз Лаъли, унинг дугонаси вазмин, хаёлчан Наргиза, актив, ўзини кўрсатишни яхши кўрадиган ўспирин Эркин. Буларнинг ҳар бирининг ўз орзу-интилишлари, воқеа-ҳодисаларга муайян муносабати мавжуд.

Фильм қаҳрамонлари хаёлини қизил қуш ҳақидаги афсона банд этган эди. Улар: «Бу қушни кимда ким кўриб қолса, ўша одам бахтли бўлади», деб эшитган эдилар. Эркин тенгқурлари олдида ўз мардлигини намойиш қилиш мақсадида қизил қушнинг уясини бузиб, унинг боласини олади. Наргиза эса Эркиннинг бу ишига чидолмайди: ҳали учирма ҳам бўлмаган қушни уясига олиб бориб қўйишни талаб этади. Бироқ Эркин қайсарлик қилиб туриб олади. Шу пайт қизил қуш бузилган уяси устида жон ҳолатда чирқиллаб учади, охири, одамларнинг оёғи остига ўзини ташлаб, ҳалок бўлади. Шу воқеа содир бўлгунча, Наргизанинг қалбини Эркинга нисбатан самимий, болаларча беғараз меҳр эгаллаган эди. Лекин Эркин қизил қушга ёмонлик қилгани Наргиза қалбини ларзага келтирди. Унинг меҳрини совутди.

Қизил қуш образи — бадиий уйдирма. Лекин унинг маъноси теран ва кўп қирралидир. Болаларнинг қизил қушга бўлган муносабатида шаклланаётган характерлари, дунёқарашлари, эзгулик ва ёмонлик ўртасидаги азалий курашнинг ҳақиқий маъносига тушуниб етиш учун интилаётганлари акс эттирилади. Мазкур образ орқали фильм ижодкорлари шу нарсани таъкидлайдилар: одамлар ўз қизил қушлари — бахт қушларини авайлаб-асрашлари зарур.

Эртакка хос саргузашт, фавқулодда жасоратни тасвирлаган воқеаларга бой бўлмаса, болаларга аталган фильмлар ёш томошабинлар қалбини сеҳрлай олмайди. Шунинг учун ҳам Қ. Камолова «Аччиқ данак» фильмида фантазияга кенг ўрин берган. Афсонавий қизил қуш билан боғлиқ равишда яратилган эпизодлар экранда ниҳоятда жонли чиққан. Айтиш мумкинки, бунда режиссёр илгари мультцехда ишлаб орттирган тажриба қўл келган. Умуман, «Аччиқ данак» фильми нафосати, сюжетининг пухталиги, фантазияга бойлиги билан фақат болаларга эмас, балки катталарга ҳам маъқул тушди.


Қамара Камолованинг Марказий телевидение орқали ҳам бир неча бор намойиш этилиб, Иттифоқимиз ёш томошабинларига манзур бўлган «Эртага чиқасанми?» бадиий фильми ҳам болаларнинг ҳиссий дунёсига чуқур кириб борганлиги билан диққатга сазовордир.

Ёш томошабин эътиборини экранга жалб қилиш, таъсирлантириш, унга ниманидир ўргатиш учун сценарий муаллифию режиссёр, бутун ижодий коллектив ўз ҳаяжонини, юрагида асраган ғоясини, меҳрини мукаммал образлар, тасвирий воситалар орқали болалар тушунчасига мослаб етказа олиши лозим. Қ. Камолованинг навбатдаги асари шундай ижодий меҳнатнинг маҳсули бўлди. Мазкур янги киноасар болаларнинг катталар ҳавас билан боқадиган ўйинлари, уларнинг воқеликка бўлган муносабатини ўзида ифода этади. Фильм қаҳрамонлари — одобли қиз Юлдуз, инжиқ, қайсар, зўравон бола Бек. У Юлдуз айтган ўйинда қатнашишни истамайди. Лекин у фильм давомида ўзгариб боради, Юлдузнинг таъсири билан, болаларга бўлган муносабатини ўзгартиради. Фетъл-атворида яхшиликка мойиллик устун келади. Фильмда яхшилик ҳудбинлик устидан ғалаба қилади.

Болалар ва ёшларнинг юришт-туриши, ички кечинмалари, кишиларга муносабати ўзига хос-дир. Шу сабабли уларнинг руҳиятини тушуниш, уларга ўрнак бўларли фильмларни яратиш



«Акмалнинг янги саргузаштлари» фильмидан кўриниш.



«Бувимни қайтаринг» фильмидан кўриниш.

ижодкорлардан катта сабот ва чидам талаб қилади. Бу вазифа қатор болалар фильмларида юксак даражада адо этилди. Масалан, «Сахродаги ҳодиса» (режиссёр З. Собитов) фильми ёшларга мустаҳкам ирода, ботирлик, ўз фикрини дадил ҳимоя қилиш кераклиги ҳақида ҳикоя қилса, «Дорбозлар» (режиссёр Р. Ботиров) фильми Ватан ва халқ ишига доимо тайёр бўлишга ундайди.

Режиссёр Д. Салимовнинг «Ленинградликлар — жигарбандларим» фильмида Улуғ Ватан уруши йиллари ленинградлик болаларнинг Тошкентга эвакуация қилиниши ва уларнинг болалар уйига жойлаштирилиши ҳақида ҳикоя қилинади. Ўша дамларни замондошларга, айниқса ёшларга эслатиб ўтиш жуда муҳимдир. Фильмда томошабин ички дунёсини ларзага солувчи диалоглар ва эпизодлар мавжудки, улар ҳаётни, болаликни поймол қилувчи ҳар қандай урушни мутлақ инкор этади.

Лекин шу билан бирга «Ўзбекфильм» киностудиясида яратилаётган барча болалар фильмларини бир хил савияда деб бўлмайди. Замонамиз талабига жавоб бермайдиган, болалар дунёсидан йироқ, уларнинг маънавий дунёсини бойита олмайдиган асарлар ҳам баъзан экранга чиқмоқда. Масалар, «Тим булоқ» (режиссёр А. Акбархўжаев) фильмида кўзланган мақсад бадиий тўлақонли очиб берилган, дейиш қийин. «Тоғлар чорлайди» (режиссёр Д. Салимов) фильмидаги воқеалар эса томошабинни ишонтира олмайди, унда ёшлар учун ижобий намуна бўладиган қаҳрамон образи яратилмайди. Ваҳоланки, киноасардаги қаҳрамонлар ўзларидаги яхши фазилатларни ёш томошабинга юқтира олишлари лозим.

«Ўзганинг беш баҳоси» (режиссёр Г. Бзаров) фильмидаги қаҳрамон — Тойлоқ исмли боланинг хатти-ҳаракатлари табиий эмас. Болалар учун яратилган баъзи фильмларнинг қаҳрамонлари — хулқи анча яхши бўлмаган болалар. Бу эса экран асарининг тарбиявий аҳамиятини камайтиради.

Умуман, биз кейинги йилларда «Ўзбекфильм» киностудиясида яратилган фильмларда қардошлик, интернационализм, ватанпарварлик, инсонийлик ғояларини ёшларимиз онгига бадиий образлар орқали сингдиришга ҳаракат қилинганини кўрамиз.

Болалар ва ёшларимиз учун қизиқарли фильмлар яратиш билан коммунизмнинг ёш бинокорларини тарбиялаш доимо кино санъати олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Бу тўғрида В. И. Ленинниng сафдоши Н. К. Крупская: «Кинонинг аҳамияти таълим бериш билангина чекланиб қолмайди, унинг тарбиявий аҳамияти жуда каттадир, фикримизча, масаланинг бу томонига айниқса эътибор бермоқ керак, чунки фильмлар болаларнинг билим доирасини кенгайтирибгина қолмасдан, уларни маълум маслак эгаси қилиб тарбиялайди», деган эди.

Абдураззоқ КАРИМОВ

ҚАМПИР

ҲИКОЯ

Уктам ҲАКИМАЛИ



Қампир тез-тез нафас оларди. Узоқ давом этган беморлик оқибатида унинг юзи сарғайиб кўпчиган, салқиган қовоқлари ости кўкиш тусга кирган эди. У тез-тез чўчиб тушар, кўзини очгиси келмас, ҳароратининг кучлилигидан ёрилган юпқа лабларини чўччайтириб, баъзан қимтинар эди. Кейинги пайтларда тушлари алғов-далғов бўлар, аксари ёшлик давридаги воқеалар, отаси-онаси, ҳаётдан эрта кўз юмган яқин кишилари, шунингдек, тақдирига алоқадор фожеавий воқеалар тушига кирар, юрагини қийнар эди. Кампирнинг оёқ-қўллари ҳаддан зиёд шишган, куну тун ётар, ташналиги ортар, лекин сув ичишдан ўзини тияр эди. Олам гўё даҳшатга тўлиб борарди...

Ҳу ўша, қизилик кезлари чўмилиб ўйнаган Қизилсой қирғоғида, қумлоқ соҳилда қотиб турганмиш. Қирлар бағридан эсаётган кучли шамол сой сувини тўлқинлантирармиш. Ўн икки ёшлик пайтлари эмиш... Майда ўрилган кокиллари учига пилик боғланган, кўк нимча кийган яланг оёқ қизча паришон пўртаналарга термилармиш. Ғалаён-тўлқин қутургандан қутуриб қумлоқ соҳилга урилар, баҳайбат харсангларни қулатиб, чирпирак қилиб, қаёқлардадир оқизиб кетаётганмиш. Кутилмаганда сув сатҳида патлари тўкилган, қанотлари майишган қандайдир оққуш пайдо бўлганмиш. Қуш чуммагини каппа-каппа очиб нафас олармиш. Учишга, сузишга уринармиш, лекин мадори етмасмишу, барибир юксакликка интилармиш...

Қуш икки бор сувга шўнғибди. Кейин жон талвасасида типирчилаб, яна юқорига интилибди. Учинчи бор шўнғишида қутурган ваҳший тўлқинлар уни комига тортиб кетибди... Шу кез қутурган ғалаён-пўртана қаърида дард-аламга, қайғу-ҳасратга, илинж ва юпанчга тўла фарёд кўтарилганмиш...

Майда ўрим сочларида жамалаклари ҳилпираб турган қизча кўзидан йўқолибди...

Кампир бу гал чўчиб уйғонди. Лаблари, томоғи қуруқшаб қақрар, ўпкаси оғзига тиқилгудай тез-тез нафас олар эди. Кўйлаги тердан намланиб, кўксига ёпишганди. Енига ўгирилишга уринди, лекин қуввати етмади.

— Ойша, — шивирлади кампир беҳолгина ва нурсиз кўзлари билан қизини излади, тополмади: «Менга хўрда пиширяётгандир...»

У қисқа-қисқа йўталди, томоғи қирилиб ачишди, бир неча дақиқадан сўнг хиёл ўзига келиб, атрофига лоқайд назар ташлади.

Ташқари ёришган, бир тавақаси очиқ дераза тагидаги айвонда самовар биқир-биқир қайнар, ҳовлидаги тут шохида эса, иккиучта чумчуқ чирқиллар, кўчада сигир-бузоқ, қўй-эчкиларнинг «маъ... мууу...»лари эшитилиб турар, хона жимжит, беш-олтита ўлимтик пашша беморнинг юзи атрофида уймалашар эди. У кўзларини юмди, беихтиёр хаёлга чўмди. Кўрган туши ёдига тушди. Қизиқ, тушига кўпдан бери сой, ўша ғаройиб қуш кирмай қўйганди. Дунёни ўйин-кулгидан иборат деб тушунган, жамалакли кокилларини селкиллатиб сой соҳилига тушган қизалоқлик кезлари оққушни ўнгида кўрарди. Кейин турмушга чиққан пайтларида — сой бўйига пақир кўтариб тушганди: сувда сузиб юрганини кўрувди. Илк бор оғироёқ бўлганда ҳам тушига кирганди. Очарчилик йили, эри Расулбойни Совурбой ўғри ўроқ билан чопиб ташлаганда эса, ғаройиб қуш тушида чирқириб юрганди. Нима учун у ғаройиб қуш доим бахтсиз дамларида тушига киради? Ундай деса, бахтли дамларида ҳам тушларида кўрган, эришажак бахтидан дарак берган эди-ку...

Кампир тоб ташлаган эшикнинг ғийқиллашидан ҳушига келиб, кўзини очди. Нигоҳи яшил жемперли, елкаси кенг, очиқ пешонали ўғлига қадалар экан, енгилгина хўрсинди. Ўғли қоғоз халтани тўшак ёнига қўйди-да, тиз чўкди:

— Ойи, тузукмисиз?

— Бир нав, — шивирлади бемор қизарган кўзларини ўғлидан узолмай. — Уйланмадинг...

— Ойи, — деди йигит онасининг кўнглини кўтаришга уриниб, — эрта-индин оёққа турасиз, тўйни бошлаб юборамиз...

— Алдайсан, мени иконтирмоқчи бўласан... уйланиш ниятинг йўқ.

Йигит тиззаларини ерга тираб қайтадан онасининг оёқ учларини уқалашга тутинди.

Кампирнинг ўртабўй, камсуқум кенжа қизи хонага кирди ва онаси ёнига чўкиб, рўмолча билан онасининг пешонасини, юзини артди.

— Ойижон, хўрда пишди, берайми? — сўради. — Тузалиб қолдингиз.

— Умрингдан барака топ, — жавоб қилди кампир ва орик, қушбурун, салгина ғамдан кўзига ёш оладиган қизига термулди, кейин ўглига юзланди. — Олим, хизматингга бор, болам...

Кун оғди. Оқшом тушди. Пода даладан қайтди. Қушлар чуғури тинди. Кампирнинг яна бир куни ўтди. Набиралари гуриллаб ёнига киришди, гуриллаб чиқиб кетишди. Хонада чироқ ёқилди. Бемор хаёлан ўзига назар ташлади: оёқ-қўллари тобора шишиб, шиш кўкрагига кўтарилаяпти... Шу тариқа саноқли кунларига чек қўйилади... ҳозирча бу «сўнгги кун»нинг бошланиши бўлса керак... шиш миясига кўчгандан кейин эса барчасига... тўғрисини айтганда, бари бир эмасми! Овқат ўтмай қолди. Бир қошиқ хўрда билан жон сақлаш қийин. Тезроқ тугагани маъқул. Тўнғич ва ўртанча қизларидан дарак йўқ. Ўртанчаси келмаса майли, болалари кўп. Кўпроқ тўнғичини кўргиси келяпти. Тўнғичи ҳам қариди. Лекин хасисроқ... асли унда ҳам айб йўқ. Қизлари кўп. «Турмушга чиқараман», деб тун-кун сеп йиғади. Ўзбекнинг тўйи осонмас. У кутилмаганда тўнғич қизи ўтган йили уйларида сўйилган қўй гўштидан бир қадоқ ҳам қолдирмай сотиб юборганини эслади: «Онадан бир қадоққина гўштни аямаса бўларди. На чора, одам мол-мулкка ўч. Иигади, теради, сўнг қолдириб ўлиб кетади. Қизиқ, она боласини дейди, бола эса ўз боласини... Шундай қилиб, фарзандлар ота-онасига қилолмаган яхшиликларини болаларига қилиб, улар олдидаги қарзларини узар экан-да».

Кенжа қизи меҳрибон, турмуши ҳам чакки эмас. Эри конда ишлайди.

Ҳовли тинчиди. Қизи ёнига кириб, уйқуга толди, чарчаганда.

Тун яримдан оғди. Кампир яна хаёлга берилди. Кўзлари олдида Улуғ исмли чуваккина, умри бўйи эт қўймаган, оқ юзли, қизиқ гаплари билан аёлларнинг ичакларини узадиган онаси пайдо бўлди. У икки ёнига икки ёстиқни қўйиб, йиғилган маҳалла қизларини ўқитар эди. Онасининг ёнида, олдида ўнлаб китоблар очиқ турар, қизларга кўпроқ ғазал ўқиб берар, ёд олдирар, баъзан ғазалларни ўзи оҳангга солиб хиргойи қилар эди. Онаси уни Расулбойга унаштиранда, энди ўн беш ёшни тўлдирганди. Кузда тўй бўлди. Оппоқ отга миндиришди. Онаси ва аёллар аламли ёр-ёрлар билан уни бегона, нотаниш хонадонга узатиб боришди. «Ер-ёр» садолари осмону фалакка кўтарилган, эгарда Сайфиддин исмли укаси қалтираб борар, у эса, тинмай ортда қолаётган қадрдон гўша — уйи, бўйдор, суяги меҳнатда қотган камсуқум отаси, укалари ҳақида ўйлар, беғубор болалиги кечган ҳовлидан кўнгил узолмай, пинҳон йиғлаб кетар эди.

Оппоқ отни гулхан атрофида уч марта айлантиргани ҳам ҳозиргидай эсида. Кейин «ёр-ёр»

садолари сўниб, уни аёллар, болалар қий-чувлар билан ичкарига кузатиб киришди. Сочи, ҳатто қош-киприкларигача сариқ эрини у илк бор чимилдиқда кўрди. Аста-секин эрига кўникди. Ёқтириб ҳам қолди. Эрини илмдан хабардор қилди. Кейин хонадонда икки қиз туғилди. Колхоз янги тузилган, эр-хотин колхозга киришган эди. Турмуш оғир эди. Буғдой унмади. Одамлар ёввойи жавдар, ёввойи мош териб кун кўришарди. Бир куни Ниёзмат исмли кўшниси келиб эрининг йўл четида, тут тагида ўлиб ётганини айтди. У жонҳолатда югуриб борди. Эрининг боши иккига ажралиб ётарди. Маълум бўлишича, эри Совурбойни ўғирлик устида тутиб олган, ўғри эса унинг бошига ўроқ билан урган, сўнг мурдасини кўчага ташлаб, ўзи тутдан йиқилди, деб гап тарқатган эди.

Эрини тупроққа қўйди. Шу тун ухламай, икки қизини бағрига босиб, йиғлаб тонг оттирди. Тушига ўша ғаройиб оққуш кирган, сув устида тинмай чирқираб учиб юрган эди. У ҳеч кимга арз қилмади. Колхозда ишлаб, болаларини боқди...

Яхши кунлар ҳам бошланди. Қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар, ёш умринг хазон бўлмасин, турмушга чиқ, дейишди. Гангиб қолганди. Эндигина Самарқанддан институтни битириб қайтган Али исмли йигитдан совчи келди. Розилик билдирди, тўй бўлди. Али отасидан ёш етим қолиб, зиё излаб шаҳарга жўнаган, илмли бўлиб шаҳардан қайтган, бу орада онаси, икки синглиси ҳаётдан кўз юмган эди. Али эрта тонгда мактабга чиқар, ялангоёқ, юпун кийинган болаларни гоҳ етаклаб, гоҳ опичлаб мактабга олиб борар, ўқитиб бўлиб кузатиб қўяр эди. Етим болаларни эса, уйида тарбиялар эди. У биринчи бўлиб Москвага борди, орден олди. Али районда катта лавозимлардан бирига тайинланди. Баъзан у қўнгизнусха қора машинада келарди, қизини, ўғилчасини, хотинини сайр қилдириб қайтарди.

Кампир сесканди, ёнига — қизига юзланди: «Шу қизимга қийин, — ўйлади у ва юраги оғир тортди, — содда, ҳамма гапга ишонаверади. Мендан кейин қийналади».

— Тузукман, ухлайвер, — деди кейин у овози титраб. — Ўйқунг чала бўляпти. Ташқарига чиқиб ухлайвергин...

Кампир кўзини юмди, аммо ухлай олмади. Хаёли қочди. Шу тариқа у уруш бошлангани, эрининг кўнгилли бўлиб фронтга кетганини хотирлади. Колхоз юмушлари аёллар ва ўспирин йигитчаларга қолган пайтлар эди. У аввал аёлларга қўшилиб буғдой ўрди, ҳаракатчанлиги, меҳнаткашлиги билан эътибор топди.

Аёллар уни бригадирликка сайлашди. Энди у қизларини ёнига олиб, аёллар билан далада — хирмон бошида тунайдиган бўлди.

Эҳ-ҳе, бу бош нималарни кўрмади!

Кундузи аёллар билан бирга ишлар, тунда уларни ўйин-кулги билан алдар, шу тариқа уларнинг дардларини енгиллаштирар эди. Кейин... ўзи ногоҳонда қўлини қонга ботирди...

Кампирлар, аёллар болалари билан капаларда, оддий похол устида ухлашарди. У эса икки ёшли ўғилчаси, тўрт ёшли қизчаси ёнида ёнбошлаб, иягини кафтига тираб, бедор ётарди. Шу куни бахтсизлик юз берди... Тун яримдан оғган, ҳаммаёқ тинч эди. Ногоҳон қулоқларига от туёқларининг дупури эшитилди. Сапчиб туриб, ташқарига чиқди. Тол тагига яқинлашди. Оғир меҳнатдан толиққан чоллар ҳам миқ этмай ухлашарди. У диққатини бир жойга йиғиб атрофни тинглар, хирмон ортида атрофни кузатар эди. Салдан кейин икки отлиқ кўринди, отдан тушиб буғдой қоплай бошлашди.

— Қимирлама! — қаҳрли қичқирди у. Сўнг жонҳолатда милтиқ тепкисини кўтариб, қўндоғини кўксига босди. — Қимирласаларинг, отиб ташлайман!

Ўғриларнинг узун бўйлиги апил-тапил отига минди. Қочди. Ортидан узилган ўқ хато кетмади. Қарсиллаган овозга: «Ўлдим!» деган фарёд қоришди. Ўғри ерда типирлаб ётар, оғзини каппа-каппа очар, чиңқирар, ўкирар эди. Олам унинг фарёдига тўлиб-тошганди.

— Она! Онажон!

Бригадир уни таниб қолди, қони миясига тепди. Ўзини телбаларча ўғрига отди.

— Жигарим, укажоним! — дея қичқириб юборди ва бурнига қон ҳиди урилиши билан эсанкираб қолди. — Жигарим, нимага ўғирлик қилдинг? Поччанг, акаларинг, қондошларинг, элюрт урушда қон тўкиб, сен учун, Ватан учун курашса, сен нимага урушдан қочасан!

У қонга беланиб ётган укаси Салимни бағрига босди, қонли юзидан, кўзларидан қайта-қайта ўпди: «Одамларнинг: «Салим урушдан қочиб юрибди», дейишгани рост экан-да...» Ҳамма даҳшат ичида фожеа юз берган ерга тўпланди. Кейин нималар бўлганини эслолмайди. Ҳушига келганида қуёш чиққан, колхоз раҳбарлари йиғилган эди.

Кейин уни мукофотлашди. Лекин мукофотни олмади: «Юзим қора бўлди. Бояқиш жигаргинам ёш эди ҳали. Уйланмаган ҳам эди...» Унинг кўз ўнгидан навқирон укаси Салимнинг қонга бўялган кенг юзи, типирчилаётган қўл-оёқлари ўтаверар, қулоқлари остида эса: «Ўлдим!» деган фарёди жаранглаб турар эди...

Кампирнинг юраги беҳаловат уриб, танаси беҳолланди.

— Ойи, нимага безовталанясиз? — деб сўради ёнида ётган қизи. — Тузукмисиз?

— Тузукмасман, — минғирлади кампир. — Уканг қани?

— Ҳовлида ётибди.

— Чақир.

— Болам, — дея гап бошлади кампир ташқаридан шошиб кирган ўғлига. — Ўпкангни бос. Доим ҳовлиқиб юрасан. Ўқишингни тугатдинг. Уйлан. Мен кўролмайман чоғи...

— Оёққа туриб кетган кунингизоқ уйланаман, — деб шивирлади йигит.

— Ўлим ҳақ, — деди кампир қатъий. — Ҳеч ким дунёга устун бўлмайди.

Йигит юзини чангаллади, туриб ташқарига чиқиб кетди.

— Чой қуяйми, ойи? — деди қизи кампирга.

— Керакмас. Опаларингни айтиб кел.

Кечга яқин хонага кампирнинг уч қизи ва ўғли йиғилди. Беморнинг истаги билан набираларн ҳам чақирилди. Кампир уларни жилмайиб қаршилади. Ҳаммасига қанд-қурс, китоб-дафтар олиш учун ўлимлигига асраб қўйган пулидан улашди, пешоналаридан бирма-бир ўпди.

— Арзандаларим, — деди кейин у набираларининг елкаларига қоқиб. — Мен мактабда доим аъло ўқиганман. Сизлар ҳам бувиларингизга ўхшаб, аъло ўқинглар. Ота-онангизни, кексаларни ҳурмат қилишни унутманглар. Энди кўчага чиқиб ўйнайверинглар. Мени сўраганларга: «Бувимиз соғайиб қолдилар, эртага кўчага чиқадилар, биз билан ўйнайдилар», денглар. Боринглар, ҳозир орқаларингиздан етиб оламан. Қани, қани...

Болалар чуғурлашиб ташқарига отилишди. Кампир набиралари ортидан мамнун қараб қолди: «Мен ўлаётганим йўқ, ҳеч ҳам ўлмайман, набираларимда яшайман. Фақат битта танам ўнлаб бўлакларга бўлинди холос. Ана шу ўнлаб бўлакларим — набираларимда, фарзандларимда...»

Бемор ортига сурилди. Қуракларини деворга тиради. Қўрғошиндай оғирлашиб бораётган қовоқларини қийналиб очди. Қизларини кузатди.

— Ойи, — кенжа қизи сўз қотди, — қўшнилар ҳол-жонимизга қўймай, олдингизга киришни сўрашаяпти, қўймаяпмиз.

— Киришсин, кўнгли яқинларнинг шаштини қайтарманглар, — кампир ўзини тетик кўрсатиш учун қимирлаб қўйди. — Кўпдан бери сизларга бир нарсани айтаман, дейман, хаёлимдан кўтарилади. Ҳозир эсладим. Дунёда ҳамма нарса ҳалоллик, покликка тақалади. Ҳалол, пок одамнинг юзи ҳеч қачон шувит бўлмайди. Хонадонингизни пок тутинглар. Пок, ҳалол кишилар меҳнаткаш бўлади, меҳнатдан топади. Меҳнат эса, одамни дангасаликдан, нопокликдан асрайди. Ўлим ҳақ. Ўлганингдан кейин ҳам сени одамлар ҳавас билан эсласинлар.

— Туфу, туфу, кўз тегмасин, — кампирнинг қизлари жилмайишиб, бир-бирларига қарашди. — Чиндан ҳам ойимиз соғайиб қолдилар.

— Энди ташқарига чиқинглар, — гапини давом эттирди кампир. — Ҳовлида катта олов ёқинглар. Озгина совуққотяпман. Деразаларни очиб қўйинглар. Алангаси уйга кираверсин. Шишлар танамни қиздиришга қўймаяпти. Танам худди музлаганга ўхшайди. Маърифа қизим, сен палов дамла. Маза қилиб ейлик.

— Палов сиздан айлансин, ойижон.

— Тезроқ олов ёқинглар, кўнглим катта олов истаяпти. Роҳатланиб, алангасига тобланай. Эртага кўчага чиқаман. Маърифа, раҳматли бувингнинг қўшиғи эсингдами? Ҳарбийдан қайтмаган тоғангга аталган қўшиғи...

— Эсимда.

— Бор овозингда айт. Деразаларни оч. Бу йилги куз оғир келди. Совуқ эрта тушди. Эртага қор ёғади...

Деразаларни ланг очишди. Опа-сингиллар ҳовлига чиқишди. Ҳовли ўртасига катта гулхан ёқишди. Ўйинқароқ болалар — кампирнинг набиралари гулхан атрофини айланишар:

— Ур-рай! Бувимиз соғайиб кетдилар, эртага кўчага чиқадилар!.. — деб қийқиришар эди.

Кампирнинг нигоҳи дераза ортида қарсиллаб, гуриллаб ёнаётган оловга қадалди. У турли томонга эгилар, сурилар, деворга суялар, узлуксиз ўлим билан олишар эди. Ташқаридан тўнғич қизи Маърифанинг овози эшитиларди. У ҳарбийдан қайтмаган тоғаси ҳақидаги қўшиқни куйларди:

Қора рўмол қўлимда,
Қараб қолдим йўлингда.
Сариқ рўмол қўлимда,
Сарғайибман йўлингда...

Гулхан ловиллаб, гуриллаб, атрофга сонсиз-саноқсиз учқунлар сачратиб ёнар, алангаси осмону фалакка туташар, ўтинлар қарсиллаб ёрилар, турли томонга сачрар, болалар тинмай қичқиришар, уч қиз ва бир ўғил эса, тинмай қўшиқни такрорлашар эди.

Тун тугаб борар, тонгнинг илк нурлари оламни аста-секин мунаввар этар, қушлар чуғурлашар эди. Кампир тобора нурсизланиб бораётган кўзаларини ташқарига тикарди, гулхан шуъласини кўзлари хира илғайди, қўшиқ оҳанги ҳам қулоқларига хира эшитилади. У ўзини кўк нимчада гоҳ ялангоёқ, ялангбош, гоҳ жамалакли сочларини селкиллатиб қумлоқ сой соҳилида югуриб юрган, гоҳ сув сатҳида сузаётган ғаройиб оққушни силаётган ҳолатда тасаввур этади. Баъзан ўзини келинлик либосида, от устида узатилиб кетаётган ҳолда, сўнг ловиллаб ёнаётган гулхан атрофида айланаётган, кейин аёллар билан бутдой ўраётган, укаси Салимни отаётган ҳолда кўради.

Ниҳоят, оламни қоронғилик қоплади. Унинг учун ҳаммаёқ тинчиди. Овозлар ҳам тинди. Кампирнинг оёқ-қўллари аввал титради, сўнг силкинди. Қарийб икки соатга чўзилган кураш мағлубият билан тугади. Кампир деворга суянганча қолди...

Ташқарида ловиллаб ёнаётган оловнинг шашти пасайиб, қўшиқ ҳам аста-секин тинди. Болалар учун эса уйқу палласи етди. Кампирнинг қизлари ва ўғли ичкарига киришди.

— Ойи, — деди кампирнинг арзандаси Олим ва онасининг ёнига чўкди. — Ойи...

Эртаси куни кечга яқин кампирнинг фарзандлари қабристонга чиқишиб, зиёрат қилиб қайтишди. Шомга яқин эса осмонни оппоқ қушлар тўлдириб, кун чиқишдан кун ботишга қараб учиб ўтишди. Бу — кампир туғилганда кун ботишдан кун чиқишга қараб учиб ўтишган оппоқ қушларнинг янги авлоди эди...

ХИЗМАТИ ЭЛГА МАНЗУР

Редакция почтасидан

...Шифохонанинг кенг, ёруғ, покиза хонасида ўтириб, «Таклиф ва мулоҳазалар» дафтарини варақлайсиз.

«...1976 йилдан буён икки кўзим катаракта (кўз гавҳарида хира парда тортилиши) касалига мубтало бўлган ногирон беморлардан бириман, — деб ёзади жалолқудуқлик ишчи Ғайрат Мўйдинов. — Андижон Медицина институти клиникаси кўз касалликлари бўлимида кўли енгил, кўз касалликлари олими Алишер Худойбердиев, кўз докторлари Х. Абдухолиқов, И. Тўхтабоев сингари меҳрибон шифокорлар қўлида даволаниб келаман. Уларга бўлган миннатдорчилигимнинг чеки йўқ..»

Шаҳрихон пахта тозалаш заводи план-иқтисод бўлимининг бошлиғи, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Анвер оға Исмоилов ҳам мулоҳазалар дафтарига шундай илиқ сўзларни ёзиб қолдирган.

Одатда, тасодиф ва касаллик фавқулодда юз беради. Шунинг учун бу ердаги мазкур клиникада ҳам иш вақти меъёрсиз. Шунга бир мисол. Марҳамат районидаги Калинин номли колхоздан 3 ёшли Дилшод Мамазиёев кўзига қайчи кириб, кўзининг оқ пардасини (склепа)ни йиртиб, гавҳари жароҳатланган ҳолда касалхонага келтирилади. Ўша заҳоти Алишер Худойбердиев ёнига тажрибали ҳамшираларни олиб ишга киришади...

Маълум бўлишича, асакалик 60 ёшлардаги бир кишининг йигирма йил аввал иккала кўзи ҳам трахома (шилинқ) билан оғриган. Ўшанда иккала кўзи ҳам операция қилинган. У оғир юк кўтарган, оқибатда кўзга оғир келадиган ишларни қилаверган. Охири ўнг кўзи кўрмай, чап кўзи хиралашган пайтда клиникага келишга мажбур бўлган.

— Хўш, бу кишига қандай тиббий ёрдам кўрсатдиларингиз? — сўрадик Худойбердиевдан.

— Пухта тайёргарлик билан ўнг кўзини қайта операция қилдик. Операция муваффақиятли ўтди... Бемор заводда иқтисодчи экан. У яна ўз ишини давом эттириш қобилиятига эга бўлди.

Андижон Медицина институти кўз касалликлари кафедраси доценти Алишер Худойбердиев хонасида суҳбатлашиб ўтирибмиз.

— Фалокатни қарангки, кандидатлик диссертациямни ҳимоя қилгач, Москвадан уйга қайтаётган куним автомобиль ҳалокатига учрадим, ўнг қўлимнинг мускуллари енгил жароҳатланди, ўнг елка курагим оғир шикастланди. Шунда соғайиб, омон қолсам, эндиги умримнинг борини ожиз одамларнинг кўзини очишга, даволашга бағишлайман, деган ниятни кўнглимга қатъий тугдим.

Орадаги жимликни бузиб, унга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

— Сиз учун энг қийин бўлган операциянгиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Энг қийин операция, деб дастлабки қилган операцияни айтсам, хато бўлмас. Негаки, биринчи марта қўлга скальпель олганда: «Шу ишни уддалайоламанми?» деган масъулиятни чуқур ҳис қилганман.

— Ҳозирги замон микрохирургиясида қайси олимларнинг илмий йўналишига кўпроқ қизиқиш билан қарайсиз?

— Умуман, XX асрнинг охирига келиб совет офтальмологияси дунёда энг йирик, етакчи соҳалардан бирига айланди, — деб вазмин гапирарди суҳбатдошимиз. — Ленин мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, кўз касалликлари микрохирургиясида жаҳонда биринчи бўлиб лазер нурини қўллаган, СССР Медицина фанлари академиясининг академиги, «Олтин кўз» нишондори М. М. Краснов, СССР Медицина фанлари академиясининг мухбир аъзолари, профессорлар С. Н. Фёдоров, Э. С. Аветисов каби олимларнинг илмий тадқиқотлари Иттифоқимиздагина эмас, балки жаҳонда эътироф этилган. Биз шу олимларнинг тажрибалари асосида ишлаяпмиз. Бизда ҳам, бундан йигирма йил аввал кўз микроскопсиз операция қилинарди. Ҳозир бизнинг клиникамизда ҳам кўз микроскоп ёрдамида операция қилинмоқда. Микроскоп ҳар бир операциянинг сифатли бўлишини таъминлаш билан бирга, кўзни заҳарсизлантирилган ҳолда операция қилишда катта самара бермоқда.


Кафедрада СССР Медицина фанлари академиясининг мухбир аъзоси, профессор С. Н. Фёдоров раҳбарлик қилаётган кўз микрохирургияси илмий-тадқиқот институти, Пирогов номли 2-Москва Медицина институти билан ҳамкорликда илмий-тажрибавий ишларни амалга ошириш ҳамда кадрлар айирбошлаш яхши йўлга қўйилган.

— Офтальмологияда қандай янгиликлар юз бермоқда?

— Ҳозир Москвадаги кўз касалликлари микрохирургияси илмий-тадқиқот институтида кўз касалликларини операция қилиш конвейер усулида олиб борилмоқда. Масалан, глаукома, катаракта операциялари айланма қурилма асосида беш хирург томонидан бажарилмоқда. Замонавий медицина техникасидаги бу янгилик яқин келажакда бизнинг бўлимимизда ҳам қўлланила бошлайди.

Хизмати элга манзур бўлган ёш олимнинг истиқболига биз ҳам тилакдошмиз.

Тўланбой АЗИЗОВ



Доцент А. Худойбердиев беморни кўздан кечирмоқда.
У. Раҳимов фотоси



ИККИНЧИ УЧРАШУВ

Қозон шаҳрида истиқомат қилаётган О. Юшканцева телевизор экранида думли юлдуз — Галлей кометасининг фотосуратини томоша қилиб ўтириб, бундан 76 йил муқаддам ўзи чизган тасвирларини «Вега—1» ҳамда «Вега—2» сайёралараро станциялар суратга олган фотонусхалар билан таққослаб кўрди.

Гап шундаки, 1910 йилнинг 16 май куни тўққиз яшар қизалоқ отаси билан ташқарига чиқиб, фавқулодда манзараниng гувоҳи бўлди: куноботар томонда Думли юлдуз нурланиб учиб борар, унинг боши пуштиранг ёғду билан ўралган эди. Самовий мўъжизанинг думи кумушранг эди. Оля дарҳол бу фавқулодда манзараниng расмини чизди. Бу расмни у то шу кунгача авайлаб сақлайди.

Ўша самовий сирли манзара қизчанинг кейинги тақдирини ҳал этди: у воягa етгач, педагогика институтининг физика факультетига ўқишга кирди ва уни муваффақиятли тамомлади. Ольга Васильевна 35 йил давомида мактабда физика ва астрономиядан дарс берди. Ундан таълим олган ўқувчилар орасида СССР Космик тадқиқотлар институтининг директори академик Р. З. Сагдеев ҳам бор. Бир йили унинг раҳбарлигида ўрта мактабни битирганлар Қозон Давлат университетининг физика факультетига ўқишга киришди. Галлей — Думли юлдуз билан қайта бор учрашувга Ольга Юшканцева бу сафар эвараси билан чиқди.

ТУН МАЛИКАСИ

Бундан йигирма йил муқаддам голландиялик ёш йигит Геерт Хагеман Александр Дюманинг «Қора лола» романини ўқиб, шу қадар таъсирландики, илгари ҳаётда ҳеч қачон учрамаган шундай афсонавий гул турини яратишга бутун умрини бағишламоққа аҳд қилди.

Ниҳоят, яқинда Ниедорп шаҳрида ўтказилган гуллар кўргазмасида у ўзи етиштирган фавқулодда қора тусдаги лолани намойиш қилди. Хагеман «Винервальд» ва «Тун маликаси» деб аталган бирмунча қора тусли гул япроқларининг қирмизий рангларини йўқотган ҳолда ўз мақсадига эришди. Маълумки, табиатда мутлақ қора ранг учрамайди. Лекин Геерт етиштирган лола бу борада ҳам барча билимдонларни ҳайратда қолдирди. Фақат, гул шайдоларини афсуслантирадиган жиҳати шундаки, тим қора тусдаги «тун маликаси»ни кўпайтириш учун камида йигирма йил керак бўлади.

Дюгонейлар қутқарилмоқда

Форс кўрфазининг Баҳрайн ороли районида сут эмизувчиларнинг сирен туркумига кирувчи, денгиз жонивори дюгонейларнинг бир тўдаси топилди. Илгари кўрфаз нефть чиқиндилари билан зарарланган учун бу жониворлар қирилиб кетган, деб ҳисобланарди. Ҳозирги пайтда Саудия Арабистони ва Баҳрайнда «Қизил китоб»га кирган бу камёб жониворларни асраб қолиш чора-тадбирлари кўрилаяпти.

ШАХ МАТ



БОТВИННИК МАКТАБИ

Совет Иттифоқи буюк шахматчилар мамлакатидир. Биздагидек гроссмейстерлар ва усталар ҳеч бир мамлакатда йўқ. Совет шахмат мактабининг 7 вакили — Михаил Ботвинник, Василий Смислов, Михаил Таль, Тигран Петросян, Борис Спасский, Анатолий Карпов, Гарри Каспаров жаҳон чемпиони бўлдилар. Барча ғалабаларимиз каби шахмат соҳасидаги муваффақиятларимиз ҳам партия-ҳукуматимиз ғамхўрлиги остида амалга оширилди. 1924 йили Москвада I Бутуниттифоқ шахмат съезди ўтказилди, унда шахматни маданий-тарбиявий восита сифатида ривожлантириш, СССРда шахмат мактабини ва шахматчилар маҳоратини тобора юксалтириш хусусида маслаҳатлашиб олинди. Ленин гвардиясига мансуб большевик Николай Васильевич Криленко Совет Иттифоқи Шахмат федерациясининг биринчи раиси қилиб сайланди.

1925 йилда Москвада биринчи маротаба халқаро шахмат турнири уюштирилди. Бу мусобақада Хозе Рауль Капабланка, Эммануэль Ласкер каби собиқ жаҳон чемпионлари ҳам қатнашдилар. Халқаро турнир тугагач, Капабланка Ленинград шаҳрини томоша қилди, Ленинград ўқувчиларига 30 та тахтада сеанс берди. Ана шу ўқувчилар орасида 14 ёшли Михаил Ботвинник ҳам бор эди. Сеансда Ботвинник Капабланкани енгади. Кейинчалик у Ленинград шаҳрининг шахмат бўйича чемпиони бўлади. 1930 йили у чинакам шахмат устаси даражасига ўсиб етишади.

1935 йили Москвада навбатдаги II Халқаро шахмат турнири бўлиб ўтди. Унда жаҳон чемпиони Макс Эйве, собиқ жаҳон чемпионлари — Александр Алёхин, Хозе Рауль Капабланка, Эммануэль Ласкер ва машҳур гроссмейстер Соло Флор ҳам иштирок этдилар. Мазкур турнир М. Ботвинникка катта шуҳрат келтирди. У С. Флор билан биргаликда 1-ўринни эгаллади. У Совет Иттифоқи шахматчилари орасида биринчи бўлиб «СССР гроссмейстери» унвонини олишга сазовор бўлди. Унинг номи энди бутун дунёга танилди. Айниқса 1936 йили Англияда ўтказилган халқаро турнирда Ботвинник катта шуҳрат қозонди. Бу турнирда жаҳон чемпиони Макс Эйве, собиқ жаҳон чемпионлари — А. Алёхин, Х. Р. Капабланка, Э. Ласкер ҳам куч синашдилар. Бундай йирик мусобақада Ботвинник Капабланка билан 1—2-ўринларни бўлишиб олди. 25 ёшли Ботвинник шундай шахмат даҳолари орасида ўз ижодий қудратини ёрқин намойиш қила олди. Инглиз матбуоти, мухлислар Ботвинник истеъдодига юксак баҳо бердилар. Газеталар Ботвинникни бўлғуси жаҳон чемпиони деб атади. Улуғ рус шахматчиси Александр Алёхин Ботвинник ҳақида ғоят самимий фикр билдирди, бу шахматчида жаҳон чемпиони бўлиш учун ҳамма фазилатлар мавжудлигини уқтирди.

М. Ботвинник 1931—1933 йилларда, 1939 йилда СССР чемпиони бўлди. 1938 йилда техника фанлари бўйича кандидатлик, 1950 йилда эса докторлик диссертациясини ёқлади. Айни пайтда шахмат билан шуғулланишга ҳам вақт топиб, унинг дебют назариясига янгиликлар киритди, кибернетика алгоритми шахмат программаси учун ЭҲМ машинасини кашф этди.

Маълумки, 1938 йилнинг ёзида Голландияда шахмат бўйича жаҳон чемпиони даъвогарлар турнирида М. Ботвинник фахрли 3-ўринни эгаллади. 1941 йилда эса жаҳоннинг олти пешқадам гроссмейстерини енгиб, шахмат тожи учун биринчи даъвогар бўлиб майдонга чиқди. Энди у жаҳон чемпиони Александр Алёхин билан тахта узра куч синашуви, шахмат тожини қўлга киритиш учун курашуви керак эди. Бу икки забардаст шахматчининг матчи 1946 йилда бўлиши керак эди, аммо А. Алёхин тўсатдан вафот этди, жаҳон шахмат қиролисиз қолди.

ФИДЕ дунёнинг энг кучли олти гроссмейстерини тўплашга қарор қилди. Булар М. Ботвинник, В. Смислов, П. Керес, С. Решевский, М. Эйве, Р. Файн эдилар. Шулардан бири — Файн ФИДЕ президиумига хат ёзиб, мўлжалланган мусобақада иштирок этолмаслигини билдирди. Беш киши қолди. Шартга кўра улар тўрт маротаба бир-бирлари билан куч синашувлари керак эди. Матч-турнир 1948 йили Гаага ҳамда Москва шаҳарларида ўтказилди. Матчнинг ярми Гаагада, ярми Москвада ўйналди. Михаил Ботвинник бу матч-турнирда ўз устунлигини тўла-тўкис намоён қилди. 20 имкониятдан 14 очко тўплаб, жаҳон чемпиони бўлди, сайёрамизнинг энг кучли шахматчиси сифатида зўр обрў қозонди.

1950—60 йиллар орасида мамлакатимизда забардаст шахматчиларнинг бутун бир янги авлоди етишиб чиқди. Василий Смислов, Давид Бронштейн, Михаил Таль, Пауль Керес, Тигран Петросян, Марк Тайманов, Борис Спасский, Лев Полугаевский, Александр Суэтин, Юрий Авербах каби гроссмейстерларимиз дунёга танилди. 1951 йили Михаил Ботвинник жаҳон чемпионлигига даъвогар Давид Бронштейн билан куч синашиб, ўз унвонини сақлаб қолди. 1954 йилда эса шахмат тожига даъвогар Василий Смислов билан учрашиб, ғолиб чиқди. Лекин 1957 йилги матчни В. Смисловга бой берди. 1958 йили эса матч-реванш ўйнаб, жаҳон чемпионлигини қайтариб олди. 1960 йилда жаҳон чемпионлиги учун ўтказилган матчда Михаил Таль енгди. Аммо 1961 йилда матч-реваншда М. Ботвинник бу ригалик шахмат сеҳргарини доғда қолдириб, яна жаҳон чемпиони бўлди. Фақат Тигран Петросян 1963 йили Ботвинникни ютиб, 1969 йилгача жаҳон чемпиони бўлди.

М. Ботвинник 70-йилларгача халқаро турнирларда қатнашиб турди. Аммо жаҳон чемпионлигига даъвогарлар матч-турнирларида қатнашмади. Сабаби: илмий ишларга, шахматни оммалаштирувчи асарлар ёзишга, ёш истеъдодларни тарбиялашга аҳд қилди. 1963 йили унинг номига қўйилган Москвадаги «Ботвинник шахмат мактаби»га ҳозиргача раҳбарлик қилиб келмоқда. Эндиликда машҳур шахматчи бўлиб танилган Анатолий Карпов ва Гарри Каспаров ҳам Ботвинник мактабида сабоқ олишган. Улар ўз устозларини: совет шахмат мактабининг улуғ намояндаси, деб атайдилар.

Михаил Ботвинник шахмат тадқиқотчиси ва тарғиботчиси сифатида ҳам самарали ишламоқда. У «Шахмат ҳам санъатми?» мақоласи билан кўпдан-кўп баҳсларга аниқлик киритди. «Шахмат партияси реал нарсани тасвирлайди, яъни у инсон тафаккурининг ижодий-мантиқий томонларини кўрсатиб беради. Шунинг учун ҳам унинг эстетик таъсир кучини, шунингдек, ер шарида кенг тарқалганлигини ҳисобга ола туриб, агар шахматни санъат деб ҳисобласак ҳам хатога йўл қўймаган бўламиз. Ҳа, бизнинг кунлардаги шахмат, тўғрироғи, бир жиҳатдан ҳам ўйин, ҳам санъат бўлиб қолмоқда», деб ёзади у.

Ҳар бир жаҳон чемпиони шахмат санъати оламига ўзининг бебаҳо хазинаси билан кириб келади. Ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Совет шахмат мактабининг, давримизнинг буюк шахматчиси Михаил Ботвинник 75 ёшга тўлди. Коммунистик партиямиз унинг ижодий хизматларини юқори баҳолади. Профессор, техника фанлари доктори, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери, халқаро гроссмейстер, етти маротаба СССР, салкам ўн беш йил жаҳон чемпиони, олти марта олимпиада чемпиони Михаил Моисеевич Ботвинник Ленин ордени, Октябрь революцияси ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ва Ҳурмат белгиси орденлари нишондори ҳамдир.

Анвар ИНОҚОВ,
шахмат бўйича СССР спорт мастерлигига номзод

ИКИР-ФИКРЛАР

«Хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, обрўсини йўқотган Шохбозов йиғилишда: «Мен ҳар қандай танқиддан юқори тураман!» деб керилган эди, кекса ишчи Мавлон ота: «Аксинча, сиз танқиддан тубан турасиз», деб шаштини қайтариб қўйди».

(Дўстлар суҳбатидан)

* * *

«Бозорда одам тирбанд, уларнинг ҳаракати молекуляр зарраларнинг тартибсиз ҳаракатини эслатарди».

(Математика ўқитувчиси ёзган ҳикоядан)

* * *

Афанди эшагини йўрттириб кетаётган эди, жинси шим, олабула импорт пайпоқни овозининг борича бақириб, мақтаб сотиб турган такасалтанг таъвияга кўзи тушиб қолди. Афанди ғижиниб: «Ўз қадрини билмаган пасткаш!» деди-да, эшагидан тушиб, узунқулоқни мақтаб кетди.

— Кеп қолинг, импортний эшак, сотаману кетаман!

— Эшагингиз ўзимизники-ю, нимаси импортний бўлар экан?! — сўради жон ҳолатда ҳалиги йигитча.

— Эшак ўзимизники бўлгани билан овози импортний, — деб жавоб берди Афанди.



Лектор: — Уфф... мен жон куйдириб тамакининг зарари ҳақида гапираяпману бу бўлса...



Чўзилган қурилиш.

Суратларни Қ. Раҳмонов чизган.

Чақир-чақир

МУЗҚАЙМОҚ

Анвар САИДУМАРОВ,
ЎзССРда хизмат кўрсатган маданият ходими

ҲАЖВИЯ

ТАСАДДУҚЖОН сал эркароқ ўсди. Ўрта мактабни ҳам бир амаллаб, уч баҳолар билан битирди. Дадаси югуриб-елиб, ошна-оғайни қилиб, институтга жойлаб ҳам қўйди. Ўрта мактабни аранг битирганлиги сабабли институтда қийналди. Турган гап, дадасининг қистови бўлмаганда, институтни ташлаб кетарди. Хуллас, югур-югур, чоп-чоп билан ўқишни битирди, инженерлик дипломи қўлга тегди. Заводга ҳам йўлланма олди. Олдинига иши юришиб кетгандек бўлди, аммо каллада ҳеч вақо бўлмагани учун панд еди. Диплом бўлгани билан, билимдан дарак бўлмаса қийин экан.

Бир куни бош инженер уни чақириб:

— Ука, ишга анча бўш экансиз, ўртоқлар шикоят қилишаяпти. Сиз билан хайрлашишга тўғри келади, — деди.

Тасаддуқжон айби борлиги учун ғинг демай, хомуш уйга қайтди. Бўлган воқеани айтган эди, дадаси:

— Уғлим, асло хафа бўлманг: иш топилади, таъбингиз қайси ишни хоҳлайди? — деб кўнглини кўтарди.

— Дадажон, ўзингиздан қолар гап йўқ, фақат заводга бормайман, бундайроқ иш ҳам бўлаверади, — деди Тасаддуқжон.

— Заводга деётганим йўқ, ёлғиз ўғлимсиз, ишлаш истагингиз бўлса, бу ёғини менга қўйиб беринг.

— Майли, оз-моз чойчақа тушиб турса, бас, — деди талтайиб Тасаддуқжон.

— Ҳа, баракалла, гап деган мана бундоқ бўлибди, ота ўғил! Фақат бошни оз-моз қотиришга тўғри келади-да.

— Чиқимга бўлмаса ҳам, киримга бош ишлайди, дадажон, — деди Тасаддуқжон.

Эртасига дадаси айтган «керакли» одамга учрашди. Икки кундан сўнг шаҳар марказидаги мороженое дўконида ишни бошлаб юборди. Эзнинг иссиқ куни, ҳамма ўзини музқаймоққа уради. Паҳлавон йигит тезда ишнинг ҳавосини олди. 19 тийинлик мороженоени 20 тийиндан пуллаб турди. Бир тийин нима деган нарса, харидорлар қайтимини ҳеч сўрашмайди.

Мана, ишлар юришиб кетди. Энди бошни иккита қилиш керак.

Онаси эрка ўғлини уйлантираман деб қиз қидира бошлади. Бир куни қўшнисининг уйига меҳмон келган эди, уни ҳам таклиф қилишди. Улар чақчақлашиб ўтириб, гап орасида қиз қидириб юрганини, кимникига боришга боши қотиб қолганини айтган эди, меҳмон аёл:

— Вой, узоқдан қиз қидириб нима қиласиз? Шуни айтадиларда, олдингда оққан сувнинг қадри йўқ, деб. Синглимнинг нақ сухсурдай қизи бор, кўрсангиз қотиб қоласиз, шунга боринг, — деб қаерда туришини айтиб берди. Тасаддуқжоннинг онаси эртасига қизни кўриб келиб, эридан суюнчи олди:

— Уғлингизга ой деса юзи бор, кун деса кўзи бор, бир ажойиб соҳибжамол қиз топдим. Ана ўшани келин қиламан!

Қудалар келишиб, ишни битиришди, лекин гап қиз билан йигитнинг бир-бирини ёқтиришида қолди. Ўртада елиб-югураётган Нозикхон қиздан якшанба куни учрашувга розилик олди.

Тасаддуқжон учрашиш кунини сабрсизлик билан кутди. Ниҳоят, ўша бахтли дақиқа ҳам келди. Қиз билан йигит истироҳат боғида учрашдилар.

— Гўзалхон, — деди Тасаддуқжон, қуриб қолган лабини тили билан ҳўллаб. — Кун ҳам роса қиздираяпти. Агар хўп десангиз, бир мороженоехўрлик қилсак, нима дейсиз?

— Майли, — деди Гўзалхон ерга қараб. «Айни кўнглимдаги қиз экан, орзумга етдим», — деб дилидан ўтказди Тасаддуқжон. Йигит узатган музқаймоқни олар экан, Гўзалхон ийманиб сўради:

— Тасаддуқжон ака, айбга буюрмайсиз, қаерда ишлайсиз, маълумотингиз қанақа?

— О, Гўзалхон, адолатли савол. Политехника институтини битирганман, инженерман. Ҳар эҳтимолга қарши дипломимни олиб келганман, марҳамат, кўришингиз мумкин, — деб дипломни узатди йигит.

— Кўрдим, бўлди, ёнингизга солиб қўйинг. Мен сельмаш заводида токарь бўлиб ишлайман. Хотин-қизларнинг иши эмас, деб ўйламанг, яна, мен шу касбни севаман. Ундан ташқари, сиз битирган институтда сиртдан ўқияпман, — деди қиз.

— Жуда соз, қўш инженер бўлар эканмиз, — деди хурсанд бўлиб Тасаддуқжон.

Кўп ўтмай тўй бўлди, Гўзалхон янги хонадонга келин бўлиб тушди.

Бир куни Гўзалхон дугоналари билан ишдан қайтиб келатуриб, музқаймоқ ейиш учун истироҳат боғига кирди. Дугоналари жой олиб ўтиришди, у эса мороженоега навбат кутиб турди. Навбати келганда: «Менга тўртта» деди-ю, ҳангу манг бўлиб қотиб қолди. Рўпарасида икки юзи анордай бўлиб Тасаддуқжон турарди. Кўёв бола ҳам унга қараб, бўзрайиб қолди.

— Г... Г... Гўзал... хон, — дея олди аранг. Шу пайт Гўзалхон қўллари билан юзини беркитиб, боғдан отилиб чиқиб кетди. Дугоналари нима бўлаётганини билолмай, ҳайрон бўлиб:

— Гўзал, сенга нима бўлди, ҳой Гўзал, — деб кетидан югуришди.

Уша куни Гўзалхон ота-онасиникига бир аҳволда кириб борди. Куёви заводда инженер эмас, мороженое дўконида ишлашидан воқиф бўлган ота-она бармоғини тишлаб қолишди.

...Тасаддуқжон уйига ҳовлиқиб келди. Унинг ранги бўзариб кетганини кўрган онасининг ҳуши бошидан учиб, сўради:

— Сенга нима бўлди, ўғлим, тинчликми?

— Гўзалхон келдими, ойи? — деди ҳовлиқиб куёвбола.

— Вой ўлмасам, Гўзалга нима бўлди, ўзи, тинчликми?

Тасаддуқжон пешонасига шапатилаб урди:

— Шарманда бўлдим, шармандa. Сирим фош бўлди. Энди нима қилдим. Гўзал уйига кетиб қолди. Нима қилсангиз ҳам бориб олиб келинг.

Онаси:

— Вой шўрим... энди нима қилдим-а, ҳозир бориб оёғига йиқиламан. Қайтиб келмагунча қўймайман, сен хотиржам бўл, ўғлим, — деди-ю кўчага отилди. Икки қуда Гўзалхонни ўртага олишиб:

— Арзимаган иш деб аразлаб кетиб қолиш ярамайди. Насиб этса, заводга ҳам кирар. Сиз ҳам ўқишни тамомларсиз. Қўш инженер бўлиб юрарсизлар, ҳаммаси олдинда, — деб насиҳат қилишди. У нохуш кайфият билан уйига қайтди.

Бироқ ўртадаги совуқчилик давом этарди. Заводда ишлашнинг ўзи бўладими. Диплом бўлгани билан илмдан ҳеч вақо бўлмаса чатоқ-да! Мана, Тасаддуқжоннинг дўконда ўтирганига ҳам бир йил бўлибди. Ҳа, ўз номи билан «дўкон», — «икки хазина», деган сўз. Шундай хазинани ташлаб кета олармиди? Куёвбола Гўзал кейинчалик кўникиб кетар, деб ўзига тасалли бериб юрди, аммо бўлмади.

— Курсдош дугоналаримдан уялаяпман, икки гапнинг бирида: хотинлари заводда ишласа-ю эрлари музқаймоқ сотса, деб кўзимни очиришмайди. Агар дўконни ташлаб, заводга ишга ўтмасалар, мендан умидларини узсинлар, — деб йиғлаб туриб олди Гўзал.

Бояқиш йигитнинг боши қотиб қолди. Нима қилса экан? Томатома кўл бўлур деганларидек, тийиндан тушиб турса ҳам талай бўлар экан. Бир мавсумда топгани тўйининг бутун харажатларини қоплади. Нима қилиш керак?

Тасаддуқжон боши қотиб, бир дўстига маслаҳат солди:

— Дўстим, сен ақллисан, ёрдам бер, нима қилай, олдимда икки йўл турибди. Бири, музқаймоқдан тушадиган даромад, иккинчиси — оила, иккисини ҳам кўзим қиймайди. Қийин аҳволда қолдим.

— Тасаддуқжон, маслаҳатим шуки, эркаклар касбини қилсанг янглишмайсан. Ҳа, ўзингга ярашадиган ишни қил, — деб маслаҳат берди дўсти.

Тасаддуқжонга бу гап маъқул тушди.



Н. Иброҳимов чизган расм




АНТИҚА ҚАРМОҚ

Яқинда Бразилияда балиқ овлаш бўйича халқаро мусобақа ўтказилди. Унда бир япониялик спортчи балиқчи ўйиндан чиқарилди. Ана шундай жазога... у ўзи ярат-ган ихтиро туфайли «эришди».

Балиқчи Иширо Онодера қармоғига махсус мослама — атрофга қон ҳидини таратувчи модда ўрнатган эди. Шу туфайли у бошқаларга қараганда олти марта тезроқ балиқ овлаш имконига эга бўлди. Балиқлар бу ҳидни юз метрча наридан сезиб, унга қараб ёпирилиб келадилар.

Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, ҳар қандай балиқни бу ҳид ўзига жалб этар экан. Мусобақа ташкилотчилари ихтирочини ўйиндан четлаштириш ҳақида баҳс-мунозара билан овора бўлиб турган бир пайтда уддабурон савдогарлар антиқа қармоқни «илиб» кетдилар.



— Тойчоғим, кенг яйловда чопқиллаб юрадиган бўлдинг.

(ЎзТАГ)


МУҚОВАДА

Биринчи бет: Пишиқчилик.
Зарварақнинг биринчи бети: Тўқувчи қиз.

Редакцияга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Известия» газеталаридан фойдаланилди.



ЧАЙНКРОССВОРД

1. Санъаткор аёл. 2. Сайилларда ўтказиладиган сўз ўйини. 3. Ўзбек халқ қўшиқларидан бири. 4. Қўшиқнинг такрорланадиган қисми. 5. Заргарлик буюми. 6. Ижодкор. 7. Тасвирий санъат вакили. 8. Қирғиз халқ эпоси. 9. Вафодорлик. 10. Таниқли хонанда ва раққоса, СССР халқ артисти. 11. Чолғу куйлари ижроси. 12. Биринчи ўзбек овозли фильми. 13. Тожик совет шоири. 14. Тасвирий санъат асари, тури. 15. Халқ ҳунармандчилиги соҳаси. 16. Ўзбекистон ССР халқ рассоми, Алишер Навоий портрети муаллифи. 17. Оммавий рақс. 18. Ўзбек халқ мақоми. 19. Амалий санъат тури. 20. Ҳусн, гўзаллик. 21. Санъат тури. 22. Музикали саҳна асари. 23. Давра қўшиғи. 24. Атоқли рус рассоми. 25. Музика ёзуви. 26. «Шашмақом» куйларидан бири. 27. Шарқ халқлари қўшиқ жанри. 28. Тақинчоқ. 29. Илк ўзбек совет раққосаси. 30. Муқимий шеъри билан айтиладиган қўшиқ. 31. Миллий музика асбоби. 32. Машҳур рақс ансамбли. 33. Ўзбек халқ достони. 34. Ижтимоий ва маънавий ҳаётдаги ютуқлар мажмуи. 35. Чирой, латофат. 36. Санъат тури. 37. Музика жанри. 38. Торли миллий чолғу асбоби. 39. Самарқанддаги меъморлик ёдгорлиги. 40. Ўқув машғулоти. 41. Бадиий ижодиётнинг айрим соҳаси. 42. Қаттиқ тоғ жинсини йўнувчи ҳунарманд. 43. Классик мақомлар мажмуи. 44. Ниқоб ва қизиқ-қизиқ кийимларда ўтказиладиган кеча, бал. 45. Оркестр бошқарувчиси.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

6-СОНДА БОСИЛГАН ЦИКЛОКРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

1. Чинобод. 2. Шийпон. 3. Чортоқ. 4. Писком. 5. Наргис. 6. Обигарм. 7. Сунбул. 8. Хумсон. 9. Хиёбон. 10. Бедана. 11. Балхаш. 12. Ананас. 13. Нарзан. 14. Бухоро. 15. Тарвуз. 16. Табиат. 17. Саёҳат. 18. Саратон. 19. Каспий. 20. Лайлак. 21. Байкал. 22. Боғбон.

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Б. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ, М. МЎЙДИНОВ, А. САИДУМАРОВ, С. ШЕРМУҲАМЕДОВ, А. ҚАЮМОВ, М. ҚЎШМОҚОВ (масъул секретарь), О. ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳ. ҲУСНИДДИНХЎЖАЕВ, К. ЯШИН.

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке)

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат ҳамда маданият бўлимлари — 33-36-59; рассомлар бўлими — 32-58-32

Босмахонага туширилди 26.05.86 й. Босишга рухсат этилди 20.06.86 й. Р—13840. Қоғоз 70×108¹/₈. Офсет усулида босилди. Фотонабор. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 201859. Буюртма 3841. Нашр А — 115.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700000: Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Зомин манзараси.

Қамчи довонида.

Чорвоқ денгизи.

Шўх қизлар.





Асрлар тенгдоши.

ISSN 0134—2207
Баҳоси 35 тийин
Индекс 75233.